

ISSN: 2181-9416



ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ
БИБЛИОТЕКА
LIBRARY.RU

ISSN 2181-9416
Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

5 СОН, 3 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 5, ВЫПУСК 3

LAWYER HERALD

VOLUME 5, ISSUE 3



TOSHKENT-2023

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнали
№5 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-5>

Бош муҳаррир:
Рабиев Шерзод Миржалилович

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирининг ўринбосари

Бош муҳаррир ўринбосари:
Отажонов Аброржон Анварович

Адлия вазирлиги қошидаги
Юристар малакасини ошириш маркази
профессори, юридик фанлари доктори,
профессор

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнали
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Окюлов Омонбой

*Юристар малакасини ошириш маркази
профессори, юридик фанлари доктори,
профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган юрист*

Саидова Лола Абдувахидовна

Юридик фанлари доктори, профессор

Тошев Бобокул Норқобилович

Юридик фанлари доктори, профессор

Мамасиддиқов Музаффаржон Мусажонович

*Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза
қилиш академияси бошлигининг ўринбосари,
юридик фанлари доктори, профессор*

Ташкулов Джурабай

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси
Давлат ва ҳуқуқ институти тарихий-назарий,
давлат-ҳуқуқий ва конституциявий ҳуқуқий
фанлар бўлими бошлиги, юридик фанлар
доктори, профессор*

Отахонов Фозилжон Хайдарович

Юридик фанлари доктори, профессор

Баймолдина Зауреш Ҳамитовна

*Қозғистон Республикаси Олий Суди
Академияси ректори, юридик фанлари номзоди*

Здрок Оксана Николаевна

*Белорус давлат университети судьялар, ҳамда
суд, прокуратура ва адлия муассасалари
ходимларини қайта тайёрлаш ва уларни
малакасини ошириш институти директори*

Масъул котиб:
Раҳманов Шухрат Наимович

*Юристар малакасини ошириш маркази
доценти, юридик фанлари номзоди*

Саҳифаловчи: Халиков Миртоҳир Мирзакирович

Контакт редакцији журнали:

100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Телефон: (+99871) 2345345

Contact Editorial Staff

100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Telephone: (+99871) 2345345

Общественно-правовой и научно-практический журнал
ВЕСТНИК ЮРИСТА

№5 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-5>

Главный редактор:
Рабиев Шерзод Миржалилович

Заместитель министра юстиции
Республики Узбекистан

Заместитель главного редактора:
Отахонов Аброржон Анварович

Профессор Центра повышения
квалификации юристов при Министерстве
юстиции, доктор юридических наук,
профессор

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:
Общественно-правовой и научно-практический журнал
ВЕСТНИК ЮРИСТА

Окюлов Омонбой

Профессор Центра повышения квалификации юристов, доктор юридических наук, профессор, Заслуженный юрист Республики Узбекистан

Саидова Лола Абдувахидовна

Доктор юридических наук, профессор

Тошев Бобокул Норкобилович

Доктор юридических наук, профессор

Мамасиддиков Музаффаржон Мусаждонович

Заместитель начальника Академии правоохранительных органов Республики Узбекистан, доктор юридических наук, профессор

Ташкулов Джурабай

Заведующий отдела историко-теоретических, государственно-правовых и конституционно правовых наук Института государства и права Академии Наук Республики Узбекистан, доктор юридических наук, профессор

Отахонов Фозилжон Хайдарович

Доктор юридических наук, профессор

Баймолдина Зауреш Хамитовна

Ректор Академии правосудия при Верховном Суде Республики Казахстан, кандидат юридических наук

Здрок Оксана Николаевна

Директор Института переподготовки и повышения квалификации судей, работников прокуратуры, судов и учреждений юстиции Белорусского государственного университета

Масьул котиб:
Рахманов Шухрат Наимович

Доцент Центра повышения квалификации юристов, кандидат юридических наук

Верстка: Халиков Миртохир Мирзакирович

Контакт редакции журнала:

100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Телефон: (+99871) 2345345

Contact Editorial Staff

100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Telephone: (+99871) 2345345

Public, legal and scientific-practical journal of

LAWYER HERALD

№5 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-5>

Chief Editor:

Rabiyev Sherzod Mirjalilovich

Deputy Minister of Justice of the
Republic of Uzbekistan

Deputy Chief Editor:

Otajonov Abrorjon

Professor of the Lawyers' Training
Center, Doctor of Law Sciences, Professor

EDITORIAL BOARD

Public, legal and scientific-practical journal of

LAWYER HERALD

Oqyulov Omonboy

Professor at the Lawyers' Training Center, Doctor of Law Sciences, Professor, Honored Lawyer of the Republic of Uzbekistan

Saidova Lola

Doctor of Law Sciences, Professor

Toshev Bobokul

Doctor of Law Sciences, Professor

Mamasiddikov Muzaffarjon

Deputy Head of the Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Law Sciences, Professor

Tashkulov Djurabay

Head of the department of Historical-Theoretical, State-Legal and Constitutional-Legal Sciences of the Institute of State and Law of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Law, Professor

Otaxonov Foziljon

Doctor of Law Science, Professor

Baymoldina Zauresh

Rector of the Academy of Justice at the Supreme Court of the Republic of Kazakhstan, Candidate of Legal Sciences

Zdrok Oksana

Director of the Institute for Retraining and Qualification Upgrading of Judges, Prosecutors and Legal professionals at the Belarusian State University

Executive Editor:

Rakhmanov Shukhrat

Acting professor of the Lawyers' Training Center, Doctor of Philosophy (PhD) in Law

Pagemaker: Khalikov Mirtokhir

Контакт редакции журнала:

100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.

WEB: yuristjournal.uz

E-mail: info@yuristjournal.uz

yuristjournal@gmail.com

Телефон: (+99871) 2345345

Contact Editorial Staff

100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan

WEB: yuristjournal.uz

E-mail: info@yuristjournal.uz

yuristjournal@gmail.com

Telephone: (+99871) 2345345

Мундарижа

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

1. ТУРҒУНОВ Мурод Турсунбоевич

АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ДАВЛАТ БОШЛИҒИ ХИСЛАТЛАРИ

ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ 8

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ. МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

2. ҲОТАМОВ Ҳомид Сулаймонович

СЕНАТ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА
ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....15

3. АДИЛКАРИЕВА Феруза Ходжимуратовна

КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД ҲАМДА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ

НАЗОРАТИНИНГ ЎЗARO НИСБАТИ ҲАМДА МУТАНОСИБЛИГИ.....22

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

4. ТОШҚУЛОВ Жўрабой Ўринбоевич, МУҲАММАДЖОНОВ Жасурбек Жаҳонгир ўғли
ИСЛОМ ҲУҚУҚИ БЎЙИЧА ФУҚАРОЛАРНИНГ ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ
ҲУҚУҚИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ29

5. УЛУГБЕКОВ Баходир Абдасович

ШАЪН, ҚАДР-ҚИММАТ ВА ИШЧАНЛИК ОБРЎСИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ
ТАБИАТИ ВА ШАРТЛАРИ42

6. YUSUPOV Sardor

ROBOTICS LEGAL CIVIL REGULATION IN UZBEKISTAN: PIONEERING A PATH FOR THE
FUTURE.....50

7. БАРЫШНИКОВА Линиза Наильевна

ГОСУДАРСТВЕННОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ В ОБЛАСТИ ФИЗКУЛЬТУРЫ И СПОРТА В
РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ58

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

8. ZULFUQOROV Abduvaxob Abdumalik o'g'li

МАТО ИЗЛАРИНИ АНИҚЛАШ, ҚАЙД ЕТИШ, ОЛИШ ВА ТАВСИFLASH.....67

9. ABDULLAEV Rustam Kaxramanovich

СУД ЕКСПЕРТИЗА ТАДҚИҚОТИ УСЛУБЛАРИ ТИЗИМИДА ЕКСПЕРИМЕНТИНИНГ О'РНИ.....75

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

10. USMANOVA Surayo Bultakovna

XIZMATLAR SAVDOSI BO'YICHA BOSH KELISHUVIDA TURIZM:

SHARTNOMAVIY-HUQUQIY Tahlil.....81

11. АЛМОСОВА Шаҳноза Собировна

ЖСТНИНГ “МИЛЛИЙ РЕЖИМ” ТАМОЙИЛИ ВА УНИ ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИГА

ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ89

12. ШАРАПОВ Шухрат Шокирович

ТАЪЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИНИНГ АСОСИЙ ТАЪРИФЛАРИ..... 96

ЮРИДИК ХИЗМАТ, АДВОКАТУРА, НОТАРИАТ

13. ФАЙЗИЕВ Хайриддин Сирожиддинович

ЮРИДИК ХИЗМАТ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ

ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ 103

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

ТУРҒУНОВ Мурад Турсунбоевич

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ
институтининг директори, юридик фанлар доктори
E-mail: murod.turgunov@inbox.ru

АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ДАВЛАТ БОШЛИҒИ ХИСЛАТЛАРИ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ТУРҒУНОВ М.Т. Абу Наср Форобийнинг давлат бошлиғи хислатлари ҳақидаги қарашлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2023) Б. 8-14.

 5 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-5-1>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Абу Наср Форобийнинг давлатни бошқариш, давлат раҳбарининг жамиятда тутган ўрни, ҳоким мақоми ва функцияларини белгилаш, фозил давлат раҳбари эга бўлиши керак бўлган табиий ва туғма хислатлари, ҳукмдор меҳнатининг ғояси ва мазмуни, давлат бошлиғи ўзида тарбиялаши мумкин бўлган фазилатлар, давлатни кўпчилик томонидан бошқариш, фозиллар шаҳар бирлашмасини бошқаришга лойиқ инсонларга қўйиладиган талаблар, инсон жисми аъзолари билан шаҳар бирлашмаси аъзолари ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар ҳақидаги қарашлари баён этилган, шунингдек, муаллиф томонидан тавсиявий хулосалар билдирилган.

Калит сўзлар: Абу Наср Форобий, давлат бошлиғи, давлатнинг моҳияти, давлат бошқаруви, фозил шаҳар, давлат механизми, давлат бошлиғига қўйиладиган талаблар, фозил жамият.

ТУРҒУНОВ Мурад Турсунбоевич

Директор Института государства и права Академии наук
Республики Узбекистан, доктор юридических наук
E-mail: murod.turgunov@inbox.ru

УЧЕНИЯ АБУ НАСР ФАРАБИ О ЧЕРТАХ ГЛАВЫ ГОСУДАРСТВА

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются Абу Наср Фараби управление государством, роль главы государства в обществе, определение статуса и функций хакима, природные и

врожденные качества, которыми должен обладать добродетельный глава государства, идею и содержание работы правителя, качества, которые может воспитать в себе глава государства, управление государством большинством, требования к добродетельным людям, достойным управления городским объединением, взгляды на сходства и различия между членами человеческого фактора и членами городского объединения, а также даны авторские рекомендации.

Ключевые слова: Абу Наср Фараби, глава государства, суть государства, государственное управление, добродетельный город, механизм государства, требования к главе государства, добродетельное общество.

TURGUNOV Murad

Director of the Institute of State and Law of the Academy of Sciences
of the Republic Uzbekistan, Doctor of Law
E-mail: murod.turgunov@inbox.ru

TEACHINGS OF ABU NASR FARABI ABOUT THE TRAITS OF THE HEAD OF STATE

ANNOTATION

The article discusses Abu Nasr Farabi's management of the state, the role of the head of state in society, the definition of the status and functions of the hakim, the natural and innate qualities that a virtuous head of state should have, the idea and content of the work of a ruler, the qualities that a head of state can cultivate in himself, management state majority, requirements for virtuous people worthy of managing a city association, views on the similarities and differences between members of the human factor and members of a city association, and the author's recommendations are given.

Keywords: Abu Nasr Farabi, head of state, essence of the state, public administration, virtuous city, mechanism of the state, requirements for the head of state, virtuous society.

Абу Наср Форобий таълимотида давлат бошлиғи, ҳукмдор шахсига алоҳида эътибор қаратилади. Мутафаккир жамият тараққиёти, инсонлар фаровонлиги, тинчлиги, комил инсонни шакллантиришда давлат бошлиғи шахси муҳим ўрин тутишини англаган. У шаҳар бирлашмасининг бошлиғи - мазкур шаҳарнинг фозиллар шаҳарларининг бирлашмасини яратиш, шакллантириш ва бошқаришда ҳал қилувчи ўрин тутадиган асосий шахс деб билади. Шу боис Абу Наср Форобий унга алоҳида талаблар қўяди.

Абу Наср Форобий давлат бошлиғининг жамиятда тутган ўрни ниҳоятда катта эканлигини таъкидлаб: "Шаҳар бошлиғи шаҳарга тааллуқли бирор кичкинагина ишни амалга оширса ҳам бутун шаҳарга бу иш ўз таъсирини кўрсатади, бошлиқ мана шу ишни амалга ошираётганда унинг шаҳар аҳолисининг бир қисмига нафи, бир қисмига зиёни тегмасдан аҳолининг ҳаммасига нафи тегишини ўйлаши керак" [1, Б.104], - дейди. Шу боис, аллома фозил давлат яратиш ва унинг фаолият кўрсатиши учун раҳбарнинг маърифатли бўлиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга деб билади. Бундай раҳбар, унинг фикрича, фозил давлат мавжудлигининг, ушбу давлат аъзоларида зарур хислатларни шакллантиришнинг сабаби бўлиши керак [2] деган фикрни билдиради.

Абу Наср Форобийнинг ҳоким мақомига алоҳида аҳамият беришида давлат бошлиғининг қўлида бутун ҳокимият жамланган ўрта аср монархиясининг таъсири сезилади. Бироқ бу таъсир расмий ва ташқи хусусиятга эга. Файласуф фозил давлат бошлиғига қўйган талаблар ушбу давлатнинг моҳиятига мос келадиган раҳбарни танлаш имконини беради.

Абу Наср Форобий давлатни бошқаришни алоҳида санъат деб ҳисоблайди. "Ахлоқ ва фаолиятда изчил, бир меъёрда, яъни ўрта меъёрда иш олиб борувчи киши давлат ва мулкни бошқарувчи раисдир, унинг хунари давлат ва мулкда фаол иштирок этишдир.

Фаолиятда ўрталликни топиш санъати - бу раҳбарлик қилиш санъатидир” [2, Б.103]. Шаҳарда хизмат қилиш учун кўп санъатлардан фойдаланилади. Демак, Абу Наср Форобий бошқарув санъатини хизмат қилиш воситаси бўлган санъатдан фарқлайди. Давлат раҳбари шундай санъатга эга бўлиши керакки, у бирон нарсага хизмат қилиш воситаси ҳам, бошқа санъат томонидан бошқарилиш объекти ҳам бўлиши мумкин эмас. Бошқарув санъатига барча бошқа санъатлар бўйсунди. Бундай санъатга эга инсон бошқа ҳеч ким томонидан бошқарилмайди, у «комилликка эришган ҳамда амалдаги ақл ва тушунчага айланган» [4].

Бундай инсон юксак даражадаги комилликка эришган бўлиши ва сао- датнинг чўққисида бўлиши керак. Унга бахтга эришишга ёрдам берадиган ҳар қандай ҳаракат маълум. У ўз билимларини сўзлар орқали яққол ифодалашни ва одамларни энг яхши усуллар билан бахтга йўналтиришни билиши керак. Бундай хислатларга эса комил файласуфгина эга.

“Бахт-саодатга эришув ва туғма қобилиятларининг ривожланиши ўз-ўзича бўлавермайди, - деб ёзади аллома, - балки бу масалада қандайдир бир муаллим ёки раҳбарга муҳтожлик туғилади” [3, Б.189].

Мутафаккирнинг фикрича, бошқаларга раҳбарлик қилиш ҳам, уларни бахт-саодатга эришув даражасига кўтариш ҳам ҳар кимнинг қўлидан келавермайди. Кимда бировни бахт-саодатга эриштириш, зарур бўлган иш- ҳаракат кабиларга руҳлантира олиш қобилияти бўлмаса ва бу иш-ҳаракатни бажара олишга қудратсиз бўлса, у асло раҳбар бўла олмайди.

“Баъзан раҳбарлар, - деб ёзади аллома, - бир шаҳарнинг соҳибкори, шаҳар халқи ҳаётига тегишли ишларида тадбиркор бўладилар. Улар бу йўл-йўриқларни ўтмишда кечган бошлиқлардан ўрганадилар, лекин шу билан бирга, раҳбар келажак учун ўтмишдаги расм-русум, йўл-йўриқларни ислоҳ қилишни лозим ва фойдали топса, турмуш шароити тақозосига қараб уларни ўзгартиради. Шунингдек, ёмон одатларни ўзида ифодаловчи ўтмишни ҳам ўзгартирмоғи керак. Акс ҳолда ўтмишнинг талабларига риоя этиб, унинг кайфияти сақланса, турмушда ҳеч қандай энгиллик, ўзгаришлар ва ўсиш ҳам бўлмайди” [3, Б.189].

Афлотун ва Арасту ҳам ҳақиқий файласуфга ҳоким функцияларини берганлар. Аммо Афлотуннинг файласуф ҳокими фақат барқарор ҳақиқатларни идрок этади ва давлатни бошқаришни идеалликни билишга ҳалақит берувчи юк деб билади. Абу Наср Форобийнинг фозил давлатида эса файласуф ҳоким барчанинг бахти йўлида хизмат қиладиган фаол арбобдир.

“Подшонинг қиладиган ишидан мақсади шу бўлиши керакки, - деб ёзади донишманд, - у халққа ҳам, ўзига ҳам фойда келтирсин, бу подшо меҳнатининг ғояси ва мазмунидир. Агар подшо халқ бахтининг сабабчиси бўлса, у ўз халқи орасидаги энг бахтли киши бўлиши керак” [2, Б. 106].

Фозил давлат раҳбари, Абу Наср Форобий фикрича, қуйидаги ўн икки туғма табиий хислатларга эга бўлиши керак:

- 1) ҳар қандай ҳаракатни осонлик билан бажариш учун мутлақо комил аъзоларга эга бўлиш;
- 2) табиатан нозик фаросатли бўлиш, суҳбатдошининг сўзларини, фикрларини тез тушуниб, илғаб олиш, шу соҳада умумий аҳвол қандайлигини равшан тасаввур қила олиш;
- 3) яхши хотирага эга бўлиш, кўрган, эшитган ва идрок этган нарсаларини тафсилотлари билан ёдда тутиш;
- 4) зеҳни ўткир, зукко бўлиб, ҳар қандай нарсанинг билинар-билинемас аломатларини ва бу аломатлар нимани англатишини тез билиб, сезиб олиш;
- 5) ифодали нутққа эга бўлиш ва ўйлаган нарсасини очик-равшан баён эта олиш;
- 6) таълим олишга, билим ва маърифатга ҳавасли бўлиш, ўқиш- ўрганишда сира чарчамайдиган, машаққатдан қочмайдиган бўлиш;
- 7) таом ейишда, ичимликда, аёлларга яқинлик қилишда ўзини тия ола- диган бўлиш

ва (қимор ва бошқа) ўйинлардан завқ, ҳузур олишдан узоқ бўлиш;

8) ҳақиқатни ва унинг учун курашувчиларни яхши кўриш, ёлғондан ва ёлғончилардан нафратланиш;

9) ўз қадрини билувчи ва ор-номусли одам бўлиш, туғма олийҳиммат бўлиш ва улуғ ишларга интилиш;

10) мол-дунё кетидан қувмайдиган бўлиш;

11) табиатан адолатпарвар бўлиш, одил одамларни севадиган, истибдод ва жабр-зулмдан, уни келтириб чиқарувчилардан нафратланиш, ўз одамларига ва ўзгаларга нисбатан адолатли бўлиш;

12) зарур деб билган ҳаракатини амалга оширишда қатъиятли, саботли, журъатли, жасур, мард бўлиш, қўрқоқлик ва ҳадиксирашларга йўл қўймаслик [3, Б. 159-160].

Абу Наср Форобий давлат раҳбарининг табиий ва ўзлаштирилган хис-латларини ифодалашда маълум даражада Афлотун ғояларига таянади. Тўғри, Афлотун, биз юқорида айтганимиздек, жоҳил давлат раҳбарининг салбий хислатларига қарама-қарши равишда ҳоким эга бўлиши керак бўлган хислатларнинг бутун бошли тизимини ишлаб чиққан Абу Наср Форобий каби, давлат бошлиғини бундай миқдордаги хислатларга эга қилмайди. Афлотун ғояларининг таъсири фозил давлат бошлиғини шакллантириш масаласида ҳам сезилади. У бўлғуси ҳокимларни болаликдан тарбиялаш кераклигини айтган.

Абу Наср Форобий бир ҳокимнинг (имомнинг) ўрнига келадиган бошқасининг ҳам юқоридаги фазилатларга эга бўлиши зарурлигини, шу билан бирга ўзидан аввалги ўтган ҳокимнинг яхши ишларини давом эттириш, жамиятнинг барқарорлиги ва қонунларнинг ворисийлигини таъминлаш учун **бўлғуси раҳбарда қуйидаги олти хислатни тарбиялаш кераклигини таъкидлайди:**

биринчидан, донишманд бўлиш;

иккинчидан, аввалги ҳокимлар ўрнатган қонун-қоидалар ва одатларни билувчи ва ёдда тутувчи бўлиш;

учинчидан, ажодларидан тегишли қонун сақланиб қолмаган соҳада бундай қонунни ўйлаб топиш учун ижод ва ихтирочиликни намоён этиш;

тўртинчидан, мавжуд воқеликни тез пайқаб олиш ва келгусида юз берадиган, аввалги ҳокимлар кўзда тутмаган воқеаларни олдиндан кўра билиш учун башоратгўйлик хислатига эга бўлиш;

бешинчидан, аввалги ҳокимлар ўрнатган қонунларга, шунингдек, ав-валгиларидан ибрат олиб ўзи чиқарган қонунларга халқ амал қилиши учун нотиклик хислатига эга бўлиш;

олтинчидан, зарур ҳолларда лашкарга қўмондонлик қилиш учун жис-монан бақувват бўлиш ва ҳарбий санъатни яхши билиш [3, Б. 160-161].

Бошқарувга фақат мулкдорлар вакиллари тайинлаш тарафдори бўлмаган Абу Наср Форобий мазкур талабларга жавоб берадиган ҳар қандай шахс ҳоким бўлиши мумкин, деб ҳисоблайди. Фозил давлатда «ҳукмдор ўз касби ва ушбу санъатдан фойдалана олиши туфайли ҳамда унинг кишиларга ҳукмронлик қилиши ёки қилмаслиги, улар уни ҳурмат қилиш-қилмаслиги, бой ёки камбағаллигидан қатъи назар ҳукмдордир» [5]. Бинобарин, Абу Наср Форобий ўзининг фозил давлатида мерос қилиб бериладиган олий ҳокимиятнинг ҳамда фақат мулкдорлар ҳокимиятининг бўлишини кўрсатмаган.

“Фазилатли шахар бошлиқлари тўрт тоифага бўлинади, - деган аллома, - уларнинг биринчи тоифасига ҳақиқат йўлида иш олиб борувчи подшо киради. У биринчи раис, яъни бошлиқ деб аталиб, унинг олти хислати бор: донолик, ўта мулоҳазалик, ишонтириш қобилиятига, тушунтира олиш қобилиятига, жисмоний жиҳатдан жанг қила олиш қобилиятига эгалик ҳамда тана тузилиши жиҳатидан жангчига хос бўлиши, яъни танасида бирон-бир камчилик бўлмаслиги керак. Ана шундай хислатларни ўзида жамлаган шахс ўз фаолиятида, сўзини ўтказишда, буйруқларни бажартиришда, иш юритишда моҳир бўлади” [2, Б. 113].

А.М. Жоҳид Абу Наср Форобий Афлотуннинг давлат раҳбарига оид ғояларини ислом динининг қоидалари билан мувофиқлаштиради, деб ҳисоблайди [6]. Абу Наср Форобий

раҳбарнинг назарий ва амалий тафаккур соҳасидаги қобилиятлари тўғрисида фикрлар экан, унга (раҳбарга) фаол ақл орқали Оллоҳ жамолини очади; шу туфайли у донишманд, файласуф, келажакни башорат қилувчи ва содир бўлаётган хусусий ҳодисаларни талқин этувчи бўлади, деб ҳисоблайди [3, Б. 160].

Бизнинг фикримизча, Абу Наср Форобийнинг ушбу сўзлари ўша давр мафкураси қоидаларига ёнбосиш бўлган. Айти пайтда фозил шаҳар ҳокими Абу Наср Форобий тавсифида диний фанатизми билан ажралиб турмайди. Бунинг устига, Абу Наср Форобий таъкидлаган раҳбар табиий хислатларининг бирлашишида илоҳий нарса йўқ. Аксинча, у ушбу хислатларнинг бир одамда бирлашиши қийин эканлигига, шу сабабли бундай кишилар жуда камдан-кам учрашига ишонади: «Мана шу барча хислатларнинг бир одамда жамланиши амри маҳол, зеро бундай туғма фазилатлар соҳиби бўлган одамлар жуда кам учрайди ва улар нодир инсонлардир» [3, Б.160]. Шу боисдан у иккинчи раҳбарга қўйиладиган шартларни дастлаб олтигагача, сўнгра эса биттагача камайтиради. Аммо бунда ҳар бири белгиланган талаблардан бирига жавоб берадиган олтига раҳбар бўлиши шарт қилиб қўйилади [3, Б.160-161].

“Агар бундай киши топилмаса, - деб ёзади Абу Наср Форобий, - юқоридаги хислатларни ўзларида жамлаган бир гуруҳ ҳам подшонинг ўрнини босишлари мумкин. Яъни бу гуруҳнинг бири ғояларни илгари суради, иккинчиси бу ғояларни қандай қилиб амалга ошириш йўллари кўрсатиб беради, яъни бири ишонтиради ва тушунтиради. Охиргиси эса лашкарбошилиқ қилади, шундай қилиб, буларнинг ҳаммаси йиғилиб подшолик ролини ўтайдилар ва аҳил бошлиқлар деб номланадилар ва улар ташкил этган ҳайъат, фозиллар ҳайъати деб аталади. Агар бундай кишилар бўлмаса бу вақтда шаҳар бошлиғи, шариат ва сунналарни яхши биладиган, ҳар қандай шароитда аҳволни тушуна оладиган, ўқиган, пайти келганда ҳадисларда ёзилмаган нарсаларни ҳам топиб қўллаш биладиган, яхши фикрли, шаҳарни ташкил қилишда устароқ, бўлган, нотиқлик қобилияти бор жангчи ҳам бошлиқ бўлса бўлади. Бундай бошлиқ тажрибали бошқарувчи деб ном олади. Агар бундай киши ҳам топилмаса унинг ўрнини юқоридаги хислатларга эга бир гуруҳ шахслар ҳам бажариши мумкин. Бу жамоа тажрибали кишилар деб номланади” [2, 113-114].

Ушбу қоида, эҳтимол, давлатга жамоа бўлиб раҳбарлик қилиш зарур-лигини асослаш учун керак бўлгандир. Тан олиш керакки, ушбу фикрнинг ўзи бир жасорат, ҳукмрон сиёсий ва диний мафкура нуқтаи назаридан эса шаккоклик бўлган. Бу ўринда биз республика шаклини бўлмаса-да, ҳар ҳолда жамоа бўлиб раҳбарлик қилишнинг белгиларини кўрамиз.

Биргаликда бошқариш ҳақидаги қоида ўша давр мусулмон сиёсий та-факкури учун янги ғоя бўлган. Эҳтимол, бу қоиданинг пайдо бўлишига Араб халифалигининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти сабаб бўлгандир: у ерда диний ҳокимият асосан Бағдодда яшовчи халифанинг қўлида, дунёвий ҳокимият эса халифаликнинг турли қисмларида ҳукмронлик қилувчи ва амалда мустақил бўлган амирлар ва султонлар қўлида бўлган [5, Б. 338]. Шу билан бирга, бошқарувнинг жамоа шаклига хос бўлган ижтимоий хусусиятнинг тарқоқ эканлигини таъкидлаш керакки, бу фозил давлат ҳақидаги таълимотнинг мавҳум-хаёлий эканлиги билан боғлиқдир.

Фозиллар шахри бирлашмасининг тепасида туришга муносиб инсонни тавсифлашда Абу Наср Форобий чуқур фалсафий мулоҳаза юритади. У, юқорида айтилганидек, шаҳар бирлашмасининг асосий аъзосини, тирик инсон организмнинг асосий органи бўлмиш юракка ўхшатади. Тирик инсон организмда, - дейди Абу Наср Форобий, - юрак унда юз берадиган ҳаёт жараёнининг асосий вазифасини бажаради. Юрак организмнинг табиатан энг мукамал ва тўла-тўқис органидир. Жисмнинг асосий органи (юрак) бошқа аъзолар эга бўлмаган юксак даражадаги афзалликларга эга. Жисмнинг барча аъзолари тартиби бўйича юқори турувчи аъзолар томонидан бошқариладиган қуйи турувчи аъзоларнинг хоссаларига нисбатан ҳудди шундай табиий афзал хоссаларга эгадир. “Ҳудди шундай шаҳар бирлашмасининг барча аъзолари ичида, - деб ёзади Абу Наср Форобий, - унинг ҳокими ўзига хос бўлган барча нарсаларда энг мукамалидир; у эга бўлган барча

нарсалар, шаҳар бирлашмасининг бошқа аъзолари билан бир қаторда, энг афзалидир ва у ўзи бошқарадиган кишилар ва улар бошқарадиган одамлардан юқори туради” [9].

Абу Наср Форобий фикрича, тирик организмнинг ҳаёт жараёнида асосий ўрин тутадиган юрак айни пайтда жисмга куч, ғайрат ва ҳаёттилик бағишлайди. Юраксиз жисм мавжудлигини тасаввур этиб бўлмайди.

Худди шунингдек, - давом этади Абу Наср Форобий, - мазкур шаҳарнинг бошлиғи ҳам шаҳар бирлашмаси ва унинг аъзолари мавжуд бўлишининг сабаби, уларда иродага таянган хислатлар юзага келишининг сабаби бўлиш учун мавжуд бўлиши керак, чунки шаҳар бирлашмасининг аъзоларидан бири ишламай қолса, айнан ҳоким ушбу бузилишнинг бартараф этилишини таъминлайди.

Жисмнинг турли аъзолари қиладиган ишлар шаҳар бирлашмасининг турли аъзолари бажарадиган ишлар каби уларнинг жойлашган ўрнига қараб ҳар хил баҳоланади. Жисмнинг асосий аъзосига яқин бўлган аъзолар - шунингдек, шунга ўхшаш ҳолда, шаҳар бирлашмасининг асосий аъзосига яқин бўлган шаҳар аъзолари - жисмнинг ёки шаҳар бирлашмасининг қуйи турувчи аъзоларига қараганда анча юксак вазифаларни бажарадилар.

Лекин, жисм аъзолари ва шаҳар бирлашмаси аъзоларининг ҳаракатларида ўхшашлик бўлишига қарамай, - деб таъкидлайди Абу Наср Форобий, - улар ўртасида жиддий фарқлар ҳам мавжуд бўлиб, улар шундан иборатки, тирик инсон танаси табиатдан ҳаракатга келса, шаҳар бирлашмасининг аъзолари ўз вазифаларини ўз ихтиёрлари бўйича бажарадилар ва шаҳар бирлашмасининг юқори турувчи аъзоларига иродавий мойилликлари бўйича бўйсундилар.

Абу Наср Форобий инсон организми аъзоларини шаҳар бирлашмасининг аъзолари билан қиёслашда улар ўртасида фарқ борлигини таъкидлашига, шаҳар бирлашмасининг аъзоларини уларнинг бирлашиши учун асос бўлган иродага эга бўлган субъектлар сифатида таърифлашига қарамай, унинг назариясида давлат механизмига органик ёндашув тамойили кўпроқдир.

Давлатнинг моҳиятини тушунтиришга бундай ёндашувни ундан анча кейинроқ, Европада ижод қилган Томас Гоббс (1558-1677)нинг социологик қарашларида ҳам учратиш мумкин. Бу фалсафа тарихидаги тасодифий ҳодиса бўлмай, барча мамлакатлардаги фалсафий тафаккур ривожланишида умумий тамойил мавжудлигини, фалсафий тафаккур у ерда ҳам, бу ерда ҳам бир ҳил ёки деярли бир ҳил ривожланиш йўлини ўтаётганлигини кўрсатади. Икки олимнинг давлат ҳақидаги баъзи масалалар бўйича фикрлари шунчалик ўхшашлиги ана шундан.

Гоббс давлатни фанатик махлуқ бўлган улкан Левиафан билан, Абу Наср Форобий эса - инсон организми билан қиёслаган. Иккаласи ҳам давлатга органик ёндашувда бўлганлиги кўриниб турибди.

Бундай ёндашувнинг моҳиятини давлат гўё ўз қонунлари бўйича яшайдиган, махсус ақл ва мустақил ирода билан таъминланган, ўз аъзоларига эга бўлган ўзига хос «организмдир», деган қараш ташкил этади. Гоббс фикрича, давлат сунъий ҳаёт кечирувчи қандайдир сунъий жисм, механизмдир. Абу Наср Форобий ҳам шаҳар бирлашмасини инсон танасига ўхшатиб, тахминан ана шундай фикрлар билдирган.

Бу давлат механизмини идеалистик тушунишдир; у гўё ушбу механизм табиий равишда тайёр ҳолда мавжуд бўлиб, уни ақл билан билиш ва амалда ишлатиш мумкин, деган янглиш тасаввурга олиб келади.

Бундай фикр иккала олимни давлатнинг пайдо бўлиш сабабини инсоннинг тубан табиатида кўришларига олиб келди.

Боз устига, Абу Наср Форобий бундай фикри билан ўзининг илгари айтган сўзларига қарши борган. Агар у илгари давлатнинг келиб чиқишини одамларнинг мавжуд зиддиятли ахлоқий ҳислатлари ва иқтисодий манфаатлари билан боғлаб тушунтиришга ҳаракат қилган бўлса, бу ерда олим шаҳар аъзоларининг ахлоқий ҳислатларидаги фарқлари билан тушунтиришга ҳаракат қилган. Ваҳоланки, юқорида айтганимиздек, Абу Наср Форобийнинг фозиллар шахри - ўрта аср типигаги шаҳар бўлиб, унда одамлар нафақат

иқтисодий жиҳатдан нотенгдирлар, балки ахлоқий сифатлари бўйича ҳам ҳар хилдирлар.

Абу Наср Форобий айнан ақл ва унинг давлатни белгилашдаги ўрнидан келиб чиқиб, Гоббсдан аввалроқ одамлар шаҳарнинг асосий аъзосига ихтиёрий равишда катта ваколатлар бердилар ва бу билан ўзларини шаҳар бирлашмаси ҳокимияти назорат қилиб турадиган хатти-ҳаракатнинг сунъий қоидалари занжири билан боғлаб қўйдилар, деб таъкидлаган.

Лекин давлат бошлиғининг хислатларига нисбатан олимларнинг фикрлари фарқ қилади. Абу Наср Форобийнинг фикрича, давлат раҳбари алоҳида туғма ва ҳаёт давомида орттирилган хислатларга эга бўлиши керак. Гоббснинг давлат бошлиғи (монархи) эса - табиатан бошқа барча кишиларга тенг бўлган оддий инсондир. Гоббс монарх бошқа кишилардан фарқ қилувчи қандайдир туғма хислатларни тан олмайди, чунки у инсоннинг туғма хислатлари ва қобилиятлари ҳақидаги диний тасаввурларга қарши бўлган. Бу эса Гоббснинг эски феодал монархияга қарши чиқишига сабаб бўлган.

Бинобарин, Абу Наср Форобийнинг шаҳар бирлашмаси асосий аъзосининг мавқеи Гоббс давлатидаги монархнинг мавқеига қараганда мустаҳкамроқ. Шу боис, Абу Наср Форобий инсон танасининг айрим аъзоларини шаҳар аъзоларига қиёслаб ва шаҳар бирлашмаси бошлиғининг фахрли жойини кўрсатиб, шаҳар бирлашмаси аъзолари бажарадиган ишлар тирик организм ҳаракатларига аниқ мос келишини таъкидлаган. Инсон танасининг юракка нисбатан пастда жойлашган аъзолари ундан узоқлигига қараб, энг фойдали бўлсада, борган сари камроқ ҳурмат қилинадиган ишларни бажаргани каби, шаҳар бирлашмасининг аъзолари ҳам, ҳокимлар ишига қараганда кўпроқ фойда келтирса-да, шаҳар бошлиғидан узоқлигига қараб камроқ ҳурмат қилинадиган ишларни бажарадилар. Шундай қилиб, Абу Наср Форобий фикрича, шаҳар бирлашмасининг айрим аъзолари бажарадиган вазифаларнинг фахрлилиги шаҳарнинг ушбу вазифани бажарувчи у ёки бу аъзоси унинг бошлиғига қанчалик яқинлиги билан белгиланади.

Абу Наср Форобий юқорида айтилганларга асосланиб, шундай хулосага келади. Шаҳар бирлашмасининг асосий аъзоси - энг комил, етук ва ўз ахлоқий хислатлари бўйича шаҳарнинг бошқа аъзоларидан ажралиб турадиган ва шу боис фозиллар шахрини бошқариш ваколатини ўз қўлига олишга муносиб бўлган инсондир.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: “O‘zbekiston”, 2021. - 421 б.
2. Абу Наср Форобий. Рисолалар. –Т., “Фан”, 1975. – 134 б.
3. Форобий Абу Наср Фозил одамлар шаҳри. Абу Наср Форобий / Таржимонлар Абдусодиқ Ирисов, Маркам Махмудов, Урфон Отажон. Масъул муҳаррирлар М.Хайруллаев, М.Жакбаров. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. - 320 б.
4. Аль-Фараби А.Н. Избранные трактаты: Пер. с араб. / Абу Наср аль-Фараби; НАН РК, Ин-т философии. - Алматы: Гылым, 1994. - 445 с.
5. Ал-Фараби. Социально-этические трактаты. Алма-Ата. Наука. 1973 - 388 с.
6. Джахид Али Мухамед Реза. Абу Наср аль-Фараби о государстве: моногр. / А. М. Джахид; отв. ред. А. М. Богоутдинов; АН Таджикской ССР, Отдел философии. — Душанбе: ДОНИШ, 1966. — 116 с.
7. Григорян С.Н. Из истории философии Средней Азии и Ирана (VII-XII вв.): с приложением избранных философских произведений Фараби, Газали и Маймонида / С. Н. Григорян; АН СССР, Ин-т философии. — М.: АН СССР, 1960. - 328 с.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

КОНСТИТУЦИЈАВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ. МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

ҲОТАМОВ Ҳомид Сулаймонович
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати девони
Юридик бошқармаси бош маслаҳатчиси
E-mail: yuridik@senat.gov.uz

СЕНАТ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): ҲОТАМОВ Ҳ.С. Сенат фаолияти самарадорлигини оширишда рақамли технологиялар ва инновацион ёндашувлардан фойдаланиш истиқболлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2023) Б. 15-21.

 5 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-5-2>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистонда ўтган йиллар мобайнида Олий Мажлис Сенат фаолиятини рақамлаштириш, ахборот-технологияларни кенг жорий этиш ҳамда соҳага инновацион ёндашувларни татбиқ қилиш бўйича олиб борилган ишлар, бу борада хорижий давлатлар тажрибаси ҳамда устувор вазифалар очиб берилган.

Калит сўзлар: рақамлаштириш, инновацион ёндашув, электрон ҳукумат, қонун ижодкорлиги, сунъий интеллект, “Электрон парламент”, “Электрон Кенгаш”, “Рақамли халқ депутатлари Кенгаши”, “E-qaror”, “Яшил макон”.

ХОТАМОВ Ҳомид Сулаймонович

Главный консультант Юридического управления аппарата
Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан
E-mail: yuridik@senat.gov.uz

ПЕРСПЕКТИВЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ И ИННОВАЦИОННЫХ ПОДХОДОВ В ПОВЫШЕНИИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СЕНАТА

АННОТАЦИЯ

В статье раскрывается работа, проведенная в Узбекистане за последние годы, по цифровизации деятельности Сената Олий Мажлиса, широкому внедрению информационных технологий и инновационных подходов в сферу, опыт зарубежных стран в этой области, а также приоритетные задачи.

Ключевые слова: цифровизация, инновационный подход, электронное правительство, законотворчество, искусственный интеллект, «Электронный парламент».

«Электронный Кенгаш», «Цифровой Кенгаш народных депутатов», «E-qaror», «Зеленое пространство».

KHOTAMOV Khamid

Chief Advisor of the Legal Department of the Senate Office
of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan,
E-mail: uridik@senat.gov.uz

PROSPECTS FOR THE USE OF DIGITAL TECHNOLOGIES AND INNOVATIVE APPROACHES IN INCREASING THE EFFICIENCY OF THE SENATE

ANNOTATION

The article describes the work carried out in Uzbekistan over the past years on the digitization of the Senate of the Oliy Majlis, the wide introduction of information technologies and the implementation of innovative approaches to the field, the experience of foreign countries and priority tasks in this regard.

Keywords: digitization, innovative approach, e-government, law-making, artificial intelligence, “Electronic Parliament”, “Electronic Council”, “digital Council of people’s deputies”, “E-decision”, “Green Space”.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларга ҳамоҳанг мамлакатимизда рақамлаштириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлашда ахборот-технологияларни кенг жорий этиш ҳамда соҳага инновацион ёндашувларни татбиқ қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш, дастурий таъминот ва ахборот технологиялар соҳасида миллий бозорни яратиш, республиканинг барча ҳудудларида IT-паркларни ташкил этиш, шунингдек, соҳани малакали кадрлар билан таъминлашни кўзда тутувчи 220 дан ортиқ устувор лойиҳаларни амалга ошириш бошланган [1].

Олиб борилган ислохотлар натижасида 2022 йилда биз учун устувор бўлган 16 та рейтингда Ўзбекистоннинг ўрни кўтарилган. Хусусан, БМТнинг Электрон ҳукуматни ривожлантириш рейтингида мамлакатимиз 18 поғонага кўтарилиб, 193 та давлат орасида 69-ўринни эгаллади ва энг катта поғона юқорилаган мамлакатлар топ-10 талигидан жой олиб, электрон ҳукумат соҳасида юқори ривожланиш босқичидаги мамлакатлар қаторига киритилди [2].

Бундан ташқари, Глобал инновацион индексда мамлакатимиз ўз ўрнини 4 поғонага яхшилаб, 132 та давлат орасида 82-ўринни эгаллади ҳамда Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари орасида Ҳиндистон ва Эрондан кейин 3-ўринни эгаллади [3].

БМТ “**Барқарор ривожланиш мақсадларига (БРМ) эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисида**”ги резолюцияси ишлаб чиқилди. Мазкур резолюция БМТ Бош Ассамблеясининг 77-сессиясида (2022 йил 14 декабрь) бир овоздан маъқулланди. Ушбу резолюцияда ҳукумат фаолияти самарадорлиги устидан таъсирчан парламент назоратини ўрнатиш, ушбу жараёнларда шаффофликни таъминлаш ҳамда рақамли технологияларни жорий қилиш масалалари алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Ушбу натижалар Ўзбекистон кўзлаган марраларнинг бошланиши десак хато бўлмайди. Давлат бошқаруви, айниқса парламент соҳасида рақамли технологияларни қўллаш орқали сайловчилар билан мулоқотнинг самарали механизмларини жорий қилиш, ижро этувчи ҳокимият устидан тизимли парламент назоратини ўрнатиш келгусидаги устувор вазифа саналади.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси еттинчи мақсади сифатида белгиланган “Мамлакатимиздаги ислохотларни изчил давом эттиришда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар ролини янада ошириш” йўналишида “электрон парламент” доирасида депутатларни ўз сайловчилари билан, сенаторларни ҳудудлардаги фуқаролар билан боғлаш, улар билан тўғридан-тўғри мулоқот олиб бориш, сайловчиларни қийнаётган муаммоларни муҳокама қилиш ва ҳал этиш жараёнини рақамлаштириш бўйича аниқ устувор йўналишлар белгилаб берилган [4].

Парламентлараро иттифоқ мутахассислари парламент фаолиятида инновация деганда – парламент фаолияти ёки унинг маданиятининг бир ёки бир нечта жиҳатларини ўзгартирувчи янги амалиётлар, маҳсулотлар ёки хизматларни қўллашни тушунади [5, Б.2].

Франция Миллий Ассамблеяси депутати П.Фортезанинг фикрича, асосий масала ҳокимият институтларини XXI аср эҳтиёжларига, биринчи навбатда, жамиятимиздаги энг жиддий ўзгаришлар бўлган рақамли инқилобга мослаштиришдан иборат [6].

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати фаолиятига рақамли технологияларни жорий йўналишида белгиланган вазифалар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. «Электрон парламент» лойиҳаси доирасида сенаторларнинг ҳудудлардаги сайловчилар билан тўғридан-тўғри мулоқот олиб бориши, ҳудудда аҳолини қийнаётган муаммоларни муҳокама қилиш ва ҳал этиши жараёнини рақамлаштириш.

2. Парламентнинг ҳудудлар билан тўғридан-тўғри, жумладан, масофавий ишлаш, шу жумладан, парламент томонидан республика бўйича мурожаатлар билан ишлаш ҳолатини назоратга олиш ва ҳудудий ижро органлари раҳбарлари ҳисоботини эшитиш ҳамда унинг натижасига мувофиқ, уларга нисбатан таъсирчан чоралар кўриш амалиётини жорий этиш [4].

3. Олий Мажлис палаталари расмий **веб-сайтларида парламент назорати** тадбирларининг яқунлари бўйича қабул қилинган **қарорлар** тўғрисидаги **маълумотларни** жойлаштириб бориш амалиётини йўлга қўйиш.

Бу борада Сенат томонидан халқаро тажриба асосида “Электрон парламент” механизмини татбиқ қилиш бўйича долзарб вазифаларни ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги диққатга сазавордир.

Шу ўринда “Электрон парламент” лойиҳасини жорий қилиш бўйича халқаро тажрибага эътибор қаратиш зарур. Сўнгги йилларда ушбу жараёнлар Лотин Америкаси давлатларида кенг кузатилмоқда. Жумладан, ушбу давлатларнинг парламентларида фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтлари билан мулоқотни таъминловчи электрон мулоқот платформалари ишлаб чиқилмоқда.

Европа ва Лотин америкаси қитъаси парламентларини солиштирсак, 2023 йилда Буюк Британия ва Бразилия парламентлари веб-сайтларининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, улар парламент ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш бўйича ўхшаш кўрсаткичларга эга, аммо Буюк Британиянинг вакиллик органи қонун чиқарувчиларнинг жамоатчилик билан ўзаро муносабатларини акс эттирувчи кўрсаткичлар бўйича Бразилия парламентида сезиларли даражада паст.

Электрон парламентни жорий қилиш бу фақатгина тегишли технологик воситаларга нафақат ахборотни жойлаштириш, балки уни сақлаш, фуқароларнинг таклиф ва фикр-мулоҳазаларига жавоб беришни ҳам талаб қилади. Бразилия парламенти веб-сайтини тарғиб қилиш ва сақлаш билан шуғулланадиган ходимлар сони Буюк Британиядагидан сезиларли даражада кўп бўлганлиги бежиз эмас [7, Б.94-97].

Яна бир муҳим масала бу ҳудудлардаги сайловчилар билан муносабатларини ривожлантириш ва вакиллик институтлари фаолиятида шаффофликни ошириш демократик бошқарувга ўтган кўплаб парламентларга хос тенденциядир.

Халқаро парламент иттифоқи ҳам Лотин Америкаси давлатлари орасида Бразилия вакиллик органини рақамли технологиялар ва инновацион ёндашувларни жорий қилиш бўйича етакчилар қаторида эканлигини қайд этган [8]. Эътиборлиси, Бразилияда 1996

йилда ташкил этилган парламент веб-сайти ўз ишининг бошиданоқ фуқаролар билан чат кўринишидаги мулоқот каналларини жорий қилган [9, Б.16].

2008 йилдан парламент фуқароларнинг қонун ижодкорлиги жараёнида иштирок этиши учун электрон платформа – “**e-democracia**” порталини ишга туширган. Пилот лойиҳа сифатида ишга туширилган ушбу инновацион ёндашув бугунги кунда доимий асосда фаолият кўрсатмоқда.

Яна бир давлат тажрибасига эътибор қаратсак, 2004 йилда Чили Сенатида ахборот технологиялари билан боғлиқ бир қанча лойиҳалари ишга туширилган. Ушбу лойиҳалардан эътиборлиси “**Сенатор билан суҳбат**” (**Chat de Senadores**) фуқаролар билан суҳбатларни ўз ичига олган. Юқори палата сайтида бир ҳафта давомида сенаторлардан қайси бири билан ва қайси масалалар юзасидан виртуал учрашув бўлиб ўтиши эълон қилиб борилади. Лойиҳани амалга ошириш даврида 2019 йил сентябрдан 2020 йил майгача сенаторлар билан 14 та учрашув бўлиб ўтган. Учрашувларда сенаторларга 20 дан 74 тагача савол берилиб, уларга 50 дан 130 тагача жавоб олинган [10, Б.408-428].

Ушбу лойиҳани миллий парламентаризм тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда ҳам жорий қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Чили юқори палатасида иккинчи лойиҳа – “**виртуал сенатор**” (**Senador Virtual**) — фуқароларга муҳокама қилинадиган қонун лойиҳалари бўйича овоз бериш ва ўз таклифларини комиссияга юбориш имконини берувчи мобил иловадир. Фуқароларнинг фикри сенаторлар учун мажбурий эмас, бироқ улар муҳокама натижалари тўғрисида хабардор қилинади.

Ушбу платформада 2010 йилнинг иккинчи ярмидан 2017 йилнинг январигача бўлган даврда 97 та қонун лойиҳаси муҳокама қилинди ва фақат бир марта муҳокама иштирокчилари ноқонуний қимор ўйинларини жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини рад этишди. Мутахассислар томонидан “виртуал сенатор” лойиҳаси юзасидан фикр-мулоҳазалар йўқлиги, қонун лойиҳаларини парламент аъзолари билан муҳокама қилиш имкони йўқлиги танқид қилинди [11]. Бироқ у ўз фаолиятини давом эттирмоқда ва 2017 йилда 129 442 нафар иштирокчи рўйхатга олинган [12, Б.38]. Ушбу платформани жорий қилиш Олий Мажлис Сенати учун ҳам фойдали бўлади деб ўйлаймиз.

Перу тажрибаси ҳам диққатга сазовордир. 2003 йилдан бери Конгресс порталида **виртуал форумлар** фаолият юритиб келмоқда, бу ерда фуқаролар ва фуқаролик жамияти ташкилотлари доимий комиссиялар муҳокамасига киритилган қонун лойиҳалари бўйича ўз фикр ва таклифларини билдиришлари мумкин. 2012 йилдан буён мазкур виртуал форумда парламент томонидан кўриб чиқиладиган барча қонун лойиҳалари эълон қилинмоқда. Фуқароларнинг таклифлари қонун лойиҳасини муҳокама қилиш бўйича ишчи материалларга киритилади, қўмита ҳисоботларини тайёрлашда фойдаланилади. Конгресс Регламентига кўра, қонун лойиҳалари юзасидан фуқаролик жамияти ташкилотларининг фикри маърузаларда акс эттирилиши шарт (70-модда) [13, Б.53-54].

Сўнгги йилларда бошқа хорижий давлатларда ҳам парламентлар фаолиятига инновацияларни жорий қилиш бўйича муайян қадамлар қўйилди, асосий саъй-ҳаракатлар сайловчилар билан муносабатларни ривожлантириш ва вакиллик институтлари фаолиятида шаффофликни оширишга қаратилган.

Масалан, 2015 йилда Буюк Британияда парламент ҳузуридаги рақамли демократия бўйича комиссия очиқ парламентга ўтишнинг асосий йўналишларини белгилаб берувчи ҳисоботни тақдим этди.

Халқаро тажрибага эътибор қаратсак, парламент фаолиятида сунъий интеллект ва булутли технологияларни қўллаш доираси ҳам кенгайди. Масалан, Нидерландия Вакиллар палатаси **Speech2Write** тизимини жорий қилди, бу эса Парламентнинг Ҳисобот идорасига овозни матнга айлантириш ва йиғилишларнинг ёзма баённомаларини автоматик таҳрирлаш имкониятини беради [14, Б.93-101].

Худди шундай, 2020 йилнинг кузидан Эстония парламенти Таллин технология

университети технологик ишланмалари асосида Эстониянинг Finestmedia IT компанияси томонидан яратилган HANS сунъий интеллект тизимидан ҳам фойдаланмоқда. Ялпи мажлислар стенограммаларини тайёрлаш учун нутқ ва маърузачини аниқлаш тизими қўлланилади [15].

АҚШ Конгрессида қонун лойиҳалари, тузатишлар ва амалдаги қонунлар ўртасидаги фарқларни аниқлаш жараёнини автоматлаштириш учун сунъий интеллект технологияларидан фойдаланилади. Ушбу восита қонун лойиҳаларидаги ҳаволаларни шарҳлаши, тегишли қоидаларни чиқариши ва тузатишлар бўйича кўрсатмаларга амал қилиши мумкин [16].

Юқоридаги халқаро тажриба шуни кўрсатадики, умуман Олий Мажлис палаталарида аҳоли билан мулоқотни янги шакллари ўрнатиш, қонун ижодкорлиги ва назорат таҳлил фаолиятига рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни жорий қилиш 2030 йилгача бўлган “электрон парламент” концепциясининг устувор вазифасига айланиши зарур.

Утган йиллар давомида ушбу йўналишда айрим чора-тадбирлар кўрилганлигини қайд этиш зарур. Жумладан, Олий Мажлис Сенати ҳамда маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро узвий фаолият олиб боришини давом эттириш, шунингдек, сайловчилар билан қулай мулоқот майдонини яратиш, маҳаллий Кенгашлар фаолиятини рақамлаштириш мақсадида “**Электрон Кенгаш**” ҳамда “**Рақамли халқ депутатлари Кенгаши**” платформаси ишга туширилди.

Маҳаллий Кенгашларнинг қарорларини ҳам “**E-qaror**” электрон тизимида рўйхатдан ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди. Ушбу лойиҳани ишга тушириш натижасида бугунга қадар **50 мингдан** ортиқ қарорлар рўйхатдан ўтказилганлиги диққатга сазовор.

Маҳаллий Кенгашлар депутатлари учун Сенат Раиси ва Сенатнинг бошқа аъзолари иштирокида маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни назорат қилиш, ёшлар билан ишлаш, котибият ходимлари фаолият самарадорлигини янада ошириш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ижроси устидан депутатлик назорати, хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари, ахборот сиёсати ва маҳаллий давлат органларида очиқликни таъминлаш ҳамда мудофаа, қишлоқ хўжалиги ҳамда ижтимоий ҳимоя ва бошқа масалалар юзасидан **10 дан ортиқ** семинарлар ташкил этилди.

“Электрон парламент” соҳасида парламентнинг ҳудудлар билан тўғридан-тўғри, жумладан, масофавий ишлаш, шу жумладан, парламент томонидан республика бўйича мурожаатлар билан ишлаш ҳолатини назоратга олиш ва ҳудудий ижро органлари раҳбарлари ҳисоботини эшитиш ҳамда унинг натижасига мувофиқ уларга нисбатан таъсирчан чоралар кўриш амалиётини жорий этиш [4] ҳам муҳим йўналиш саналади.

Қонунлар тарғиботи, ҳудудларни ривожлантириш, кексалар, ёшлар, хотин-қизлар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби кўплаб йўналишларда аҳоли билан бевосита мулоқотлар ўтказилган.

Шунингдек, Сенат раҳбарияти ва сенаторлар 10 га яқин йўналишда ҳудудларга чиқиб, аҳоли билан бевосита мулоқот қилиш орқали деярли барча туманлардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини ўргандилар.


Биргина 2022 йил давомида Сенатга жисмоний ва юридик шахслардан жами **17,1 мингга яқин** мурожаат келиб тушган. Бу 2021 йилга нисбатан (**20,1 минг**) **17,5 фоизга** кам.

Ҳудудлар кесимида энг кўп мурожаатлар Тошкент шаҳри (17%), Қашқадарё (12%) ва Сурхондарё (11%) вилоятлари аҳолисидан келиб тушган. Таъкидлаш лозимки, 2021 йилда ҳам мазкур вилоятлар энг кўп мурожаат келиб тушган ҳудудлар эди.

Мурожаатларнинг соҳалар бўйича тақсимоти

Юқоридаги таҳлиллар ва халқаро тажриба асосида қуйидаги хулоса ва таклифларни илгари суриш мумкин:

1. “Электрон парламент” лойиҳаси доирасида сенаторларнинг ҳудудлардаги сайловчилар билан тўғридан-тўғри мулоқот олиб бориши, ҳудудда аҳолини қийнаётган



муаммоларни муҳокама қилиш ва ҳал этиши жараёнини рақамлаштириш масаласида ҳал қилишини зарур бўлган масалалар кўп. Ушбу соҳада вақт ва маблағларни иқтисод қилиш мақсадида **“Сенатор билан суҳбат” (Interview with the senator)** инновацион ёндашувни жорий қилиш таклиф қилинади.

2. “Виртуал сенатор” (Virtual Senator) — фуқароларга муҳокама қилинадиган қонун лойиҳалари бўйича овоз бериш ва ўз таклифларини юбориш имконини берувчи мобил иловани ишга тушириш зарур. Ушбу платформани жорий қилиш Олий Мажлис Сенати учун фойдали бўлади, деб ўйламыш.

3. Олий Мажлис палаталари расмий **веб-сайтларида парламент назорати тадбирларининг** яқунлари бўйича қабул қилинган **қарорлар** тўғрисидаги **маълумотларни** жойлаштириб бориш амалиётини йўлга қўйиш. Бугунги кунда қисқа тезис шаклида ўтказилган назорат-таҳлил тадбири ҳақида маълумот бўлиб, senat.uz расмий веб-сайтига юборилган сенатор ва Олий Мажлис Сенати сўровлари, муҳокамалар натижалари ва қарорларни жамоатчилик учун очиқ шаклда тақдим этиш таклиф қилинади.

4. “Очиқ парламент”га ўтишнинг асосий йўналишлари сифатида реал вақт режимида кўпроқ маълумотларни онлайн жойлаштириш, жамоатчиликка вазирларга саволлар бериш имкониятини бериш орқали тажриба ўтказиш, қонун ижодкорлиги жараёнида унинг барча босқичларида рақамли воситалар орқали иштирок этишни кўзда тутишга қаратилган Олий Мажлис Сенати Регламентига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф қилинади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рақамли Ўзбекистон — 2030»

стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Фармони // URL: <https://lex.uz/docs/5030957>;

2. БМТнинг Электрон ҳукуматни ривожлантириш рейтинглари // URL: <https://desapublications.un.org/sites/default/files/publications/2023-02/UN>;

3. Глобал инновацион индекс // URL: <https://www.wipo.int/publications/ru/details.jsp?id=4626&plang>

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони // URL: <https://lex.uz/docs/5841063>;

5. Conference Report. 13 December 2018. World e-Parliament Conference 2018. Parliaments, technology and innovation.

6. Forteza P. Digital parliaments: Adapting democratic institutions to 21st century realities // Medium. URL: <https://medium.com/participo/digital-parliaments-adapting-democratic-institutions-to-21st-century-realities-99214d352063>;

7. Brum Bernandes C., Leston Bandeira C. Information vs Engagement in parliamentary websites — a case study of Brazil and the UK // Revista de Sociologia e Política. 2023. Vol. 24. No. 59.

8. Brazil: a digitally mature parliament // Inter-Parliamentary Union. URL: <https://www.ipu.org/news/case-studies/2022-06/brazil-digitally-mature-parliament> (дата обращения: 06.06.2022).

9. Mitozo I. B. Institutional Dynamics and the Development of E-Participation Tools in Brazil and the UK // E-legis. 2021. Vol. 14. No. 36.

10. Dockendorff A. When Do Legislators Respond to Their Constituencies in Party Controlled Assemblies? Evidence from Chile // Parliamentary Affairs. – 2020. – Т. 73. – №. 2.

11. Moreno E. A. Traverso D. B. Op. cit. P. 197, 198, 202, 210

12. Good Practices on Transparency and Citizen Participation in the Legislatures of the Americas. 2021.

13. Good Practices on Transparency and Citizen Participation in the Legislatures of the Americas. 2021.

14. Васильева Т. А. Внедрение информационных технологий в парламентскую деятельность // Вестник Университета имени ОЕ Кутафина. – 2022. – №. 9 (97).

15. Estonian parliament uses speech recognition technology to create verbatim records // e-Estonia. 24 September 2020. // URL: <https://e-estonia.com/estonian-parliament-uses-speech-recognition-technology-to-create-verbatim-records>;

16. Artificial Intelligence: Innovation in Parliament // Innovation tracker. 2020. Is. 4. Inter-Parliamentary Union. // URL: <https://www.ipu.org/innovation-tracker/story/artificial-intelligence-innovation-in-parliaments>.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

АДИЛКАРИЕВА Феруза Ходжимуратовна

Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси
мустақил тадқиқотчиси
E-mail: temurxon@gmail.com

КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД ҲАМДА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ НАЗОРАТИНИНГ ЎЗАРО НИСБАТИ ҲАМДА МУТАНОСИБЛИГИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): АДИЛКАРИЕВА Ф.Х. Конституциявий суд ҳамда прокуратура органлари назоратининг ўзаро нисбати ҳамда мутаносиблиги // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2023) Б. 22-28.

 5 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-5-3>

АННОТАЦИЯ

Мақола мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли конституциявий ислохотлар жараёнида қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституция ва бошқа норматив-ҳужжатларда Конституциявий суд ҳамда Прокуратура органлари назоратининг ўзаро мувофиқлиги ҳамда мувозанати таҳлилига ва уларнинг ўзаро тийиб туриш, қонун чиқарувчи ҳамда ижро ҳокимияти вакиллари бир бирини тийиш ва назорат қилиш функцияларининг таҳлили масалаларига бағишланган. Унда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҳамда Прокуратураси айрим назорат функцияларининг мазмун-моҳияти, муҳим хусусиятлари ва қонунчиликка киритилган янги қоидалар илмий талқин этилган. Амалдаги норматив-ҳужжатларнинг қатор моддаларини янада мукаммалаштиришга оид таклиф ҳамда тавсиялар илгари сурилган.

Калит сўзлар: Конституция, конституциявий суд, конституциявий ислохотлар, ижтимоий давлат, прокуратура органлари, конституцияга мувофиқлик, ўзаро бир бирини тийиб туриш, конституциявий-ҳуқуқий механизмлар, прокурор назорати ҳужжатлари, қонунчилик ташаббуси ва юридик техника.

АДИЛКАРИЕВА Феруза Ходжимуратовна

Исследователь Правоохранительной академии Республики Узбекистан
E-mail: temurxon@gmail.com

ВЗАИМОСВЯЗЬ И ГАРМОНИЧНОСТЬ НАДЗОРА КОНСТИТУЦИОННОГО СУДА И ОРГАНОВ ПРОКУРАТУРЫ

АННОТАЦИЯ

В статье на основе Конституции в новой редакции и других нормативных актов, принятых в ходе конституционных реформ анализируются соотношение и сбалансированность надзора Конституционного суда и прокуратуры, взаимодействие их

данной функции. Научно интерпретируются сущность, важные особенности отдельных надзорных функций Конституционного суда и органов прокуратуры Республики Узбекистан, а также новые положения, внесенные в законодательство. Выдвинуты предложения и рекомендации по дальнейшему совершенствованию ряда статей действующих нормативных актов.

Ключевые слова: Конституция, конституционный суд, конституционные реформы, социальное государство, прокуратура, соблюдение конституции, взаимное сдерживание, конституционно-правовые механизмы, документы прокурорского надзора, законодательная инициатива, юридическая техника.

ADILKARIEVA Feruza

Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan, Researcher

E-mail: temurxon@gmail.com

INTERRELATION AND HARMONY OF SUPERVISION OF THE CONSTITUTIONAL COURT AND THE PROSECUTOR'S OFFICE

ANNOTATION

The article, based on the new version of the Constitution and other normative acts adopted during the constitutional reforms, analyzes the relationship and balance of supervision of the Constitutional Court and the prosecutor's office, the interaction of their given function. The essence, important features of individual supervisory functions of the Constitutional Court and the prosecutor's office of the Republic of Uzbekistan, as well as new provisions introduced into the legislation, are scientifically interpreted. Proposals and recommendations have been put forward for further improvement of a number of articles of current regulations.

Keywords: Constitution, constitutional court, reforms, social state, prosecutor's office, compliance with the constitution, mutual deterrence, constitutional and legal mechanisms, documents of prosecutorial control, legislative initiative and legal technology.

Мамлакатимизда амалга оширилган конституциявий ислохотларнинг энг муҳим йўналишларидан бири – бу давлатимиз фуқароларининг ҳуқуқлари, уларнинг эркинликлари ва қонуний манфаатларини юқори юридик савияда таъминланишини кафолатлаш ҳамда унинг норматив базасини мустаҳкамлашдан иборат. Ушбу жиҳатдан олиб қараганда, суд ҳокимиятининг юқори бўғини ҳисобланмиш Конституциявий суднинг ҳамда ижро ҳокимияти тармоғи тузилмаси бўлмиш прокуратура органларининг процессуал ҳуқуқларини конституциявий мақомларини белгилаш, уларнинг назорат функцияси моҳияти ва объектларини аниқлаш ниҳоятда долзарбдир.

Энг умумий тарзда талқин этилишига кўра, конституциявий назорат давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар, сиёсий партиялар ҳамда жамоат бирлашмаларининг қарорлари, шунингдек фаолияти мамлакат Конституциясига мувофиқлигини текширишдан ва Асосий қонунга зид норматив-ҳуқуқий ҳужжат (ҳаракат)лар юзасидан хулосалар бериш билан боғлиқ, шу ваколатга эга бўлган давлат ҳокимияти органи – Конституциявий суднинг ўзига хос назорат фаолияти туридир [1].

Бу борада Н.В.Мишинанинг фикрича, “Конституциявий назорат конституцияни муҳофаза этиш ва ҳимоя қилишнинг махсус воситаси бўлиб, конституция олий юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида ҳаракатланишини таъминлаш тизими, ихтисослаштирилган механизм тарзида намоён бўлади” [2].

Шунингдек, тадқиқотчи А.Б.Ғафуров Конституциявий назорат тушунчасига қуйидагича таъриф беради: - “...конституциявий назоратни конституциявий одил судлов органининг қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Конституция нормалари

ва принципларига мувофиқлигини текшириш ҳамда шу йўл билан Конституциянинг устуворлигини, мамлакатда конституциявий қонунийликни таъминлаш ҳамда инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга қаратилган фаолият, деб белгилаш мумкин” [3].

Прокурор назорати эса, Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Конституциясининг 143-моддасига мувофиқ, мамлакат ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан амалга оширилади. Прокурор назоратини амалга оширишнинг асосий йўналишлари “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган [4].

Қонун прокурорлик назоратининг анъанавийлик соҳаларини сақлаб қолган: қонунлар ижроси устидан назорат (умумий назорат), жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат, судларда ишларни кўришда прокурор ваколатлари, ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноий ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя қилиниши устидан назоратдан иборат [5].

Хусусан, янги таҳрирдаги Конституциясининг 27-моддасида ҳибсга олишга, қамоққа олишга ва қамоқда сақлашга фақат суднинг қарорига кўра йўл қўйилиши белгиланган. Шу билан бирга, шахс суднинг қарорисиз 48 соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмаслиги таъкидланган [6]. Ушбу қоидалар суд назоратининг алоҳида тартиби бўлган “Хабеас корпус” институтига тегишли.

Ўзбекистонда “Хабеас корпус” институти 2008 йилдан бошлаб, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокуратурадан судларга ўтказилгандан бери жорий этилган. Кейинги йилларда тергов устидан суд назоратининг ушбу шакли процессуал мажбурлаш чораларига ва шахснинг дахлсизлиги билан боғлиқ бир қатор тергов ҳаракатларига рухсат бериш ҳуқуқини мустаҳкамлаш орқали босқичма-босқич кенгайтирилди.

Халқаро тажрибага эътибор қаратсак, суд назорати институти Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 9-моддасида мустаҳкамланган. Ушбу моддага мувофиқ жиноий айблов бўйича ҳибсга олинган ёки ушлаб турилган ҳар бир шахс зудлик билан судья ёки қонун бўйича суд ҳокимиятини амалга ошириш ҳуқуқи бўлган бошқа мансабдор шахс ҳузурига келтирилади ва оқилона муддатда суд муҳокамаси ўтказилиши ёки озод қилиб юборилиши ҳуқуқига эга. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 9-моддасида ҳеч ким асоссиз қамалиши, ушланиши ёки қувғин қилиниши мумкин эмаслиги қайд этилган.

Суд назорати институти АҚШ, Австрия, Буюк Британия, Германия, Италия, Испания, Португалия ва бошқа мамлакатлар Конституцияси нормаларида ҳамда қонунларида акс этган. Шу билан бирга, бир қатор давлатларда қабул қилинган қарорнинг холислигини таъминлаш учун жиноят ишини тергов қилиш устидан суд назоратини амалга оширадиган, тергов ҳаракатлари ва эҳтиёт чораларига рухсат берувчи *махсус тергов судьяси* лавозими мавжуд. Мазкур лавозим Германия, Австрия, Италия, Бельгия, Голландия, Латвия, Литва, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа давлатларда жорий этилган.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституциясида суд назорати институтига алоҳида урғу берилганлиги эътиборга моликдир. Мазкур тамойилнинг жорий этилиши суд жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқлари амалга оширилишини таъминлайди, уларни мансабдор шахслар ва жиноий таъқиб қилиш функциясини бажарадиган органларнинг ноқонуний ҳаракатларидан ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Суд назорати институтининг кенгайтилиши жиноят процессида шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг умумэътироф этилган халқаро стандартларини жорий этиш имконини бериши табиий.

Ўзбекистон Республикасининг “Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий

қонуннинг 4-моддасида Конституциявий суднинг ваколатлари белгиланган бўлиб, улар куйидагиларни ўз ичига олади:

1) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, ҳукумат, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди;

2) Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзолангунига қадар Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди;

3) Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

4) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларига шарҳ беради;

5) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида судлар ташаббуси билан киритилган мурожаатини кўриб чиқади;

6) конституциявий суд ишларини юритиш амалиётини умумлаштириш натижалари юзасидан ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этади.

Конституциявий суд конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари муайян ишда қўлланилган ва Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ бўлмаган қонунда бузилган деб ҳисобловчи фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг шикоятларини ҳам кўриб чиқади. Конституциявий суд Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколати доирасида бошқа ишларни ҳам кўради [7].

Шунингдек, Конституциявий суд ўз ваколатларини амалга ошираётганда бошқа судларнинг ёки ўзга органларнинг ваколатига кирадиган барча ҳолларда ҳақиқий ҳолатларни аниқлаш ва текширишдан ўзини тияди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди томонидан қонунларнинг Конституцияга мувофиқлиги назорати юритилса, ўз навбатида, прокуратура органлари томонидан жамиятдаги қонунийлик аҳволи ҳамда ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан назорат амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 144-моддаси [6] ҳамда “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсинувчи прокурорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширади [4] ва шу билан бирга ваколатли ташкилотлар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлигини назорат қилади.

Прокуратура органлари томонидан амалга ошириладиган назоратнинг ўзига хослиги - қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборатдир.

Шунга мувофиқ, аниқланган қонун бузилиши мавжуд бўлган ҳужжатга (суднинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ва қарорига) прокурор томонидан протест, тақдимнома (қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган

шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан) кўринишидаги прокурор назорати ҳужжатлари киритилиши қонун билан белгиланган.

Шу билан бирга, прокурор томонидан протест ноқонуний ҳуқуқий ҳужжатни бекор қилиш ва қонунга мувофиқлаштириш юзасидан келтирилса, тақдимнома нафақат юзага келган қонун бузилиш ҳолатларига чек қўйиш, бартараф этиш, олдини олиш ва келгусида йўл қўймаслик, балки қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўйган масъул шасларнинг тегишли жавобгарлик масаласини кўриб чиқиш юзасидан киритилади.

Бундан ташқари, ташкилотлар ўртасидаги мувофиқлик юзасидан ҳамда ҳамкорликни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлисларида иштирок этиши, унинг кўриб чиқиши учун масалалар киритиши ва кўрилаётган масала юзасидан фикр билдириши мумкин бўлсада, прокуратура органлари назорати доираси Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолияти ва у томонидан қабул қилинган ҳужжатларга қўлланилмайди.

Ўз навбатида, ушбу назорат органлари ўртасида ҳамкорлик қилиш тамойилига кўра, Конституциявий суд органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қабул қилинган, норматив тусдаги ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонунларига мувофиқлиги назорати амалга оширилиши белгиланган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисидаги Қонуннинг 87-моддасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори буйруқларининг ва (ёки) бошқа ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига мувофиқлигини аниқлаш тўғрисидаги ишларни юритиш масаласи баён этилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори буйруқларининг ва (ёки) бошқа ҳужжатларининг (индивидуал хусусиятга эга бўлган ҳужжатлар бундан мустасно) ёки улар бир қисмининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига мувофиқлигини аниқлаш чегаралари ишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ушбу Қонун 82-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ белгиланади. Хусусан,

Конституциявий суд норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Конституцияга мувофиқлигини тўлиқлигича ёки унинг бир қисмини текшираётганда:

нормалар мазмуни бўйича;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг шакли бўйича;

давлат органлари ва мансабдор шахслар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан белгиланган ваколатларнинг чегараланиши нуқтаи назаридан;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши, имзоланиши, шунингдек расмий эълон қилиниши ва амалга киритилиши тартиби бўйича унинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди [7].

Ишни кўриб чиқиш якунлари бўйича Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруғини ва (ёки) бошқа ҳужжати (индивидуал хусусиятга эга бўлган ҳужжат бундан мустасно) ёки унинг бир қисмини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига мувофиқ ёки мувофиқ эмас деб топиш тўғрисидаги қарорлардан бирини қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Конституциявий суд қарорига кўра Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига мувофиқ эмас деб топилган буйруғи ва (ёки) бошқа ҳужжати ўзининг амал қилишини тугатади. Бундай буйруқ ва (ёки) бошқа ҳужжат бир ойдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлаштириши керак [7].

Бундан ташқари, фикримизча, “Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий Қонуннинг 4-моддасида Конституциявий суднинг ваколатлари доираси ҳамда назорат предметига конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари муайян ишда қўлланилган ва Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ бўлмаган қонунда бузилган деб ҳисобловчи фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг шикоятларини ҳам кўриб чиқиш

масаласи киритилган. Шу боис, Конституциявий суднинг 31.05.2021 йилдаги КСҚ-8-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида”ги Низомни такомиллаштириш ва қонунчиликка мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқ.

Хусусан, ушбу Низом 5 бўлим, 24 банддан иборат, Низомнинг 12-бандида фуқаролар томонидан келиб тушган мурожаат ва шикоятларнинг кўриб чиқиш бир ойлик муддатни ташкил этиши белгиланган. Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-445-сонли Қонунига мувофиқ, мурожаат муаллифига 15 кунлик муддатда хабар бериш талабини киритиш фикри таклиф этилади.

Шу билан бирга, мазкур Низомда “Электрон ҳужжат айланиши” ахборот тизими орқали амалга оширилишини таъминлаш ва назорат қилиш;

- электрон ахборот тизимларида иш юритиш аҳволини мунтазам таҳлил қилиш, улардан самарали фойдаланиш чораларини кўриш ҳамда такомиллаштириб бориш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

- архив иши юритилишини ташкил этиш, архивга топширилган ҳужжатлар сақланишини таъминлаш ва ҳужжатларнинг муҳимлик қийматини экспертизадан ўтказиш, мазкур фаолиятни рақамлаштириш чораларини кўриш;

- ҳал қилинган мурожаатлар бўйича қабул қилинган қарорлар устидан келиб тушган такрорий мурожаатларни кўриб чиқиш юзасидан ишчи гуруҳлар ташкил этиш ҳақида таклифлар киритиш;

- мурожаатларни кўриб чиқишда қонунийлик, холислик ва текширишнинг тўлиқлигини таъминламаган ходимларга нисбатан чора кўриш каби меъёрларни белгилаш ҳам мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари, фикримизча, ушбу Низом талабларида ўзаро номувофиқлик ҳолатлари ҳам мавжуд. Жумладан, Низомнинг 8-бандида: - “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 29-моддасида назарда тутилган: а) аноним мурожаатлар; б) жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда; в) қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар кўрмай қолдирилади. Мурожаатлар кўрмай қолдирилганда уни ўрганган ходим томонидан тегишли хулоса тузилади, у Конституциявий суд Девони раҳбари томонидан тасдиқланади” - деб белгиланган.

Шунингдек, Низомнинг 5-бандида Конституциявий судга келиб тушган мурожаатлар (электрон шаклда келиб тушган мурожаатлар қоғозга чоп этилган ҳолда), шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасидан келиб тушган мурожаатлар Конституциявий суд девонида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича йўриқнома қодаларига мувофиқ расмийлаштирилиши, ўрганиб чиқувчи ижрочиларни белгилаш мақсадида мурожаатлар **Конституциявий суд раиси, унинг йўқлигида Конституциявий суд раисининг ўринбосарига** тақдим этилиши ҳамда 12-бандида Конституциявий суд ваколати доирасидаги масалалар акс эттирилган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонадан юборилган мурожаатлар **Конституциявий суднинг раиси ёки унинг ўринбосари топшириғига** мувофиқ Конституциявий суднинг судьяси томонидан ўн беш кун ичида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилиши белгиланган, мазкур ҳолатда мурожаатларнинг умумий назорати давлат органи ёки ташкилот раҳбари ёхуд ваколат берилган мансабдор шахс томонидан юритилиши белгиланган бўлсада, Низомнинг 8-бандида назарда тутилган меъёр ушбу қонунчилик талабига мувофиқ эмас.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-

445-сонли Қонунининг 29-моддасида белгиланган “муурожаатлар кўрмай қолдирилганда тегишли хулоса тузилади, у давлат органининг, ташкилотнинг раҳбари ёки уларнинг ваколат берилган мансабдор шахси томонидан тасдиқланади” ҳолатидаги талабига ҳам зид.

Демак, юқоридаги номутаносибликларни бартараф этиб, назорат тартибига оид турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги қоидаларни ўзаро мувофиқлаштириш лозим.

Шундай қилиб, таҳлилларасосида қуйидагича хулоса қилиш мумкин. Конституциявий назорат ва прокурор назорати давлат назоратининг икки шаклини акс эттириб, бири-норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлигини таъминлаш орқали қонунчиликка ички мантиқийлик ва тизимлилик (мутаносиблик) бахш этса, иккинчиси – қонунларнинг бир хилда ижро этилишини ва уларнинг самарали қўлланилишини таъминлайди.

Мазкур назорат турларини амалга оширувчи органларнинг ўзаро ҳамкорлиги эса, пировардида, Конституция ва қонунлар устуворлигини янада ишончли ҳамда таъсирчан таъминлашга хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Т., 2010, 254-бет.
2. Конституционное право зарубежных стран: учебник/ Н.В.Мишина, А.Р.Крусян, Д.Я.Гараджаев (и др.)-Харьков: Право, 2015-С.143.
3. Ғофуров А.Б. Ўзбекистонда Конституциявий назорат: тарихий ривожланиш тенденциялари -Т., 2022й., 15б.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни, 29.08.2001 й., 257-II-сон // URL: <https://lex.uz/acts/106197>;
5. Б.Х.Пўлатов, Қонунлар ижроси устидан прокурор назорати, Т., “Ҳуқуқ ва бурч” журнали 2006 й., 32б.
6. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган) // URL: <https://lex.uz/uz/docs/-6445145>.
7. Ўзбекистон Республикасининг 27.04.2021 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги ЎРҚ-687-сон Қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/5391934>;

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

ТОШҚУЛОВ Жўрабой Ўринбоевич

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Давлат ва ҳуқуқ институти
тарихий-назарий, давлат-ҳуқуқий ва конституциявий ҳуқуқий фанлар
бўлими бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор

ORCID: 0000000244924665

E-mail: joraboy89@gmail.com

МУҲАММАДЖОНОВ Жасурбек Жаҳонгир ўғли

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Давлат ва ҳуқуқ институти таянч докторанти

ORCID: 0009-0003-2303-588X

E-mail: interlawyerjr@gmail.com

ИСЛОМ ҲУҚУҚИ БЎЙИЧА ФУҚАРОЛАРНИНГ ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ ҲУҚУҚИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): ТОШҚУЛОВ Ж.Ў,
МУҲАММАДЖОНОВ Ж.Ж. Ислом ҳуқуқи бўйича фуқароларнинг тадбиркорлик билан
шуғулланиш ҳуқуқининг кафолатлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста –
Lawyer herald. № 5 (2023) Б. 29-41.

 5 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-5-4>

АННОТАЦИЯ

Мақолада ислом дини бўйича мусулмон кишининг ҳаётида тадбиркорлик билан шуғулланишнинг тутган ўрни, ижобий аҳамияти ва ислом дини бўйича тадбиркорлик билан шуғулланишга фуқароларни ундаш, мусулмонларнинг ҳамда ғайридин шахсларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиш фаолиятини тартибга солишга қратилган Қуръони Каримда нозил қилинган оятлар, Муҳаммад(с.а.в.) томонидан бу масалада берилган ҳукмлар, ривоят қилинган ҳадислар, уларнинг шарҳи юритилади. Мақолада шариат бўйича тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартиб-қоидаларини бузганларга нисбатан келиб чиқувчи жавобгарлик турлари, бошқалар томонидан тадбиркорларнинг фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳамда уларга мулкый зарар етказганлик учун келиб чиқувчи жавобгарлик турлари, уларга нисбатан қўлланиладиган жазо турлари асосий масалалар сифатида муҳокама қилинади. Ислом динида шахсларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳуқуқининг назарий ва амалий томонлари муҳокама қилинади.

Калит сўзлар: Ислом ҳуқуқи, тадбиркорлик билан шуғулланиш, фуқароларни тадбиркорликка ундаш, Қуръони Карим, Ҳадис, зиммийлар ҳуқуқлари, омонлик, шаръий талаблар, закот солиғи, тадбиркорларга нисбатан ҳуқуқбузарликлар, жавобгарлик турлари, жазо қўллаш, судга мурожаат қилиш.

ТАШКУЛОВ Джурабой Уринбоевич

Заведующий отдела историко-теоретических, государственно-правовых и конституционно правовых наук Института государства и права Академии Наук Республики Узбекистан, доктор юридических наук, профессор
E-mail: joraboy89@gmail.com

МУХАММАДЖОНОВ Жасурбек

Докторант (PhD) Института государства и права Академии наук Республики Узбекистан
E-mail: interlwyerjr@gmail.com

ГАРАНТИИ ПРАВ ГРАЖДАН ЗАНИМАТЬСЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВОМ ПО ИСЛАМСКОМУ ПРАВУ

АННОТАЦИЯ

В статье рассмотрены роль и положительное значение ведения бизнеса в жизни мусульманина, и поощрение граждан к ведению бизнеса согласно исламской религии, а также аяты, явленные в Священном Коране, которые направлены на регулирующие деятельность мусульман и немусульман, занимающихся предпринимательством в имеющихся наставлениях Мухаммада (с.а.в.) по этому вопросу, переданных хадисом и комментариям к ним. В статье анализируются виды ответственности лиц, нарушающих правила ведения предпринимательской деятельности по шариату, виды ответственности за воспрепятствование этой деятельности другими лицами и причинение им имущественного ущерба, а также виды применяемых к ним наказаний в качестве основных проблем. Обсуждаются теоретические и практические аспекты права личности заниматься предпринимательством в исламе.

Ключевые слова: Исламское право, Священный Коран, хадисы, права зимми, безопасность, требования шариата, налог, закят, преступления против предпринимателей, виды ответственности, наказание, обращение в суд.

TASHKULOV Jurabay

Head of the department of Historical-Theoretical, State-Legal and Constitutional-Legal Sciences of the Institute of State and Law of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Law, Professor
E-mail: joraboy89@gmail.com

MUKHAMMADJONOV Jasurbek

Doctoral student (PhD) Institute of State and Law of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan
E-mail: interlwyerjr@gmail.com

GUARANTEES OF THE RIGHT OF CITIZENS TO ENGAGE IN ENTREPRENEURSHIP UNDER ISLAMIC LAW

ANNOTATION

In the article, according to Islamic law, the role of doing entrepreneurship in the life of a Muslim, its positive importance and encouraging citizens to do entrepreneurship, the guarantees of the right of Muslims and non-Muslims living in the territory of the Islamic state to do entrepreneurship based on the works of Muslim jurists, the hadiths of Muhammad (PBUH)

is given. Requirements for Muslims and non-Muslims to engage in entrepreneurship, the norms they must obey, the type of entrepreneurship they engage in, the requirements imposed on their products, the types of taxes imposed on entrepreneurs and their amounts, and the control of the activities of those engaged in entrepreneurship and trade information provided. In the article, the types of responsibility for violating the procedures for doing entrepreneurship according to Islamic law, obstructing the activities of entrepreneurs by others and causing property damage to them, types of entrepreneurship, requirements for entrepreneurs, responsibility for violating their rights, control over the activities of entrepreneurs, violation the responsibility of the entrepreneurs, the procedure for protecting their rights through the court are described.

Keywords: Islamic law, encouraging citizens to do business, trade, handicrafts, the Holy Qur'an, Hadith, rights of dhimmis, security, Shariah requirements, zakat tax, offenses against entrepreneurs, types of responsibility, punishment, applying to court.

Жаҳон мамлакатлари иқтисодиёти ҳолати ва иқтисодий тараққиётга назар ташлайдиган бўлсак, шубҳасиз, Ғарб иқтисодий сетктори, хусусан, Европа ва Америка Қўшма Штатларида ташкил этилган молия ва тадбиркорликнинг ташкилий ва иқтисодий асослари бошқа минтақаларникидан анча муваффақиятлироқ ташкил этилган деган хулосага келиш мумкин. Дарҳақиқат, Ғарб иқтисодий тизимлари тарафдорлари кўпинча Ғарб тадбиркорликни ҳозирги даврдаги муваффақиятининг асоси сифатида кўрсатадилар. Ғарб иқтисодий тизими тарафдорлари баъзан Ғарб бизнес фаолиятининг нисбий молиявий муваффақиятини Ғарб амалиётларининг исломий тизимлардан устунлигини қайд этадилар. Бундай кишилар кўпинча динга асосланган иқтисодий тизимлар иқтисодий ўсишга тўсқинлик қилади ёки улар самарали бизнес ташаббуслари билан шуғулланиш учун етарли рағбат ёки туртки бермайди деб таъкидлайдилар. Бироқ, Ислом ва Ғарб иқтисодиётлари ўртасидаги тафовут, асосан, ислом ва Ғарб иқтисодий фаолият тизимлари ва улар ўртасидаги ўлчанадиган мезонларнинг турлича тафовутлари билан боғлиқ.

Ислом дини кишини тадбиркорликка ундамайди деган айблов нотўғри. Аслида, самарали тадбиркорлик билан шуғулланиш Ислом таълимотида рағбатлантирилади ва ҳатто талаб қилинади Ислом дини ибодатга катта эътибор беради, бироқ ўзини, оиласини ва жамиятини боқиш учун рўзғор тебратишга ҳам бирдек аҳамият беради.

Ҳар бир мусулмонга Қуръон ва шариат қонунлари, ислом таълимотлари мажмуи асосида яшаш вазифаси юкланган. Самарали ҳаёт кечирининг шундай усуллари билан бири жамиятнинг реал иқтисодий эҳтиёжларини таъминлайдиган иқтисодий фаолият билан шуғулланишидир. Шундай қилиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, мусулмонлар Аллоҳ розилиги учун ўзларининг диний фарзларини бажаришлари мумкин.

Бироқ, тадбиркорликка қандай қараш ва уни амалга ошириш борасида Ислом ва Ғарб нуқтаи назарлари ўртасида баъзи фарқлар мавжуд. Тадбиркорликнинг анъанавий ғарб нуқтаи назарида, иқтисодий фаолият одатда иштирок этаётган шахсларнинг индивидуал фойдасини максимал даражада ошириш сифатида қаралади ва муваффақият кўпинча бизнес ҳаракатларидан олинган молиявий даромадлар билан ўлчанади. Шу нуқтаи назардан, тадбиркор ўзининг иқтисодий фаолияти орқали бошқаларга ва жамиятга билвосита фойда келтириши мумкин бўлса ҳам, жамият фаровонлиги одатда янги бизнес ташаббусларини бошлаш учун асосий мотивация эмас. Бундан ташқари, Ғарб тадбиркорлари ахлоқий ва ҳуқуқий чекловларга риоя қилишлари керак бўлса-да, тадбиркорлик фаолиятининг ўзига хос диний жиҳати йўқ.

Тадбиркорликнинг исломий нуқтаи назари битта катта фарқга эга. Агар хоҳласа, бизнес ва диний урф-одатларни ажратиш эркин бўлган Ғарб тадбиркорларидан фарқли ўлароқ, исломий амалиётлар, барча операциялар, шу жумладан, тадбиркорлар ҳам диний мақсадларга эришишга интилиши кераклигини таъкидлайди. Исломда мусулмоннинг

тадбиркорлик фаолияти авваламбор, Аллоҳни рози қилишга қаратилган бўлиши керак, яъни ислом одатларининг ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларига мос келадиган тадбиркорлик фаолиятини юритиш, ўз диний фарзларини бажариш ва жамиятга фойда келтиришдек исломнинг умумий мақсадига ҳисса қўшиш киради. Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳақиқий исломий тадбиркорлик доирасида дин ва иқтисодий фаолият бир-биридан ажралмас бўлиб, натижада иқтисодий хатти-ҳаракатлар мажмуи нафақат дунёвий, ҳуқуқий ва ахлоқий кўрсатмалар, балки диний кўрсатмалар билан ҳам бошқарилади [1, Б.69].

Мусулмон тадбиркорлари Аллоҳ рози бўладиган иш билан шуғулланиш учун олдиндан режалаштирилган иштиёқ билан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари керак. Бинобарин, шариат қонунлари бўйича тақиқланган фаолиятни ўз ичига олган тадбиркорлик билан шуғулланиш мумкин эмас. Ноқонуний гиёҳванд моддалар ва фоҳишалик каби баъзи иқтисодий фаолиятлар ҳам Ғарб қонунлари билан тақиқланган бўлса-да, бошқалари, масалан, алкоголь, қимор, судхўрлик, чайқовчилик ва ҳоказолар билан шуғулланадиганлар кўпинча Ғарб тадбиркорлари томонидан амалга оширилади, лекин булар Исломда қатъиян ман этилади.

Савдо ва айирбошлаш муносабатларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши инсоният учун цивилизациялар вужудга келиши ва жамият тараққиётининг асосий устунига айланди. Тадрижий ривожланиш жараёнининг боришини бевосита кузатилса инсонлар ўртасида товар айирбошлаш, ушбу товарга бўлган талаб, уни ишлаб чиқариш эҳтиёжи борган сари савдо-сотик муносабатларини такомиллашиб турли хусуситларга эга бўлиб боришига сабаб бўлган. Жамиятда мулкчилик шакллариининг кўпайиб бориши инсонларнинг моддий жиҳатдан ўзларини янада бойитиш учун ҳаракатларини янада рағбатлантирди.

Ўз навбатида, савдо-сотик муносабатларида амал қилувчи тартиб-қоидалар жамиятда ҳукмрон бўлган қарашлар ва мафкураларга бевосита боғлиқ бўлган. Бу муносабатларда албатта, диний қарашларнинг ҳам ўз ўрни бўлган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ислом дини вужудга келиб турли минтақаларга ёйилгач ушбу минтақалардаги савдо-сотик ва мулкчилик билан боғлиқ муносабатларда ислом дини қоидалари амал қиладиган бўлди. Ислом динида тадбиркорлик билан шуғулланиш масалаларига алоҳида урғу берилди. Жумладан, Пайғамбар (с.а.в.)дан: Энг афзал касб қайси? – деб, сўралганда, “Кишининг ўз қўли билан қилган иши ва ҳар бир ҳалол – яхши савдосидир”, деб жавоб қайтарганлар. Ислом динида шаръий жиҳатдан кишига ҳунармандчилик қилиш, ҳалол меҳнат қилиш ва ризқ топиш учун албатта қандайдир касб билан шуғулланишга ундалади. Айниқса, савдо билан шуғулланувчи кишилар жамиятда эъзозланади.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ва бошқа Пайғамбарлар, саҳобалар, тобеъинлар у ёки бу тадбиркорлик билан шуғулланганлар.

Исломда тадбиркорлик – бирор-бир касб билан шуғулланиб, мол дунё орттириш мақсадида шариатда таъқиқланмаган фаолиятни амалга оширишдир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан тадбиркорликка оид қатор ҳадислар ривоят қилинган. “Ҳар бир мусулмонга касб талаб қилиш фарздир”. Оиласини боқиш учун косибчилик билан шуғулланиб қўллари қадоқ бўлиб кетган Саъад ибн Муъоз розиаллоху анҳунинг “Қўлидан ўпиб, мухтожликдан сақловчи бу икки қўлни Аллоҳ яхши кўради”, деган эканлар Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом.

Шунингдек, Умар розиаллоху анҳу шундай деган: “Алоҳнинг фазлидан умид қилган ҳолда ер юзида тижорат учун сайр этиб, молларим орасида вафот этишим, Аллоҳ йўлида урушиб ўлганимдан кўра менга яхшироқдир.”

Абу Ҳанифа розиаллоху анҳунинг истеъдодли шогирдларидан бири Имом Муҳаммаднинг “ал-Касб” асарида қайд этилишича “Ҳар бир мусулмонга илм олиш фарз бўлганидек, касб талаб қилиши ҳам фарздир [2. Б.6-7]”.

Ислом ҳуқуқи манбаларида ҳар бир мусулмон ўз оиласини боқиш, кийим-кечак, турар-жой, уй рўзғор буюмлари билан таъмилашга, ҳалол, тўғри йўллар билан

ризқ-насиба топишга, ишлаб чиқариш, деҳқончилик чорвачилик, боғдорчилик, хунармандчилик, савдо-сотик кабилар билан шуғулланишга, мамлакатни иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирларини кўришга ундовчи қоидалар ўз аксини топган. Хусусан, Қуръони Каримнинг Жумаъ сурасида "...ерда тарқалиб, Аллоҳнинг фазли (ризқи) дан истайверингиз [3, Б.554.]"; "Анкабут" сураси 17-ояти: "... бас сизлар ризқни Аллоҳ даргоҳидан истангиз [3, Б.398]"; "Нисо" сураси 32-ояти: "Аллоҳ бирингизни бирингиздан бирор неъмат билан ортиқ қилиб қўйган бўлса, сизлар уни (ҳасадгуйлик билан) орзу қилманг! Эркаклар ҳам ўз касбларидан улуш олурлар; аёллар ҳам ўз касбларидан улуш олурлар. (Ҳасад қилиш ўрнига) Аллоҳ фазлидан сўрангиз. Аллоҳ албатта ҳамма нарсани билгувчидир [3, Б.83];" "Мулк" сураси 15-ояти: "У (Аллоҳ) сизларга Ерни ҳоксор (бўйсунувчи) қилиб қўйган Зотдир. Бас у (Ер)нинг ҳар томонида юраверингиз ва (Аллоҳнинг берган) ризқидан танаввул қилингиз! (Қиёмат куни) тирилиб чиқиш Унинг ҳузуригадир [3, Б.563]".

Муҳаммад алайҳиссалом "Ҳалол (ризқ)ни излаш паҳлавонлар кураши кабидир. Ким ҳалол (ризқ) талабини ният қилган ҳолда тунаса гуноҳлари кечирилган ҳолда тунаган бўлади[2,Б.6]", -дедилар.

Ислом ҳуқуқи бўйича тадбиркорлик билан шуғулланувчи қуйидаги қоидаларга оғишмай амал қилишлари лозим.

- ризқ тўғрисида соғлом эътиқод қилиш;
- оч қолиб ўлишдан сақланиш;
- ҳалол меҳнат билан топилган ризқни истеъмол қилиш;
- ризқни йўқдан ўзим бор қилдим деб эътиқод қилишдан сақланиш;
- харом йўллар билан мол топишдан сақланиш;
- харомни ҳалол ва аксинча ҳалолни харом дейишдан сақланиш;
- Аллоҳ фарз этган жисмоний ибодатларни бажариш (масалан бир кунда беш вақт намоз ўқиш ва бош);
- шуғулланган касби ва унинг натижасида топган мулки ҳақида ҳисоб беришни ёддан чиқармаслик;
- жамият ва табиатга зарар етказадиган тадбиркорлик билан шуғулланишдан сақланиш,
- Аллоҳ фарз қилган молиявий мажбуриятларни бажариш (масалан закот бериш)
- тадбиркорлик фаолиятига оид шаръий илмларни эгаллашга ҳаракат қилиш;
- озиқ маҳсулотларига шариатда харом деб эълон қилинган нарсаларни қўшишдан сақланиш (масалан, асалга спирт аралаштириш);
- исрофгарчиликдан сақланиш.

Юқорида қайд этилган қоидалар исломда фарз амаллар деб эътироф этилиб, уларга риоя қилмаганлар катта гуноҳ ишларни содир этишда айбланиб тегишли жазога тортилади. Фарз амаллар ҳақида Қуръони Каримда ўнлаб оятлар мавжуд: Жумладан, Қуръони Каримнинг "Ҳуд" сураси, 6-ояти: "Ерда ўрмаловчи бирор нарса (жонзот) йўқки, унинг ризқи (таъминоти) Аллоҳнинг зиммасида бўлмаса! (У) унинг қароргоҳини ҳам оромгоҳини ҳам билур. Ҳаммаси аниқ Китоб (Лавҳул-махфуз)да (ёзилган)дир [3, Б.222]"; "Исро" сураси, 31-ояти "(Эй, инсонлар!) Болаларингизни қашшоқликдан кўрқиб ўлдирмангиз – уларга ҳам Биз ризқ берурмиз. Уларни ўлдириш, шубҳасиз, катта хатодир [3, Б.285]"; "Анъом" сураси, 151-ояти: "...болаларингизни қашшоқликдан кўрқиб ўлдирмангиз – Биз сизларни ҳам, уларни ҳам ризқлантирурмиз [3, Б.148]"; Бақара сураси, 168-ояти: "Эй одамлар, ердаги ҳалол-пок нарсалардан тановул қилингиз ва шайтоннинг изларидан эргашмангиз! Албатта, у сизларга аниқ душмандир [3, Б.25]"; 173-ояти: "У сизларга ўлимтик, қон, чўчқа гўшти ва Аллоҳдан ўзгага атаб сўйилган нарсаларни (истеъмол қилишни қатъий) харом қилди. Аммо, зулмкор ва тажовузкор бўлмаган ҳолда, заруратан, мажбур бўлса (очлик танглиги юзасидан тановул қилса), унга гуноҳ йўқдир [3, Б.26]"; "Моид" сураси, 88-ояти: "Аллоҳ сизларга ризқ қилиб берган нарсаларнинг ҳалол ва покларини тановул қилингиз [3, Б.122]"; "Рум" сураси, 40-ояти: "Сизларни яратган, сўнгра сизларни ризқлантирган, сўнгра вафот эттирадиган, сўнгра (қиёматда)

тирилтирадиган зот Аллоҳдир [3, Б.408]”; “Нисо” сураси, 29-ояти: “Эй, имон келтирганлар! Мол-мулкларингизни ўртада ноҳақ (йўллар) билан емангиз! Ўзаро розилик асосидаги тижорат бўлса, у бундан мустасно [3, Б.82]”; “Бақара” сураси, 188-ояти: “Мол (ва бойлик) ларингизни ўрталарингизда ботил (йўллар) билан емангиз [3, Б.29]”; “Ғофир” сураси, 28-ояти: “Аллоҳ хаддан ошувчи ва ёлғончи кимсаларни ҳидоятга йўлламас [3, Б.470]”; “Нур” сураси, 56-ояти: “(Эй, мўминлар!) Намозни баркамол адо этингиз, закотни берингиз ва Пайғамбарга итоат этингиз, зора (шунда) раҳм қилинсангиз [3, Б.357]”; “Тақасур” сураси, 8-ояти: “Сўнгра ана ўша кунда (қиёматда) албатта, (сизларга ато этилган барча) неъматлар тўғрисида сўроқ қилинурсиз [3, Б.600]”; “Тавба” сураси, 35-ояти: “(Мазкур олтин кумушлар) жаханнам ўтида қизитилиб, улар билан пешоналари, ёнлари, орқалари куйдирилган куни: “Бу ўзларингиз учун сақлаган хазинангиздир. Сақлаган хазинангиз (мазасини) тотингиз!” (дейлади) [3, Б.192]”; “Моида” сураси, 32-ояти: “Бирор жонни ўлдирмаган ёки ерда фасод ишларини қилмаган инсонни ўлдирган одам худди ҳамма одамларни ўлдирган кабидир. Унга ҳаёт бахш этган (ўлимдан қутқариб қолган) одам эса барча одамларни тирилтирган кабидир [3, Б.113]”; “Нур” сураси, 56-ояти: “(Эй, мўминлар!) Намозни баркамол адо этингиз, закотни берингиз [3, Б.357]”; “Анбиё” сураси, 7-ояти: “Агар билмайдиган бўлсангиз, зикр аҳлидан сўрангиз [3, Б.322]”; “Луқмон” сураси, 18-оят: “Одамларга (кибрланиб) юзингни буриштирмагин ва ерда керилиб юрмагин! Чунки, Аллоҳ барча кибрли, мақтанчоқ кимсаларни суймас [3, Б.412]”; “Наҳл” сураси, 23-ояти: “Албатта, У мутакаббирларни севмагай [3, Б.269]”; “Моида” сураси, 87-ояти: “Эй имон келтирганлар! Сизлар учун Аллоҳ ҳалол қилиб қўйган нарсаларни харомга чиқармангиз [3, Б.122]!”; 88-ояти: “Аллоҳ сизларга ризқ қилиб берган нарсаларнинг ҳалол ва покларини тановул қилингиз [3, Б.122]”; “Аъроф” сураси, 31-ояти: “Шунингдек, еб-ичингиз, (лекин) исроф қилмангиз! Зеро, У исроф қилувчиларни севмагай [3, Б.154]” ва бошқалар.

Шунингдек, “Ақон” ва “Усулул-фиқҳ” масалаларига бағишланган суннийликдаги тўрт мазҳаб вакилларининг асарларида бизни қизиқтирган масалаларга оид диққатга сазовор фикр-мулоҳазалар билдирилган: ризқ тўғрисида соғлом эътиқод қилиш, оч қолиб ўлишдан сақланиш, Аллоҳ таоло харом қилиб қўйган ризқдан сақланиш қандай фарз бўлса, унинг акси бўлган ҳалол ризқни истеъмол қилиш харом нарсалардан ва харом ишлардан сақланиш фарз бўлгани каби, харом мол топишдан ҳам сақланиш, ёлғон гапириш ҳалол эмас деб эътиқод қилиш, қилиб юрган касби ва топган моли ҳақида қиёмат кунида Аллоҳ олдида ҳисоб бериш, ноҳақдан бир жонзотнинг ўлдириш ҳалол эмаслиги боис бунга ўхшаш касблар билан шуғулланишни ҳам харом деб эътиқод қилиш, моли нисобга етган ҳар бир мусулмоннинг закот бериши, ҳар бир касб соҳибининг ўз касби ҳақидаги билимларни эгаллаши фарздир [2, Б.17-25].

Ислонда тадбиркорлик билан шуғулланувчиларнинг вожиб амаллари қоидаларига риоя қилишлари талаб этилади. Вожиб амаллари қоидаларининг фарз амаллари қоидаларидан фарқи шундаки, ушбу қоидаларга риоя қилмаган киши кофир ва имонсиз бўлмаса ҳам, катта гуноҳ иш қилган ҳисобланади. Вожиб амалларнинг қоидалари қарамоғида бўлганларни нафақа-тегишли маблағ билан таъминлаш, мусулмонларнинг кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган махсулотларни ишлаб чиқариш ва етиштириш, ўзгалар билан тузилган шартномалар (битимлар)нинг шартларига оғишмай риоя қилиш, ўз соғлиғи ҳақида ғамхўрлик қилиш, келажакда низо келиб чиқишига замин яратадиган битимлар тузишдан сақланиш, пора беришдан сақланиш, мол-мулки ҳисобга етса қурбонлик қилиш, тадбиркорлик фаолиятини юритишда ўзга динларга эътиқод қилувчилардан орқада қолмасликка ҳаракат қилиш, ердан олинган хосилнинг ўндан бирини солиқ сифатида давлатга тўлаш, ишлаб чиқарилган махсулотларни фахш ишларга ва бундай ишларга ундовчи суратларни солиш (чизиш) учун сарфлашдан сақланиш, аҳолининг кундалик эҳтиёжлари учун зарур махсулотларни нарх ошганда сотиш, исрофгарчилик қилиш кабилардир. Вожиб амалларнинг ҳуқуқий асослари Қуръони Каримнинг қуйидаги сураларининг оятларида ўз ифодасини топган: “Наҳл” сурасининг 14-ояти: “У янги гўшт (балиқ гўшти) ейишларингиз ва тақадиган тақинчоқлар чиқариб

олишларингиз учун (сизларга) денгизни ҳам бўйинсундириб қўйган зотдир [3, Б.268]”; “Фотир” сурасининг 12-ояти: “Сизлар, (У иккисининг) хар биридан янги гўшт (балиқ) ейсиз ва тақадиган зеб-зийнат чиқариб олурсизлар. (Аллоҳнинг) фазлидан (ризқидан) иштаингиз учун (сувни) ёриб кетаётган кемаларни кўрасиз. Шояд, (шундай неъматлар учун Аллоҳга) шукр қилсангиз [3, Б.436]”; “Моида” сурасининг 1-ояти: “...Эй, имон келтирганлар! Битимлар (ахдлар)га вафо қилингиз [3, Б.106]”; “Бақара” сурасининг 195-ояти: “Ўз қўлларингиз билан ўзларингизни ҳалокатга ташламанг [3, Б.30]”; “Ёсин” сурасининг 65-ояти: “Бизга уларнинг қилиб ўтган ишлари ҳақида қўллари сўзлаб, оёқлари гувоҳлик берур [3, Б.444]”; Анфол” сурасининг 46-ояти: “Аллоҳга ва Расулига итоат қилингиз ва низолашмангиз, акс холда сушлашиб кетурсиз ва “шамолингиз” (обрўйингиз) кетиб қолур [3, Б.183]; “Кавсар” сурасининг 2-ояти: “Бас, Роббингиз учун (беш вақт ёки Қурбон ҳайити учун) намоз ўқинг ва (туя) сўйиб қурбонлик қилинг [3, Б.602]; “Бақара” сурасининг 148-ояти: “Бас, хайрли ишларда ўзиб кетингиз [3, Б.23]; “”Моида” 48-ояти: “Бас, хайрли (савобли) ишларда бир-бирингиздан ўзишга ошиқингиз [3, Б.116]; “Исро” сурасининг 32-ояти: “Зинога яқинлашмангиз! Чунки у фаҳш ва ёмон йўлдир[3,Б.285]”; “Аъроф” сураси 32-ояти: “Шунингдек, еб-ичингиз, (лекин) исроф қилмангиз! Зеро, У исроф қилувчиларни севмагай [3, Б.154]”; “Исро” сурасининг 27-ояти: “Чунки, исрофгарлар шайтонларнинг биродарларидир. Шайтон эса, Парвардигорига нисбатан ўта ношукур эди [3, Б.284]” ва бошқалар.

Шунингдек, Исломда тадбиркорлик билан шуғулланувчилар риоя қилиши лозим бўлган суннат амаллари қоидалари ҳам бўлиб, ушбу қоидалар, асосан, тавсиявий характерга эга. Суннат амаллари қоидалари – бу Муҳаммад (с.а.в) нинг у ёки бу масаланинг ечим ҳақида билдирган фикрлари, бирор ишни битиришга амал қилган қоидалари, одатлари. Суннат амалларга оид қоидаларга риоя қилганлар савоб олади, уларни узрсиз бажармаганлар катта гуноҳ ишларни содир этган ҳисобланмасаларда қиёмат кунида койишга ва маломатга қоладилар. Маҳаммад (с.а.в.) нинг марҳаматидан фойдаланишга лойиқ бўлмайди. Бундай амалларни Муҳаммад (с.а.в.) бажарганлари каби бажариш, ёшлиқдан ўзига муносиб касб танлаш, савдо-сотик билан шуғулланишга жиддий киришиш, сафардан қайтганда масжидга кириб икки ракат намоз ўқиб, масжидда бироз ўтириб сўнг уйига бориш, четдан мол олиб келиб аҳолининг эҳтиёжини қондириш, четга мол чиқариш, тадбиркорлик орқали орттирган даромадга қаноат ва шукр қилиш, маҳсулотларни имкони борича арзонроқ нархда сотишга ҳаракат қилиш, қўл остидаги ҳодимларга хуш муомала бўлиш, тозаликка риоя қилиш, ўзи эгаллаган касб-хунарни бошқаларга ҳам ўргатиш, товарлар, маҳсулотлар ва бошқаларни бир жойдан бошқа жойга олиб бориш зарурати туғилганда улов танлашдан сақланиш, кундузлари ишлаб, кечалари дам олиш, кам таъминланган оилаларнинг аъзоларини ўзига ишга олиш, ўз қўл остидаги ҳодимларга имкони борича қўй боқиш билан шуғулланиш, эзгу ва хайрли ишларга ҳомийлик қилишдир. Суннат амалларга оид Қуръони Каримнинг қатор оятлари бор. Хусусан, Қуръони Каримнинг “Тавба” сурасининг, 105-ояти: “Айтинг: “Ишлангиз! Албатта, Аллоҳ, Расули ва мўминлар ишларингизни кўражаклар [3, Б.203].; Мулк сурасининг 15-ояти: “У (Аллоҳ) сизларга Ерни хоксор (бўйсунувчи) қилиб қўйган зотдир. Бас, у (Ер)нинг хар томонида (саёхат, тижорат ёки дехқончилик қилиб) юраврингиз ва (Аллоҳнинг берган) ризқидан тановул қилингиз! (Қиёмат куни) тирилиб чиқиш Унинг хузуригадир [3, Б.563].

Исломда тадбиркорлик билан шуғулланувчи кишиларга бир қанча талаблар қўйилган бўлиб ҳалоллик талаби шулар жумласидандир. Тадбиркорлик билан шуғулланувчи кишининг фаолияти у ишлаб чиқарадиган маҳсулот, олиб келиб сотадиган товар-хомашёси ёки бошқа бир касб тури орқали юзага келувчи тадбиркорлик муносабатларининг объекти бўлган нарса албатта ҳалол бўлиши кераклиги ва ҳалол фаолият натижасида юзага келган бўлиши лозим. Тадбиркорлик билан шуғулланувчи кишиларнинг бу фаолиятдан топадиган даромадига қараб солиқ тўлаши амалиёти ҳам ислом ҳуқуқида кишиларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳуқуқининг қадрланишини кўрсатади [4, Б.120].

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, исломда мусулмон бўлмаган шахсларнинг ҳам тадбиркорлик билан шуғулланиш бўйича маълум ҳуқуқлари эътироф этилган. Бу ҳуқуқларни амалга ошириш асосан зиммийлар истиқомат қиладиган ҳудудлар билан боғлиқ. Дор ас-сулҳ – бу, мусулмонлар мамлакатигаги зиммий(христианлар ва яҳудий) лар истиқомат қиладиган ҳудуд бўлиб, бу ерда зиммийларнинг турмуш тарзи, оила-никоҳ, мерос, диний эътиқод билан боғлиқ муносабатлар христиан ва иудаизм қонун-қоидалари билан тартибга солинади. Ислоннинг илк даврида зиммийлар билан мусулмонлар ўртасида тузилган аҳдномага кўра, зиммийларнинг дини, ҳаёти, мол-мулки ва тинч-омонлигини таъминлаш мусулмонлар зиммасига, жизъя ва хирож солиғини тўлаш, мамлакатда ўрнатилган тартиб-қоидаларга риоя қилиш зиммийлар зиммасига юклатилган.

Шунингдек, зиммийларга мусулмонлардан фарқли ўлароқ ҳолда, маълум бир чекловлар ҳам жорий этилган. Хусусан, зиммийларнинг отда юриши, қурол-яроққа эга бўлиши, мусулмонларнингуйидан баландуяқуриши, мусулмонларга уйланиши, мусулмон қуллар олиши, мажлисларда мусулмонлардан юқорида ўтириши, мусулмонларнинг нафсониятига тегадиган ҳаракатларни қилиши(вино ичиш), Библияни баланд овоз чиқариб ўқиши, янги черков ва синагогалар қуриши таъқиқланади. Лекин, эски черков ва синагогаларни сақлаб қолишга рухсат берилади.

Ислом мусулмон бўлмаган озчиликларга Ислом давлати ҳудудида кўчиб юриш ва касб танлаш эркинлигини беради. Улар ўзлари хоҳлаган жойга кўчиб ўтишлари ва маълум чекловларга риоя қилган ҳолда яшашлари мумкин. Шундай чекловлардан бири мусулмонларнинг муқаддас жойларига кира олмаслигидир. Улар мусулмонларнинг муқаддас шаҳарларини зиёрат қилишлари мумкин, лекин у ерда доимий жойлаша олмайди. Яъни, бу ҳудудларда қандайдир мулкка эгалик қила олмайди.

Мусулмон бўлмаганларга давлатнинг умумий қонунига биноан мамлакатда эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи берилгани каби, уларга барча учун умумий бўлган муайян шартлар асосида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ҳолда хорижий мамлакатларга боришга рухсат берилган. Давлатдан ташқарида ҳам уларнинг хавфсизлиги мусулмонлар ва Ислом давлатининг зиммасидир. Бироқ, уларга Исломий давлатга душман бўлган давлат ёки давлатларга тадбиркорлик мақсадларида боришга рухсат берилмайди [5, Б.116].

Зиммийлар ҳам, мусулмонлар ҳам фуқаролик ишларида, савдо-сотик, ижара, фирмалар, қимматли қоғозлар компаниялари ташкил этиш, ипотека ва шартномалар каби молиявий операцияларда Ислом қонунларига бўйсундилар [6, Б.219].

Зиммийларга тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳуқуқи ислом қонунлари бўйича кафолатланган бўлиб, уларга муайян шартлар эвазига бу фаолият билан шуғулланишга рухсат этилган бироқ, исломда таъқиқланган товарларни мусулмон бозорларида сотмаслиги ҳамда талбиркорлик муносабатларида албатта ислом дини нормаларига амал қилиши лозимлиги белгиланган.

Зиммийларга савдо-сотик муносабатларида ўзаро зиммий билан зиммий ўртасидаги иқтисодий муносабатларда шароб, чўққа гўшти ва бошқа товарларни мусулмонларга очиқ-ойдин кўрсатмаган ҳолда сотишлари ва сотиб олишлари мумкин. Бироқ, мусулмон ва зиммий ўртасидаги муносабатларда бундай қилишга рухсат этилмайди. Айниқса, рибо масаласида юқоридаги ҳар икки турдаги муносабатларда бундай фаолият билан шуғулланиш қатъиян таъқиқланади.

Шунингдек, юқоридаги қоидадан келиб чиққан ҳолда мусулмонларнинг зиммийлар билан муносабатларида таъқиқланган фаолият турлари билан шуғулланиш ва бундай товарларни уларга сотиш ҳам таъқиқланган [7, Б.96-97].

Савдогарлик билан шуғулланувчи мусулмон бўлмаганларга ислом давлатининг бошқа ҳудудларида ҳам ўз фаолиятларини эмин-эркин амалга оширишлари учун мусулмонларнинг ваколатли вакили томонидан омонлик берилган. Омонлик берилганлигини тасдиғи сифатида қози омонлик тўғрисидаги ҳужжатнинг бир нусхасини омонлик олган мусулмон бўлмаган шахсга тақдим этган.

Ислом ҳуқуқида тадбиркорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилган. Агар мусулмон киши шариатга мувофиқ қайсидир тадбиркорлик фаолият тури билан шуғулланишни истасаю лекин унинг бу фаолиятга бўлган ҳуқуқлари чекланса ёки таъқиқланса унинг бузилган ҳуқуқлари қандай ҳимоя қилинган ёхуд тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши давомида унинг ҳуқуқлари бузилса мусулмон тадбиркор қандай йўл тутган деган саволларга ислом ҳуқуқи бўйича қуйидагича маълумотлар мавжуд.

Араб халифалигида ва кейинчалик ундан ажралиб чиққан мустақил мусулмон давлатларида фуқаролик ва жиноят ишлари асосан битта қози томонидан кўриб чиқилган ва тегишли қарор ёки ҳукм чиқарилган. Кейинчалик ўрта асрларга келибгина суд маҳкамасида ихтисослашув кузатилган яъни фуқаролик(маиший ва оилавий) ишларини алоҳида қозилар кўриши тартиби жорий этилган. Қозилик маҳкамаларида фуқаролик ишларини кўриш жараёни асосан даъвогарнинг даъво аризаси асосида бошланган.

Ислом ҳуқуқи бўйича агар мусулмоннинг ёки ғайридиннинг тадбиркорлик ва мулкӣ масалалар билан боғлиқ низолари бўлса даъво аризаси билан фуқаролик қозиларига мурожаат қилган. Даъво аризасида даъвогарнинг исми-шарифи, жавобгарнинг исми-шарифи, зарар даъвогарга қачон, қаерда, қандай шароитда, ҳолатда, нима билан етказилгани кабилар ўз аксини топиши лозим бўлган.

Ҳуқуқлари бузилган шахс қайси дин вакили бўлишидан қатъий назар масала ислом шариати қонун-қоидаларига мувофиқ кўриб чиқилиб қарор ёки ҳукм чиқарилган. Агарда мусулмонга савдо ва тадбиркорлик масалалари билан боғлиқ муносабатларда қандайдир зарар етказилган ёки ҳуқуқлари бузилган бўлса у фуқаролик қозиларига мурожаат қилишга ҳақли бўлган [8, Б.68].

Тадбиркорлик билан шуғулланувчи мол-мулкка эга бўлган мусулмон кишига нисбатан унинг тадбиркорлик фаолиятини давом эттиришига монельлик қилувчи мулкӣ зарар етказилса, яъни унинг мол-мулки ўғирланса, унга нисбатан фирибгарлик қилинса ёки савдо билан шуғулланиши учун бошқа турдаги ислом дини нормаларига зид ҳатти-ҳаракатлар(ҳуқуқбузарликлар) содир этилса буларга қуйидагича жавобгарлик турлари белгиланган. Биринчиси, жиноий жавобгарлик кейингиси фуқаролик жавобгарлиги. Жиноий жавобгарликка тортиладиган шахс у мусулмон бўладими ёки ғайридинми барчага ислом шариати нормалари бирдек амал қилади. Жиноий жавобгарлик келиб чиққан ҳолларда томонлар ўртасида сулҳ тузилиши жазонинг енгиллашишига олиб келмаган. Фуқаролик жавобгарлигида эса томонлар ўртасида сулҳ тузилган тақдирда иш келишув билан яқунланган.

Ислом ҳуқуқида давлат, жамоат, алоҳида шахслар шу жумладан, тадбиркорларга тегишли мулкларни ўғрилар, босқинчилар ва талончилардан муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилган. Ўғрилик Ислом жиноят ҳуқуқига кўра ҳадд жиноятлари таркибига киради. Манбаларда таъкидланишича: “Ўғрилик – ақлли, болиғ кимсанинг иккинчи бир кишининг баҳоси ўн дирҳам тангалик қадари молини яширин ё зулм билан олиб кўйишдир [9, Б.96]”.

Ўғрилик Ислом ҳуқуқи бўйича жиноий жавобгарликни келтириб чиқариб унга Қуръони Каримнинг Моид сураси 38-оятда қуйидагича жазо берилиши белгиланган: “Ўғри эркак ва ўғри аёлнинг – қилмишларига яраша жазо ва Аллоҳдан берилган азоб сифатида – қўлларини кесингиз [3, Б.114]”.

Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан ривоят қилинган ҳадисларда ҳам ўғрилик жинояти ва уни содир этганларни жазолаш ҳақида қуйидагича қоидалар баён этилган: “Ўғри – ўғрилик қилаётган вақтида мўмин бўлмаган ҳолда ўғрилик қилади”; “Пайғамбар(с.а.в.) қиймати уч дирҳам қалқон сабабли (қўлини) кесганлар”; “Расулulloҳ (с.а.в.) чорак динор ва ундан қийматли нарсалар учун ўғрининг қўлини кесар эдилар”; “Чорак динор(уч дирҳам) сабабли (ўғрининг қўлини) кесинглар”; “Аллоҳ ўғрини лаънатласин: дубулға ўғирлайди-да, қўли кесилади, арқон ўғирлайди-да, қўли кесилади”; “Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, агар ўғри Муҳаммаднинг қизи Фотима бўланида ҳам, албатта, қўлини кесган

бўлардим [10, Б.186-187]”.

Мусулмон киши ва ғайридинлар ҳам молининг ўғирланганини ҳақида қозига шикоят қилади. Иш судда кўриб чиқилиб, айбдорнинг айби исботланса унга нисбатан юқоридаги жазо тури қўлланилади. Абу Ҳанифа мазҳаби бўйича етказилган зарарни қоплаш масаласида агар ўғирланган мол-мулк ўғрининг қўлида бўлса уни эгасига қайтариб берган. Агар йўқ бўлса унинг учун товон тўламайди. Шофёий таълимотига кўра бундай ҳолда товон тўлаши белгиланган.

Яна бир ҳолат тадбиркорлик мақсадларида сафарга чиқиб товарлар олиб келувчиларга нисбатан босқинчилик қилинса яъни, мол-мулкни қўрқитиб, куч ишлатиб олиб қўйилса босқинчилик қилиб қўлга тушган шахс одам ўлдирмаган бўлса, олиб қўйган молининг қиймати ўн дирхамдан кўп бўлса, унинг ўнг қўли биллагидан кесилган. Агар босқинчилик қилиб одам ўлдирган бўлса, унга нисбатан осиб ўлдириш жазоси қўлланилган.

Ўзгалар мулкига ҳар қандай кўринишда зарар етказиш, моли нисобга етган тадбиркор ёки савдогарларнинг закот тўламаслиги, битим ва шартномалар бўйича мажбуриятларни бажармаслик, савдода ёки тадбиркорликда товарни кам ўлчаб сотиш ёки оғирликдан кам тортиш, фирибгарлик, порахўрлик, давлат ёки етимлар мулкани талон-тарож қилиш, жодугарлик ва сеҳргарлик билан шуғулланиш, тадбиркорларнинг сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқариши ва сотиши буларнинг барчаси ислом ҳуқуқи бўйича таъзир жиноятлари таркибига киритилган.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, таъзир турдаги жиноятлар учун ислом ҳуқуқи манбаларида, хусусан, Қуръони Карим ва Суннада аниқ жазо чоралари белгиланмаган бўлса-да, уларда бундай қилмишлардан қайтарувчи, уларни қораловчи, маъқулламайдиган, уларга салбий муносабат билдирувчи нормалар учрайди. Жумладан, битимлар бўйича мажбуриятларни бажариш кераклиги ҳақида Қуръони Каримнинг Моида сураси 1-оятда: “Эй, имон келтирганлар! Битимлар (аҳдлар)га вафо қилингиз!”; “Аҳдга вафо қилингиз! Зеро, аҳдпаймон (қиймат куни) сўраладиган ишдир.” Айни шу суранинг 35-оятда савдо-сотик ва тадбиркорликда тўғри ўлчаш ва тўғри тортиш ҳақида “(Савдо-сотикда) ўлчаган вақтларингизда ўлчовни тўла-тўкис қилингиз ва тўғри тарозида тортингиз! Мана шу яхши ва чиройли ечим(ҳукм)дир”, - дейилган. Мутаффифун сураси 1-3-оятлари: “(Ўлчов ва тарозидан) уриб қолгувчи кимсаларга ҳалокат бўлмай! Улар одамлардан (бирон нарсани) ўлчаб олган вақтларида тўла қилиб оладиган, уларга ўлчаб ёки тортиб берган вақтларида эса кам қилиб берадиган кимсалардир.” Аҳдига вафо қилмаганлар ҳақида Муҳаммад (с.а.в.) шундай деганлар: “Тўрт (хислат бор), улар кимда бўлса, аниқ мунофиқ бўлибди. Кимда улардан биттаси бўлса, то уни ташламагунича, унда мунофиқликдан бир хислат бўлади: омонат топширилса, хиёнат қилади; гапирса, ёлгон гапиради; аҳдлашса, аҳдни бузади; жанжаллашса, фожирлик қилади.” Закот бермасликнинг салбий оқибатлари хусусида Қуръони Каримнинг “Оли имрон” сураси 180-оятда “Аллоҳнинг фазли билан берган нарсаси (бойлиги)дан бахиллик қилувчилар буни ўзларига яхши деб ҳисобламасинлар! Асло! Бу улар учун ёмондир. Қиймат куни бахиллик қилган нарсалари (ўз бўйинларига) бўйинтуруқ қилиб илиб қўйилади. Осмонлар ва Ернинг мероси Аллоҳга (колур). Аллоҳ қилаётган ишларингиздан хабардордир.”(Оятга берилган шарҳга кўра, унда “бойлиги шариатда белгиланган нисоб миқдорига етган бойларнинг закот беришга бахиллик қилишлари ўзлари учун нақадар зарарли экани таъкидланмоқда [10, Б.185]”).

Ислом динида алдов, фирибгарлик, бировни чув тушуриш, савдо-сотикда алдамчилик каби иллатлар қораланади. Пайғамбаримиз (с.а.в.): “Ким одамларнинг молини қайтариб бериш мақсадида олса, Аллоҳ таоло унга ёрдамчи бўлади. Ким одамларнинг молига талофат етказиш (чув тушуриш) учун олса, Аллоҳ таоло унинг ўзига талофат етказди” , - деганлар (Имом Бухорий ривояти). Савдо-сотик вақтида харидорга фириб бериш, масалан, айбли молни айбини яшириб сотиш ёки сохта молни асл мол, деб сотиш энг оғир гуноҳдир. Қуйидаги ҳадис бунга очик далил бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам дон сотаётган одамнинг ёнидан ўтиб қолибдилар. Унинг дони орасига

қўл тиқиб кўрсалар, намланиб қолган экан. “Бу нимаси?”, деб сўрадилар. Сотувчи: “Эй Расулуллоҳ, унга ёмғир тегибди”, деди. Шунда Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи вассаллам: “Уни устига чиқариб қўймайсанми, одамлар кўрар эди”, дедилар ва “Ким бизни алдаса, у биздан эмас”, дедилар [11](Имом Ҳоким ривояти).

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, таъзир жазоларига айнан қандай жазолар киради деган масалада ислом ҳуқуқшунослари фикри хилма-хил. Ислом ҳуқуқига оид манбаларда таъзир жазолари сифатида қамчи ёки дарра билан уриш, озодликдан маҳрум қилиш, жарима, сургун, бадарға, салла ўраб юриш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, оғзаки огоҳлантириш, соқолини қириб олиш, юзига қора суртиб ёки ярим ялонғоч ҳолда айбдорни шаҳар кўчалари бўйлаб айлантириш, уч кунгача овқат-сув бермасдан устунга боғлаб қўйиш, жамоат иззаси, мол-мулкни йўқ қилиб ташлаш, айбдорнинг маълум бир муддатгача бирор жойга боришини(кетилишини) таъқиқлаш кабилар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган. Таъзир жазоларини тайинлашда ҳуқуқбузарликнинг хавфлилик даражасига қараб, унинг жамият, давлат ва шахсга қай даражада зиён етказганлигига қараб тайинланган. Қандай турдаги жазо чораси қўлланилишини қози шуларга асосланиб ҳал қилган [9, Б.163].

Тадбиркорлардан ундириладиган солиқ масаласида шахс шуғулланаётган тадбиркорлик фаолият турида мол-мулкнинг тури, шакли, миқдорига қараб турлича тўловлар ундирилиши белгиланган. Сотиш учун тайёрланган кийим-кечак, зеб-зийнат буюмлари, уй-жой жиҳозлари, аёлларнинг тақинчоқлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, боқилган уй ҳайвонлари, дурадгорлик маҳсулотлари, газламалар, қурилиш ва хўжалик моллари ва бошқа шариатда сотишга руҳсат этилган нарсаларни пулга чаққанда нисобга етса, бир йил тўлиқ ўтса, қарздан ҳоли бўлса, тадбиркорлик молининг эгаси ва унинг оиласининг йиллик эҳтиёжидан ортиқ бўлса, ана шу ортиқ қисмининг умумий нархи икки юз дирҳамни ташкил қилса, ундан икки ярим фоизи закот сифатида берилади. Ислом ҳуқуқий бўйича сотиш учун ишлаб чиқарилган барча моллардан: ҳунармандлар томонидан ясалган анжомлардан, кийим-кечак, мато-газлама, дон-дун, мева-чева, сотиш учун харид қилинган моллардан ва бошқалардан закот берилади [12, Б.54].

Маълумки чорвачилик билан шуғулланиш ислом дини арконларига мувофиқ энг талабгир ва олди-сотдиси чаққон тадбиркорлик тури ҳисобланган. Чорвачилик билан шуғулланувчи кишидан закот солиғи ундирилган. Закот ундириладиган чорва моллари қаторига ярим йилдан ортиқ яйловлар ва ўтлоқларда текинга ва наслини қўпайтириш мақсадида боқиладиган туя, қўй-қўчқор, эчки-така, сигир-бузоқ ва отлар киради. Чорва моллари шерикчилик асосида бир неча кишиники бўлса, улардан закот ундирилиши масаласида суннийлик мазҳаби вакиллари ўртасида яқдиллик йўқ. Ҳанафий мазҳаби вакиллари фикри бўйича, чорва моллари шерикчилик асосида бир неча кишиники бўлиши закот ундиришга таъсир қилмайди. Шерикларнинг ҳар бири ўз улуши нисоб миқдорига етса, ундан закот беради. Туялардан ундириладиган закот бўйича тартиб қуйидагича: етиштирилаётган туялар сони бештадан ошса нисобга етган ҳисобланиб, ундан закот берилади. Жумладан, 5-9 туядан бир қўй, 15-24 туядан уч қўй, 25-35 туядан икки ёшга қадам қўйган урғочи туя, 36-45 туядан уч ёшга кирган бир урғочи туя тўланиши тартибида бўлган. Туя сони ошиб боришига қараб тўланадиган закот миқдори юқоридаги тартибга мутаносиб тарзда ошиб борган. Ислом ҳуқуқи бўйича сигирлардан закот ундиришнинг қуйидагича тартиби белгиланган: сигирлар сони 30 тагача бўлса закот ундирилмайди; 30-39 та сигирдан икки ёшга ўтган битта буқача ёки танача закот сифатида берилади; сигирлар сони қирқтага етса, уч ёшга ўтган буқача ёки ғунажин закот сифатида ундирилади. Бунда ҳам сон ошгани сари юқоридаги тартибга мувофиқ закот ҳам ошиб борган. Қўй-эчкилар 40 тадан кам бўлса закот ундирилмайди. 40-120 тагача бўлса битта қўй ёки эчки закот сифатида берилган. 121-200 та бўлса иккита қўй ёки эчки, 400 дан ортиқ ҳар 100 та қўй-эчки учун алоҳида бир дона қўй ёки эчки закот сифатида ундирилади. Отлардан закот ундиришда Абу Ҳанифа (р.а.) қуйидаги ҳадисга асосланади: Муҳаммад (с.а.в.): Ҳар бир от учун бир динор ёки ўн дирҳам закот берилади” , - деганлар [12, Б. 40].

Ислом ҳуқуқи бўйича ҳар бир мусулмон киши, айрим ҳолларда, зиммий ва омонлик асосида мусулмон давлати ҳудудида вақтинчалик истиқомат қилиб, у ёки бу турдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган ғайридин ёки ҳеч бир динга эътиқод қилмайдиган ўз ҳуқуқ ва эркинликларини бузилган деб ҳисоблаган шахс уларни тиклаш ёки кўрилган зарарни қоплашни сўраб қозига ёки суд ҳокимиятини амалга оширувчи бошқа мансабдор шахс – давлат бошлиғи ёхуд волийга даъво аризаси билан мурожаат қилиши мумкин. Ушбу ҳолатда фуқаролик жавобгалиги юзага келади. Жавобгар етказилган зарарни қопласа ва даъвогар даъвосини қайтиб олса ўзаро сулҳ тузилган ҳисобланиб жазо чораси қўлланилмаган.

Мовароуннаҳрлик фақиҳлар қозиларга ўз касбининг устаси бўлмаган, сохта косибларнинг ушбу касб билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этишни тавсия қилганлар. Бундай касб эгаларига ўз вазифасига лоқайд, бепарво бўлган муфтийларни, жоҳил табибларни, касодга учраган даллолар, савдогарлар ва киракашларни ҳамда тадбиркорлик билан шуғулланувчи бошқа касб эгаларини киритишган. Бундай таъқиқ абадий бўлмасдан маълум бир муддатга бўлган. Мисол учун, агар косиб ёки савдогар ўз фаолиятига жиддий муносабатда бўлиб, касбини ардоқлаб, унинг қадрига етиб, тўғри йўлни танласа, ўз касбининг устаси эканини намойиш этса, таъқиқ бекор қилинган [8, Б.76].

Исломда тадбиркорлик билан шуғулланувчилар фаолиятида белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилинишини тартибга солиш ва назорат қилиш билан шуғулланувчи давлат амалдори мавжуд бўлиб у муҳтасиб деб номланган. Муҳтасибнинг асосий вазифалари этиб кўча ва бозорларда ислом тартиб қоидаларига амал қилинишини назорат қилиш ва кузатиш, савдогар ва тадбиркорларнинг тош ва тарозиларини, хунармандлар тайёрлайдиган маҳсулотлар сифатини, нарҳ-навони белгиланган миқдордан оширилмаслигини, ҳаридорлар ҳаққига хиёнат қилинмаслигини текшириш билан шуғулланган [13, Б.48].

Юқоридагилардан шуни хулоса қилишимиз мумкинки, ислом динида кишиларнинг ишбилармонлик ва тадбиркорлик билан шуғулланиши учун уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ тарзда ҳимоя қиладиган ҳуқуқий нормалар мавжуд бўлган. Савдосотиқ ва тижорат муносабатларини нафақат ислом диёрида балки ислом диёрдан ташқарида ҳам ривожлантириш учун тадбиркорларга ўз фаолиятини айрим шартлар асосида минтақавий ва халқаро миқёсда ривожлантиришга ҳам имкон берилган. Мусулмон кишининг тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳуқуқини амалга оширишда унга нисбатан қўйилган талаблар шариат талаб қилган даражада муҳофаза ҳам этилган. Тадбиркорлик билан шуғулланувчи мусулмонга ёки бошқа дин вакилларига шариат қоидалари бирдек амал қилган. Шунинг билан биргаликда уларнинг ҳуқуқлари ҳимоясида ҳам тенглик бўлганини кўришимиз мумкин. Умуман олганда ислом шариати бўйича амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти бугунги кунда катта таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолда тадбиркорнинг банкрот бўлишини олдини олиш ва зарарни камайтиришга қаратилган фаолият билан шуғулланишга ундайди. Бу ҳақда Ислом молияси орқали кўплаб маълумотлар олиш мумкин. Айнан шу ва юқоридаги қоидаларни Ислом шариатида инсоннинг иқтисодий ҳуқуқлари ҳурмат қилинишини ва уларнинг олий қадрият эканлигини кўрсатувчи асосий индикатор қадриятлар сифатида қайд этишимиз мумкин.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. M. Kabir Hassan and William J. Hippler, III. Entrepreneurship and Islam: An Overview, ECON JOURNAL WATCH 11(2) May 2014: 170-178. URL: <https://econjwatch.org/articles/entrepreneurship-and-islam-an-overview>;
2. Шайх Абдулазиз Мансур. Исломда тадбиркорлик ва тижорат одоблари Т: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи. 2016. – 74 бет.
3. Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Т: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004. – 617 бет.

4. Тошқулов. Ж. Исломда халқаро муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари. Т.: “Complex print” нашриёти. 2021. – 304 бет.

5. Prof. Dr. Muhammad Nazeer Kaka Khel . (2006) THE RIGHTS OF NON-MUSLIMS IN ISLAMIC STATE , The Dialogue, Volume 1, Issue 2. 2006. – 109-129 pages. Available at: <https://tehqeegat.org/english/articleDetails/35716>;

6. RUDI, Rudi; SURYAMAN, Yaman. The Rights of Non-Muslims in an Islamic State. Istinbath | Jurnal Penelitian Hukum Islam, [S.l.], v. 15, n. 2, 213-226 pages, jan. 2017. ISSN 1907-8064. Available at: <https://riset-iaid.net/index.php/istinbath/article/view/28>. DOI: <https://doi.org/10.36667/istinbath.v15i2.28>.

7. Saleh Sherief Kemeil, The Non-Muslims Economic Activity in the Islamic State (Jurisdiction) study, An-Najah University Journal for Research - B (Humanities), Volume 15, Issue 1, Nablus, Palestine, 2001. – 89-142 pages. Available at: <https://journals.k.najah.edu/journal/anujr-b/issue/anujr-b-v15-i1/article/882/>;

8. Тошқулов Ж. Ислом суд ҳуқуқи: ўқув қўлланма. Т.: “Complex print”, 2021. – 168 бет.

9. Тошқулов Ж. Исломда жиноят ҳуқуқи. Ўқув қўлланма. Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси. 2018. – 255 бет.

10. Ҳадислар олинди: Имом Ҳофиз Шамсиллик Заҳабий. Таржимон: Дилмурод Қўшоқов. Гуноҳи кабиралар(Катта гуноҳлар). Т.: “Ғафур Ғулом” нашриёти, 2020. – 256 бет.

11. Интернет материалларидан фойдаланилди: ФИРИБГАРЛИК ҲАҚИДА www.islommoliyasi.uz web sayti. Батафсил қаранг: URL: <https://islommoliyasi.uz/uz/firibgarlik-haqida/>;

12. Тошқулов Ж. Исломда солиқ ҳуқуқи. Ўқув қўлланма. Т.: Тошкент ислом университети нашриёт бирлашмаси. 2017. – 174 бет.

13. Тошқулов Ж. Ислом давлат ҳуқуқи: Монография. Т.: “IMPRESS MEDIA” нашриёти, 2022. – 336 бет.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

УЛУГБЕКОВ Баходир Абдасович
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти
бошлиғи ўринбосари

ШАЪН, ҚАДР-ҚИММАТ ВА ИШЧАНЛИК ОБРЎСИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ ВА ШАРТЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): УЛУГБЕКОВ Б.А. Шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий табиати ва шартлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2023) Б. 42-49.

 5 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-5-5>

АННОТАЦИЯ

Мақолада фуқаролик ҳуқуқида инсоннинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишнинг юридик жиҳатларини таҳлил қилади. Хусусан, назария ва амалиётда шахсий номулкий ҳуқуқларнинг ҳимояси билан боғлиқ масалалар, шаън, қадр-қиммат, ишчанлик обрўсининг ҳуқуқий категория сифатида тартибга солинишида баҳсли ҳолатларнинг мавжудлигини кўрсатиб асослайди. Шаън қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини бадном қилувчи маълумотларни тарқатиш ҳамда сўз эркинлиги чегараларини аниқлаш, ишчанлик обрўси тушунчасининг юридик адабиётларда фақат тадбиркорлик фаолияти субъектларига нисбатан қўлланилиши шу билан бирга шаън, қадр-қимматни ҳимоясида зиённи қоплаш муаммоларига эътибор қаратади. Шунингдек, шахснинг яхши ном ва обрўга бўлган ҳуқуқи борасидаги нормалар таҳлил этилади ҳамда ушбу тушунчаларни ишчанлик обрўси билан кенг маънода қўллаш билан боғлиқ тавсиялар келтирилади. Мақолада шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилишдаги учта шартнинг мавжуд бўлиши ҳақида таҳлил келтирилади ҳамда тегишли ҳулосалар асосида таклифлар берилади.

Калит сўзлар: фуқаролик ҳуқуқи, шаън, қадр-қиммат, ишчанлик обрўси, шахсий номулкий муносабатлар, номоддий неъматлар, ҳуқуқий ҳимоя, ҳуқуқий тартибга солиш, қонун, норма.

УЛУГБЕКОВ Баходир Абдасович
Заместитель начальника Института повышения квалификации
МВД Республики Узбекистан

ПРАВОВАЯ ПРИРОДА И УСЛОВИЯ ЗАЩИТЫ ЧЕСТИ, ДОСТОИНСТВА И ДЕЛОВОЙ РЕПУТАЦИИ

АННОТАЦИЯ

В статье автор анализирует правовые аспекты защиты чести и достоинства человека в гражданском праве. В частности, обосновываются вопросы, связанные с защитой личных неимущественных прав в теории и на практике, показывая наличие спорных

ситуаций в регулировании чести, достоинства, деловой репутации как правовой категории. Распространение сведений, порочащих достоинство и деловую репутацию и определяющих границы свободы слова, применение понятия деловой репутации в юридической литературе только к субъектам предпринимательской деятельности, в то же время обращает внимание на проблемы компенсации за ущерб при защите чести и достоинства. Также в статье анализируются нормы, касающиеся права человека на доброе имя и репутацию, и даются рекомендации, связанные с применением этих понятий в широком смысле деловой репутации. В статье дан анализ трёх условий защиты чести, достоинства и деловой репутации и на основании соответствующих выводов сделаны предложения.

Ключевые слова: гражданское право, честь, достоинство, деловая репутация, личные неимущественные отношения, нематериальные блага, правовая охрана, правовое регулирование, закон, норма.

ULUGBEKOV Baxodir

Deputy Head of the Institute for Advanced Studies of the MIA
of the Republic of Uzbekistan

LEGAL NATURE AND CONDITIONS FOR PROTECTING HONOR, DIGNITY AND REPUTATION

ANNOTATION

In the article, the author analyzes the legal aspects of protecting the honor and dignity of a person in civil law. In particular, issues related to the protection of personal non-property rights in theory and practice are substantiated, showing the presence of controversial situations in the regulation of honor, dignity, and business reputation as a legal category. The dissemination of information discrediting dignity and business reputation and defining the boundaries of freedom of speech, the application of the concept of business reputation in legal literature only to business entities, at the same time draws attention to the problems of compensation for damage when protecting honor and dignity. The article also analyzes the rules relating to the human right to a good name and reputation, and provides recommendations related to the application of these concepts in the broad sense of business reputation. The article provides an analysis of three conditions for the protection of honor, dignity and reputation and, based on the corresponding conclusions, proposals are made.

Keywords: civil rights, honor, dignity, business reputation, personal non-property relations, intangible benefits, legal protection, regulation, law, norm.

Жамиятда рақамлаштириш жараёнида ахборот хавфсизлиги, кибермаконда инсон ҳуқуқларини ҳимояси масаласи бугунги кундаги долзарб мавзулардан бирига айланиб бормоқда. Ижтимоий тармоқлар, турли месенжер ва сайтларнинг тобора кўпайиб кундалик ҳаётимизнинг барча жиҳатларига чуқурроқ кириб борар экан, унда инсон қадрини асраб аввайлаш ва шаъни, қадр-қимматини ҳимоя қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу борада қонунчилик ҳужжатларини рақамлаштириш жараёнига уйғун тарзда такомиллаштириб бориш муҳим, айниқса шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилиш шартларини таҳлил қилиш ҳам аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қончилигида шаън, қадр-қимматга тажовуз қилганлик учун жиноий жавобгарлик тўхмат, ҳақорат қилишкаби ҳаракатлар учун ўрнатилган. Бугунги кунда Ички ишлар вазирлигининг таҳлилларига кўра, ахборот технологияларидан фойдаланган тарзда фуқароларнинг шахсий номулкий ҳуқуқларига қарши қаратилган жиноятлар учун жиноий жазо тайинланган. Хусусан, 2023 йилнинг 6 ойи давомида республика бўйича жами рўйхатга олинган жиноятлар сони 49 541 тани ташкил қилиб, шундан 6,1 фоизи ёки 3027 таси ахборот технологиялари соҳасида содир

этилган жиноятларни ташкил қилган. Ушбу жиноятларнинг 35 таси нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган тарзда, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштириш орқали тухмат қилиш, 82 таси эса, нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган тарзда, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштириш орқали ҳақорат қилиш ташкил этган [1]. Шу ўринда суд амалиётига оид очиқ маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, шаън, қадр-қиммат, ишчанлик обрўси билан боғлиқ ишлар ва маънавий зиённи қоплашга оид ишлар фуқаролик судида жиноят ишларига нисбатан камлигини кузатиш мумкин [2].

Шу нуқтаи назардан, шаън, қадр-қиммат, ишчанлик обрўсини фуқаролик ҳуқуқий ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг шартларини фуқаролик ҳуқуқий нуқтаи назардан таҳлил қилиш, ҳамда бу борадаги муаммолар ечимига эътибор қаратиш муҳимдир.

Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаб ўтганларидек, “Янгиланган Конституция мамлакатимизнинг узоқ муддатли тараққиёт стратегиялари, умуман юртимиз ва халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли кафолат яратиши лозим. ‘Инсон қадрлари учун’ ғоясини ҳамда ҳозирги ислохотларимизнинг бош тамойили бўлган ‘Инсон – жамият – давлат’ деган ёндашувни Конституциямизнинг мазмунига чуқур сингдириб, амалий ҳаётимизда бош қадриятга айлантиришимиз зарур. Яъни инсоннинг қадр-қиммати, шаъни ва ғурури бундан буён барча соҳаларда биринчи ўринда туриши керак” [3].

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг номоддий неъматларини, хусусан, шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини суд орқали ҳимоя қилиш инсон ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш, шунингдек, шахснинг обрўсига ва шаънини камситиш оқибатларини бартараф этишга қаратилган қонунчилик чоралари тизими тушунилади. Суд ҳимояси ҳуқуқи жисмоний ёки юридик шахснинг фуқаролик процессида бир қатор ваколатлар орқали амалга ошириладиган субъектив конституциявий ҳуқуқи ҳисобланади. Хусусан, Бош Қомусимизнинг 13-моддасида, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланиши, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши, уларнинг барчаси Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиниши мустаҳкамлаган. Бу ўз навбатида мазкур тоифадаги номоддий неъматларнинг ҳимоя объекти эканлигини намоён қилади. Ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқи ва эркинликларини қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай воситалар билан ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга ва суд орқали ҳимояланиш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан кафолатланади.

Шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий табиати ушбу номоддий неъматларнинг мазмуни ва уларни ҳимоя қилишнинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. Маълумки, номоддий неъматлар сифатида шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўси фуқаролик ҳуқуқида алоҳида институтни ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 2-моддаси 1-бандига мувофиқ шахсий номулкий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқини тартибга солиш предметига киради. Шахсий номулкий ҳуқуқлар деганда, “фақат фуқарога тегишли бўлган, унинг шахсияти билан чамбарчас боғлиқ бўлган, лекин ҳеч қандай иқтисодий мазмунга эга бўлмаган манфаатлар” тушунилади [4, Б.42-44].

Ўз навбатида, номоддий неъматлар шахсий ва номулкий ҳуқуқларнинг объекти сифатида намоён бўлади. М.Н.Малеина фикрига кўра, моддий неъматлар “индивидуал ва ижтимоий маънавий қийматга эга, аниқ кўрсаткичларга эга бўлмаган, шахснинг ҳаёти давомида шахсдан ажралмас субъектив шахсий номулкий ҳуқуқ объекти” дир [5, Б.40-47].

Фуқаролик ҳуқуқи назарияси [6] да номоддий неъматлар ва улар билан боғлиқ шахсий номулкий ҳуқуқлар ҳақида икки хил фикр мавжуд. Айрим олимларнинг фикрича, шахсий номулкий ҳуқуқлар фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинмайди, улар фақат ҳимоя қилинади. Ушбу фикр тарафдорлари О.С.Иоффе [7], В.С.Толстойлар

[8] ҳисобланади. Бошқа цивилистлар эса ҳуқуқларни тартибга солиш ва ҳимоя қилиш масалаларини алоҳида кўриб чиқишнинг нотўғри эканлигини, хусусан, ҳимоя қилиш воситасининг қонунчиликда акс эттирилганлигининг ўзи шахсий номулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш фуқаролик ҳуқуқи томонидан тартибга солинаётганлигини билдиради деб таъкидлайдилар. Мисол учун, К.Б.Ярошенко тартибга солишни “шахснинг ҳуққ атворида таъсир қилиш” деб ҳисоблайди ва ҳуқуқларни ҳимоя қилиш одатда хатти-ҳаракатларни амалга оширишга мажбурлашда ифодаланганлиги сабабли, бу тартибга солиш имкониятларидан бири эканлигини тан олиш кераклигини айтиб ўтади. Т.В. Черкасова [9] бу фикрга қўшилмайди, унинг таъкидлашича, “тартибга солиш” тоифасига энг анъанавий ёндашув унинг ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини таърифи сифатида тушуниши керак деб фикр билдиради.

Академик Ҳ. Раҳманкулов [10, Б.281] номоддий неъматлар инсоннинг ижтимоий муҳитда мавжудлиги билан боғлиқ ва унга қонунга мувофиқ тегишли бўлиб ҳисобланади, деб таъкидлайди. Бу шаън ва қадр-қиммат, шахсий ва оила сири кабилардир. Инсон бошқаларда ўзига тегишли бўлган сифатлари билан, ижтимоий бурчини адо этиш даражаси билан қизиқиш уйғотади. Инсонда бошқа одамларга нисбатан ҳурмат, хайрихоҳлик, олийжаноблик, меҳр-шафқат туйғулари ва бошқа ижобий хусусиятлар қанчалик ривожланган бўлса, жамият учун у шунчалик кўпроқ қимматга эга бўлади ва шаън, қадр-қиммат, ишчанлик обрўси каби ахлоқий мезон ёрдамида шунчалик юқори баҳо олади. Инсон қардр-қимматининг шаклланишида унинг ўз атрофидаги борлиққа муносабати, ўз теварагидаги жамоа билан ўзаро муносабати муҳим ҳисобланади. Жамият ҳар бир алоҳида шахсга баҳо беришида инсон қадр-қиммати мезон бўлиб ҳисобланади. Шаън деганда, инсонга бериладиган муайян ижобий ижтимоий баҳо ёки унинг қадр-қиммати бошқа кишилар онгидаги инъикоси англанилади. Фуқаронинг шаъни ва қадр-қиммати билан бир қаторга унинг ишчанлик обрўси қўйилган. Бу нарса фақат фуқаролар учунгина хос бўлмай, балки юридик шахсларга ҳам тегишлидир. Бозор ва рақобат шароитида обрў-эътибор тадбиркорлик дунёсида юқори баҳоланади. Ишчанлик обрўси фуқаронинг ёки юридик шахснинг касбий, ишлаб чиқариш, воситачилик, савдо ва бошқа фаолиятлари жараёнида шаклланади.

Фуқаролик ҳуқуқи шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўси каби шахсий номулкий муносабатларни уларга бузулиши, путур етказилгунига қадар мазкур ҳуқуқларни бузишдан тийилиш каби умумий мажбурият орқали ҳимоя қилади. Уларнинг бузулиш пайтидан бошлаб фуқаролик ҳуқуқи нормалари юзага келган муносабатларни тартибга солиши мумкин бўлади. Шаън, қадр-қиммат, ишчанлик обрўси каби ҳуқуқлар шахсий инсон ҳуқуқлари бўлиб улар бузулишидан қатъий назар доимий амал қилувчи ҳуқуқлар ҳисобланади, чунки уларга бўлган ҳуқуқ бузиш пайтида вужудга келмайди балки, мазкур ҳуқуқни ҳимоя қилиш вужудга келади. Мазкур ҳуқуқларга эгалик қилиш ҳуқуқи шаън, қадр-қиммат, ишчанлик обрўсининг учинчи шахслардан мустақил равишда эга бўлиш имкониятининг мавжудлиги ва исталган юридик ва жисмоний шахсдан ушбу неъматларни бузилмаслигини талаб қилишда ифодаланади. Соддароқ қилиб айтганда, шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсига эга бўлган субъект ўзини қандай баҳолаши ва ўзгарлар уни қандай баҳолашидан қатъий назар улар давлат ва жамият томонидан ҳимоя қилинадиган қадриятлар ҳисобланади [11].

Б.М. Ҳамракулов таъкидлашича, субъектив фуқаролик ҳуқуқлари ва қонун муҳофазасидаги манфаатларни ҳимоя қилиш қонунчиликда белгиланган тартибда, яъни ҳимоянинг тегишли шакли, воситаси ва усулларида фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Ҳимоя шакли деганда субъектив ҳуқуқлар ва қонун муҳофазасидаги манфаатларни ҳимоя қилиш бўйича келишилган ташкилий-ҳуқуқий чоралар мажмуаси тушунилади [12, Б.60].

Шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилишнинг моҳияти қуйидаги ҳуқуқий асосларда ўз аксини топади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 11-моддасида фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари келтириб ўтилади, шахснинг ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қилиш усули бўлиб ҳисобланади. Шунингдек,

Фуқаролик кодекснинг 100-моддасига кўра, ўзининг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар тарқатилган фуқаро бундай маълумотлар рад этилиши билан бир қаторда уларни тарқатиш оқибатида етказилган зарарлар ва маънавий зиённинг ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақлидир. Айтиб ўтиш лозимки, шахснинг номулкий ҳуқуқлари бузилганда ва шахснинг номоддий неъматларига тажовуз қилинганда маънавий зарарни қоплаш асосий ҳимоя усулларида бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1992 йил 19 декабрдаги “Суд амалиётида фуқаро ва ташкилотларнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунларни қўллаш тўғрисида”ги 5-сонли Қарорининг [13] 13-бандида агар шаъни, қад-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш ҳақидаги даъво билан бир вақтда даъвогар томонидан шу бадном қилувчи маълумотлар тарқатилганлиги оқибатида етказилган моддий зарарни ёки маънавий зиённи ундириш тўғрисида ҳам талаб қўйилган бўлса, суд бу талабни Фуқаролик кодексининг 985-моддасига мувофиқ ҳал этилиши ҳақида тушунтириш бериб ўтилади.

Фуқаролик кодексининг 1021-моддаси 2-қисмига биноан агар зарар қадр-қиммат ва ишчанлик обрў-этиборини ҳақоротловчи маълумотларни тарқатиш туфайли етказилган бўлса, маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъи назар, қопланишини назарда тутиш лозим. Маънавий зарарнинг миқдорини белгилашда суд фуқаронинг шаъни, қадр-қимматини оёқ ости қилган обрўсини тўккан мақоланинг мазмуни ва моҳиятини ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни эълон қилган оммавий ахборот воситаси ёки муаян шахснинг айб даражасини шу мақола билан боғлиқ бўлган бошқа эйтиборга молик ҳолатларини ҳисобга олади.

Фуқаролик Кодексининг 1022-моддасига мувофиқ маънавий зарарни қоплаш миқдорини аниқлашда судлар жабрланувчига етказилган маънавий зарарнинг оғирлигига субъектив баҳоси, шунингдек, даъвогарнинг жисмоний ва маънавий азобларининг даражасини тасдиқловчи объектив маълумотлар хусусияти ва ҳақоратловчи ёлғон маълумотлари тарқатилган доирани ҳамда бошқа аҳамиятга молик ҳолатларини эйтиборга олишлари керак.

Даъво қаноатлантирилган тақдирда, суд ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларга раддия бериш усулини кўрсатиш шарт. Раддия айнан шу ҳақиқатга зид маълумотни босиб чиқарган рўзномада ёки бошқа оммавий даврий нашрда эълон қилиниши лозим. Суд ҳал қилув қарорда бериладиган раддия матнини баён қилади ва у эълон қилинадиган муддатни кўрсатади.

Ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар ташкилот томонидан берилган ҳужжатда ифодаланган бўлса, суд ҳал қилув қарорида бундай ҳужжатда ифодаланган бўлса, суд ҳал қилув қарорида бундай ҳужжатни алмаштириш мажбуриятини ўша ташкилотга юклаши лозим.

Суд ҳар бир ишнинг аниқ ҳолатларидан келиб чиқиб жавобгарга кўпчилик олдида кечирим сўраш, тарқатилган маълумотларнинг нотўғри эканлигини йиғилишда эълон қилиш, даъвогарни бадном қилувчи маълумот хабар қилинган ташкилотга раддия ёзиб юбориш мажбуриятини юклатиши мумкин [13].

Ушбу ҳуқуқбузарлик мажбуриятининг субъекти ҳар доим фуқародир. Умумий ҳуқуқбузарлик қоидаларга мувофиқ, маънавий зарар етказганлик учун жавобгарлик қуйидагиларни ўз ичига олади: маънавий зарар, айбдорлик, ноқонуний ҳаракатлар, сабаблар. Бироқ, баъзи ҳолларда қонунда айбдорнинг айбидан қатъи назар, маънавий зарарни қоплаш имконияти кўзда тутилиши мумкин. Бундай ҳолатларга қуйидагилар киради [14]:

- 1) хавфнинг кучайиши манбаи туфайли ҳаёт ва соғлиққа зарар етказиш;
- 2) ноқонуний жиноий жавобгарликка тортиш ёки ушлаб туриш тўғрисида ёзма мажбурият тарзида эҳтиёт чорасини ноқонуний қўллаш, шунингдек қамоққа олиш ва ахлоқ тузатиш ишлари тарзидаги маъмурий жазони қонунга хилоф равишда қўллаш натижасида зарар етказилганда;
- 3) шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотларни

тарқатиш орқали зарар етказиш.

Шаън, кадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини фуқаролик ҳуқуқий ҳимоя қилишда бугунги кунда сақланиб келаётган муаммо ушбу тушунчаларнинг аниқ юридик нормада ифодаланган таърифининг йўқлиги ҳисобланади, бу эса ҳуқуқни қўллаш жараёнида ҳамда ушбу ҳуқуқларни ҳимоя қилишда ўзига хос қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Қолаверса, юридик адабиётларни ўрганиш асосида, хусусан ҳозирги вақтда ишчанлик обрўси билан боғлиқ масалада унинг тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқларини ҳимояси билан чегараланиб қолаётганлиги, жисмоний шахслар ҳамда касб билан боғлиқ ишчанлик обрўси ёки “фуқаролик яхши номи” тушунчаси ва унинг мазмунини илмий тадқиқ қилиш босқичи ҳали яқунланмаганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Бу амалда профессионал ишчанлик обрўсини ҳимоя қилишда, соҳа вакилларининг шаъни ва кадр қимматини ҳимоясида фуқаролик ҳуқуқий ҳимоянинг тўла қоли амалга оширилишга тўсқинлик қилиши мумкин.

Шу билан бирга, амалдаги қонунчиликда шахснинг шаъни ва кадр-қимматини ҳуқуқий ҳимоя қилиш соҳасидаги терминологик бирликнинг йўқлиги ушбу ҳуқуқни амалда амалга оширишни жиддий равишда мураккаблаштиради [15]. Шаън ва кадр-қиммат жуда кенг ва бой тушунчалар бўлиб, мазмунан чуқур диалектик характерга эга. Улар фалсафа, психология, ахлоқ ва ҳуқуқда алоҳида хусусиятли категориялар сифатида талқин қилинади. Ҳуқуқда эса қонун билан ҳимояланган ижтимоий манфаатлар сифатида қаралади [16].

Shu sababli, hodisa sodir bo'lgan joydan barcha izlarni olish ekspertiza tadqiqotlari natijalari uchun muhim ahamiyat kasb etadi. Bu holat ekspert-trasologning o'z oldiga qo'yilgan vazifalarni hal qilishga xolisona yondashuvini ko'rsatadi. Shuningdek, hodisa sodir bo'lgan joyni ko'zdan kechirish bosqichidayoq mato izlari tezkor ma'lumot berishi mumkin. Masalan, yangi bo'yalgan ob'ekt sirtida kiyim matosining izi topilganda, ushbu izni hosil qilgan kiyimning iz hosil qiluvchi qismi bo'yalgan deb taxmin qilish mumkin; shuningdek, jabrlanuvchi kiyimining iz hosil qiluvchi qismida, ushbu kiyimning izi topilgan transport vositasi qismidan lok-bo'yoq materiallari zarralari yoki boshqa moddalar mavjud deb taxmin qilish mumkin.

Ta'kidlash joizki, kiyimning ob'ekt bilan o'zaro ta'sirlashishi qanchalik zich (kuchli) bo'lsa, bu ob'ektga shunchalik ko'p mikro-zarrachalar o'tadi. Masalan, yo'l-transport hodisasi yuz berganda, avtomobilning old qismidagi kiyim izlarida kiyim iplari va alohida tolalari saqlanib qolishi mumkin.

Kelgusi tadqiqotlar davomida kiyim izlarining hosil bo'lish mexanizmiga ko'ra odamning taxminiy holatini taxmin qilish kerak. Bunday holda, sodir etilgan jinoyatning (zo'rlash, o'g'irlik va boshq.) tabiati va hodisa sodir bo'lgan joyiagi vaziyat muhim ahamiyat kasb etadi. Masalan, zo'rlashda shim tizza qismining shim izlari; pidjak va ko'ylakning tirsak qismining yoki bilak sohasining izlari hosil bo'lishi mumkin; erni qazish bilan o'g'irlik qilishda jinoyatchi tiz cho'kkan holatda bo'lishi, o'tirishi, yotishi, tirsaklariga suyanishi mumkin va h. k.

Va nihoyat, kiyimning iz hosil qiluvchi sohani aniqlash imkonini beradigan ma'lum bir qismining shakli, o'lchamlari, ishlov berish xususiyatlari, choklar, shikastlanish va nuqsonlar, yamoqlar shaklida aks etgan o'ziga xos belgilarini aniqlash zarur.

Hodisa sodir bo'lgan joyni ko'zdan kechirish samaradorligini oshirish maqsadida, yuqorida ta'kidlangan hodisa sodir bo'lgan joydagi mato izlari bilan bog'liq muammolarga bog'liq holda, mato izlarini aniqlash, qayd etish, olish bo'yicha mavjud uslubiy tavsiyalarni yanada boyitish hamda ungi uslubiyotlar majmuini ishlab chiqish zarur.

Bu erda hodisa sodir bo'lgan joyni ko'zdan kechirish tergov haratikaini o'tkazishga tayyorgarlik bosqichi muhim rol o'ynaydi, bu bosqichda tergovchi va mutaxassis izlarni aniqlash, qayd etish va olish uchun kerak bo'lgan barcha uslublarini qo'llash uchun zarur vositalar bazasi mavjudligini ta'minlaydi. Mato izlarini aniqlash uchun qo'l-barmoq izlarini,

to'ntoq buyumlardan hosil bo'lgan shikastlanishlarni aniqlash, qayd etish va olish uchun mo'ljallangan juda keng vositalar majmuini tavsiya etish mumkin. Bevosita hodisa sodir bo'lgan joyda kiyim izlarini aniqlash, qayd etish va olish uchun vositalarni tanlash iz qabul qiluvchi ob'ektning materialiga hamda izning tabiatiga bog'liq bo'ladi.

Jinoyatlarni ochish (shu jumladan, "izlar sovimasdan" ochish) uchun tergovchi (tergovga qadar tekshiruvni amalga oshiruvchi organning mansabdor shaxsiga, surishtiruvchi yoki sud) va unga yordam beradigan shaxslar u yoki bu turdagi matolarning izlarda aks etadigan o'ziga xos (xarakterli) belgilarini bilishlari va irok eta olishlari kerak.

Fikrimizcha, mavjud nazariy bazani hamda tergov va ekspertlik amaliyotida to'plangan tajribani sintezlash natijalariga asoslangan holda, amaliyo faoliyatda eng ko'p uchraydigan matolarning xususiyatlarini, mato izlari bilan ishlash algoritmini, shuningdek har xil turdagi to'qimalarning izlarining fotosuratlarini o'z ichiga olgan to'plamni (metodik tavsiya) ishlab chiqish kerak. Bu kabi to'plam iz qoldirgan kiyim turini aniqlash va binobarin, gumon qilinuvchining shaxsi to'g'risida ma'lumot olishga yordam beradi.

Bizning fikrimizcha, mato izlarini kriminalistik tavsiflashning quyidagi tartibi maqsadga muvofiq ko'rinadi:

1) shaklining tavsifi (geometrik shakllarga nisbatan aniqlanadi: oval, to'rtburchak, to'g'ri to'rtburchak, uchburchak va h.k.), izning o'lchamlari, shakli va konfiguratsiyasi, bo'yalgan va bo'yalmagan qismlarining o'zaro joylashishi;

2) trasologiyada qabul qilingan tasniflash tizimiga muvofiq izlarning turini (hajmli yoki sirtiy, qatlamli – tushgan yoki ko'chgan, rangli (bo'yalgan) yoki rangsiz, statik va dinamik) aniqlash;

3) to'qilish turini aniqlash. Bunday holda, matoning, bu mato iplari va tolalarining u yoki bu turdagi to'qishda hosil bo'ladigan tashqi tuzilishi va naqshlariga e'tibor beriladi;

4) matoning iz qoldirgan sohasi zichligini hisoblash. Matoning zichligi tomonlarining uzunligi 50 mm bo'lgan kvadrat ichidagi sirtmoqlar soni bilan ifodalanadi. Mato zichligining quyidagi turlari mavjud:

— gorizontal bo'yicha zichlik (R_g) — sirtmoqlardagi qadam (ustun)larining miqdori;

— vertikal bo'yicha zichlik (R_v) — sirtmoq qatorlarining miqdori.

Matoning umumiy zichligi quyidagi formula bilan ifodalanadi:

$$R = R_g * R_v$$

Bu yerda asos va utoklar soni faqat polotnoli to'qish (*asosiy (bo'ylama) iplarni utok (ko'ndalang) iplar bilan navbati bilan qoplash bilan bajariladigan to'qish usuli*) usulida to'qilgan mato izlarini o'rganishda aniqlanishi mumkinligini unutmash kerak. Sarjali yoki atlasli to'qish usulida tayyorlagan matolar izlarini tadqiqotlarida 1 sm uzunlikda joylashgan diagonal chiziqlar hisoblanadi.

5) og'ish burchagini o'lchash. Diagonal chiziqlar akslarining og'ish burchagini o'lchash. Bu burchakni o'lchash uchun mikroskop yoki to'qimachilik lupasidan foydalaniladi. Izdagi diagonal chiziqlarning og'ish burchagini o'lchash orqali olingan ma'lumotlardan matoning diagonal chiziqlarining og'ish burchagini aniqlash uchun foydalanish mumkin: matodagi diagonal chiziqlarning og'ish burchagi har doim 180°S burchak bilan izdagi diagonal chiziqlarning aks etish burchagi o'rtasidagi farqdan iborat bo'ladi. Turli matolar diagonallarining burchaklari 1 dan 89°S gacha bo'lganligi sababli, izlardagi diagonal chiziqlar aks etish burchaklari har doim 90°S dan katta bo'ladi.

Mato izlarining tadqiqotlari natijasida olingan, matoning to'qilish usullari, asos va utok iplarining soni, 1 sm uzunlikdagi diagonallar soni va boshqa belgilar bo'yicha ma'lumotlarni maxsus (mato, gazlama va materiallarning kataloglari) to'plamlardagi matolar namunalari haqidagi ma'lumotlari bilan o'zaro solishtirish mumkin. Ushbu matolarning ro'yxati sud eksperti tomonidan, tadqiq qilinayotgan iz qoldirgan matoning guruhviy mansubligi to'g'risida xulosa chiqarishda shakllantiriladi;

6) iz qoldirgan mato sirtining (yuzasi) tavsifi (yumshoq, tukli, nisbatan silliq);

7) shikastlanish va nuqsonlari (ishlab chiqarish jarayonida hosil bo'lgan, kiyish yoki noto'g'ri saqlash jarayonida hosil bo'lgan);

8) izda begona zarralarning mavjudligi (tolalar, ifloslanish).

9) tezkor ma'lumotlar. Agar ko'zdan kechirish yakunida mutaxassis, tadqiqotlar davomida sud eksperti – kiyimlar, jinoyatchining shaxsi, sodir bo'lgan hodisaning ma'lum bir holatlari to'g'risida birorta ma'lumotni aniqlagan bo'lsa, hodisa sodir bo'lgan joyni ko'zdan kechirish bayonnomasiga yoki ekspertning xulosasi matniga yo'naltiruvchi ma'lumotlarni kiritish kerak.

Kiyimlarni ishlab chiqarish uchun mo'ljallangan materiallarni hamda iz hosil bo'lishining turli mexanizmlarida aks etishlarning barcha turlarini har tomonlama o'rganish bilangina, zarur kriminalistik ma'lumotlarni maksimal darajada olish mumkin. Shunday qilib, jinoyatlarni ochish sub'ektlarining amaliy faoliyatida mato izlarining kriminalistik xususiyatlari ba'zan tergov jarayonida yuzaga keladigan muammolarni hal qilishda hal qiluvchi rol o'ynaydi.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Trasologik ekspertiza / Darslik. – T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2012. – 323 b.
2. Железняк А.С. Основы криминалистической техники: Учебное пособие. – М., 2007. – 190 с.
3. Ищенко Е.П., Топорков А.А. Криминалистика: Учебник. Изд. 2-е, испр. и доп. / Под ред. доктора юридических наук, профессора Е.П. Ищенко. – М., 2006. – 748 с.
4. Долгинов С.Д. Осмотр места происшествия: уч. пособие в 2 ч/ С.Д. Долгинов. – Пермь, 2016. – Ч.2: «Следы на месте происшествия». – 364 с.
5. Кузнецов А.В. Осмотр места происшествия. – Иркутск, 1998. – С.60.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ABDULLAEV Rustam Kaxramanovich

Toshkent davlat yuridik universiteti “Kriminalistika va sud ekspertiza”
kafedrasi katta o‘qituvchisi, yuridik fanlar bo‘yicha falsafa doktori (PhD)
E-mail: r.abdullayev@tsul.uz

SUD EKSPERTIZA TADQIQOTI USHLUBLARI TIZIMIDA EKSPERIMENTNING O‘RNI

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ABDULLAEV R.K. Sud ekspertiza tadqiqoti ushlublari tizimida eksperimentning o‘rni // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2023) В. 75-80.

 5 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-5-9>

ANNOTATSIYA

Maqolada kriminalist olimlarning nazariy qarashlarni o‘rganish va umumlashtirish asosida ekspert eksperimenti tushunchasi, eksperiment jarayonlarini zamonaviy IT-texnologiyalarni qo‘llab o‘tkaziladigan (dasturiy, elektron, axborotli, telekommunikatsiyaviy) eksperiment bilan to‘liq almashtirish masalalari o‘rganilgan. Tadqiqotlar natijalariga asoslanib, matematik modellashtirish, shuningdek kuzatish (ko‘zdan kechirish), taqqoslash, ta‘riflash va o‘lchashlarni barcha turdagi eksperimentlar uchun umumiy ushlublarga kiritish taklif qilingan. Kriminologik modellashtirish uslubini esa, matematik modellashtirish, boshqa matematik ushlublari (hisoblash, o‘lchash va geometrik qayta tiklash) bilan bir qatorda, barcha turdagi ekspert eksperimentlari uchun bir xil darajada qo‘llaniladigan umumiy tadqiqot ushlabi sifatida tasniflanishi tavsiya etilgan.

Kalit so‘zlar: sud ekspertizasi tadqiqotlarining ushlublari, ekspert eksperimenti, eksperiment jarayonlarida zamonaviy IT-texnologiyalar, matematik tadqiqot ushlublari, matematik modellashtirish, kriminologik modellashtirish, tadqiqot ushlublarini tizimlashtirish.

АБДУЛЛАЕВ Рустам Кахраманович

Старший преподаватель кафедры “Криминалистика и судебная экспертиза”
Ташкентского государственного юридического университета,
доктор философии по юридическим наукам (PhD)
E-mail: r.abdullayev@tsul.uz

РОЛЬ ЭКСПЕРИМЕНТА В СИСТЕМЕ МЕТОДОВ ИССЛЕДОВАНИЯ СУДЕБНЫХ ЭКСПЕРТИЗ

АННОТАЦИЯ

В статье на основе изучения и обобщения теоретических взглядов ученых-криминалистов исследуются понятие экспертного эксперимента, вопросы полной замены экспериментальных процессов экспериментом, проводимым с применением современных IT-технологий (программных, электронных, информационных, телекоммуникационных). Основываясь на результатах исследований, было предложено

включить метод математического моделирования, а также методов наблюдения (обзор), сравнение, описание и измерения в общие методы для всех видов экспериментов. С другой стороны, метод криминологического моделирования рекомендуется классифицировать как общий метод исследования, который в равной степени применим ко всем типам экспертных экспериментов, наряду с математическим моделированием, другими (вычисление, измерение и геометрическая реконструкция) математическими методами.

Ключевые слова: методы экспертных исследований, экспертный эксперимент, современные IT-технологии в экспериментальных процессах, математические методы исследования, математическое моделирование, криминологическое моделирование, систематизация методов исследования.

ABDULLAYEV Rustam

Senior Lecturer at Tashkent State University of Law,

Doctor of Philosophy (PhD) in Law

E-mail: r.abdullayev@tsul.uz

THE ROLE OF THE EXPERIMENT IN THE SYSTEM OF RESEARCH METHODS OF FORENSIC EXAMINATIONS

ANNOTATION

Based on the study and generalization of the theoretical views of forensic scientists, the article examines the concept of an expert experiment, the issues of complete replacement of experimental processes by an experiment conducted using modern IT technologies (software, electronic, information, telecommunications). Based on the research results, it was proposed to include the method of mathematical modeling, as well as observation (review), comparison, description and measurement methods in common methods for all types of experiments. On the other hand, it is recommended to classify the criminological modeling method as a general research method that is equally applicable to all types of expert experiments, along with mathematical modeling, other (calculation, measurement and geometric reconstruction) mathematical methods.

Keywords: expert research methods, expert experiment, modern IT technologies in experimental processes, mathematical research methods, mathematical modeling, criminological modeling, systematization of research methods.

Kriminalist olimlarning fikricha, ekspert eksperimenti umumiy (umum ilmiy) tadqiqot uslublari toifasiga kiradi va xususiy ilmiy hisoblanmaydi. Ammo bu fikrlar kriminalist-olimlar va amaliyotchilar tomonidan tanqid qilingan [1]. Eksperimentni amaliyotning shakllaridan biri – idrok qilishning (o‘rganish, bilish) o‘ziga xos shakli bo‘lgan haqiqat mezoni sifatida o‘rganib R.S. Belkin quyidagi ta‘rifni beradi: “Eksperiment (lotincha “experimentum” – tajriba, sinov) bu kuzatilayotgan hodisa va uning boshqa hodisalar bilan aloqadorligi sharoitlarini sun‘iy ravishda tizimli ravishda o‘zgarib borishidir” [2, B.22]. Sh.X. Xasanov va boshqalar esa “Eksperiment uslubi orqali ekspertiza tadqiqotlari o‘tkazishda turli ob‘ekt va hodisalarning ma‘lum sharoitlardagi xususiyatlari qayta tiklanib aniqlanadi. Eksperimental uslub asosida iz hosil bo‘lish mexanimi, tekshirilayotgan ob‘ektlarning o‘zaro ta‘sirlashish shart-sharoitlari va mexanizmlari ham qayta tiklanib aniqlanadi” [3, B.37] deb ta‘kidlaydilar.

Eksperiment empirik bilishning murakkab va samarali metodlaridan biri hisoblanadi hamda amaliy fan sohalarining shakllanishi va umumiy tabiatshunoslik fanidagi izohlovchi (sharhlovchi) modellarning ustuvorligini tasdiqlanishi bu metod bilan uzviy bog‘liq. Kriminalistika va sud ekspertisasi fanlari ham bundan mustasno emas.

Kriminalistika va sud ekspertizasiga oid adabiyotlarda ekspert eksperimenti bilishning

umumilmiy metodi sifatida ta'riflanadi. "Uning mohiyati, – deb yozadi D.Rijikov, – izlar hosil bo'lish mexanizmi, aniq bir holat va turli holatlar hamda hodisalarning o'zaro sababiy bog'liqligi, jinoyatni sodir etilishiga imkon bergan texnik tUSDagi sabab va sharoitlarni aniqlash maqsadida tadqiqot ob'ektlari bilan nazorat qilinadigan va boshqariladigan sharoitlarda sinov va tajribalar o'tkazishdan iborat" [2, B.20].

O'zbek tilining izohi lug'atida "Tajriba – sinov, eksperiment; malaka, mahorat, biror xislatni, ish-harakatni sinab ko'rish. 1) muayyan maqsadda amalga oshiriladigan, bilish, aniqlash, sinash va sh.k. ga qaratilgan ish, faoliyat; 2) Amaliy ishda, hayotda o'zlashtirilgan, orttirilgan bilimlar, malakalar, ko'nikmalar majmui; 3) Ob'ektiv dunyoni, voqelikni amaliy jihatdan hissiy-empirik bilish jarayoni; ob'ektiv dunyo va ijimoiy amaliyot qonunlarining kishi ongida in'ikosi (aks etishi); 4) Bir masala, yo'nalishda dastlabki tarzdagi ish, harakat va uning mahsuli" [4] deb ta'rif berilgan.

Eksperimental sud ekspertiza amaliyoti predmetining tuzilishi tahlil qilinsa, ikkita jihat yaqqol namoyon bo'ladi. Birinchi jihatdan – ob'ektlarning o'zaro ta'sirlashuvi tabiiy qonunlarga muvofiq ravishda yuz beradi. Bunda o'zaro ta'sirlashish voqelikning aloqalari va munosabatlari yig'indisi bilan ifodalanadi, unda tadqiq qilinishi lozim bo'lgan eng ustuvor, asosiy va alohida ajratilgan omil mavjud bo'lmaydi. Chunki bu holda, har qanday omil ushbu vaziyatda o'rganish yoki tadqiqot ob'ekti bo'lib xizmat qilishi mumkin. Ikkinchi holda – bu inson tomonidan sun'iy ravishda yaratilgan o'zaro ta'sirlashish. Va faqat shu holatda tadqiqotning maqsadlariga nisbatan u yoki bu bog'liqlik ajratiladi va shu bilan tadqiqot predmeti sifatida qayd etiladi, ya'ni, tajribalarda (sinov) o'zaro ta'sirlashayotgan ob'ektlar va o'zaro ta'sirlashishlar guruhining muayyan tizimida, tekshirilayotgan omilni ifodalaydigan ayrim turdagi ta'sirlashishlar guruhi hosil qilinadi va funksional jihatdan aniq yoki noaniq ko'rinishda ajratiladi, ularning bir qator real o'zaro ta'sirlashishlari ahamiyatsiz bo'lib qoladi.

Ekspert eksperimenti – bu ekspertizaning tadqiqotlari ob'ektlari va ularning xususiyatlarini, jarayonlar, hodisalar hamda qonuniyatlarni tadqiq qilish uchun tegishli soha bo'yicha maxsus bilimga ega shaxs tomonidan nazorat qilinadigan va boshqariladigan sharoitlarda o'tkaziladigan, bir necha bor takrorlanadigan tajribaga (sinov) oid harakatlarni amalga oshirishdan iborat bilish uslubi.

Tadqiqot mavzusi bo'yicha jami 120 nafar sud ekspertlari (shundan: O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi ekspert-kriminalistika xizmati mutaxassislari – 77 nafar va O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi huzuridagi X. Sulaymonova nomidagi Respublika sud ekspertizasi markazi mutaxassislari – 43 nafar) o'rtasida o'tkazilgan anketa so'rovlari natijasida, respondentlarning **72 tasi (60,0%)** "*An'anaviy eksperiment jarayonlarini zamonaviy IT-texnologiyalarni qo'llab o'tkaziladigan (dasturiy, elektron, axborotli, telekommunikatsiyaviy) eksperiment bilan to'liq almashtirish zarur*" deb hisoblagani, kompyuter texnologiyalaridan foydalangan holda o'tkaziladigan matematik eksperiment bilishning samarali vositasi hisoblanishini anglatadi. Uning samaradorligi nazariy va amaliy tadqiqotlarning boshqa uslublari bilan, masalan, natural (tabiiy) eksperiment bilan birgalikda o'tkazilganda yaqqol namoyon bo'ladi.

Hozirgi kunda ekspert eksperimenti tadqiqot uslublari o'tkazishda eng ko'p qo'llaniladigan hisoblashlarni amalga oshirish va matematik modellashtirishga qaraganda, IT-texnologiyalar va dasturlash bilan birgalikda qo'llaniladigan matematik uslublar ekspertiza vazifalarini ko'proq va samaraliroq hal etishga imkon beradi [5; 6].

Zamonaviy ilmiy-texnik muammolarni hal qilish jarayonida shakllangan matematik uslublar zamonaviy ilmiy-texnikaviy fikrlarning bevosita natijasi hisoblanadi hamda zamonaviy ilm-fan, shu jumladan sud-ekspert faoliyatining bilish uslublari o'zgarishini oldindan belgilab berdi. Zamonaviy axborot va kommunikatsiyaviy texnologiyalarni sud ekspertiza amaliyotiga tatbiq etish zarurligini inkor etmasdan, ta'kidlash joizki, har qanday yangilik o'ziga nisbatan puxta yondashishni talab qiladi.

Agar sud ekspertizasi haqida gapiriladigan bo'lsa, bu holda axborot texnologiyalarini belgili algoritmik modellar ko'rinishida joriy etish mumkin va u faol qo'llanilmoqda, buni avtomatlashtirilgan ma'lumotlar (axborot) bazalari misolida ko'rish mumkin. Bunga yaqqol

misol – avtomatlashtirilgan ballistik tizimlarni qo'llash bo'la oladi, ular elektron-hisoblash vositalaridan tashqari ma'lumotlar bazalari va dasturiy ta'minotning analitik funksiyalarini o'z ichiga oladi, xususan sud eksperti oldida turgan vazifalarni hal qilish uchun eksperiment o'tkazishga yo'naltirilgan. Ushbu komplekslarning sud ekspertlari faoliyatiga tatbiq etilishi sud-ballistik ekspertizalarning ayrim turlari sifatini sezilarli darajada yaxshiladi va ekspertiza o'tkazish muddatlarini qisqartirdi, ammo umuman olganda ular barcha turdagi sud ballistik tadqiqotlar o'tkazish hajmini ta'minlay olmaydi.

Bunday holatlar sud-ballistikasida ayrim diagnostik vazifalarni hal qilish bilan bog'liq bo'lib, afsuski hozirda, yuqorida ta'kidlangan kabi texnik va dasturiy vositalar mavjud emas. Ularni yaratish va amaliyotga joriy qilish hozirgi boshqaruv va moliyaviy tusdagi muammolar mavjud bo'lib turgan sharoitlarda biroz mushkul yoki noratsional hisoblanadi [7]. Masalan, qurol stvoli kanalining tadqiqotlari uchun ishlab chiqilgan endoskoplarning (masalan, Yaponiyaning "jProbe" firmasi tomonidan ishlab chiqilgan qurilma) narxi juda qimmat, sud-ballistik ekspertizaning maxsus vazifalarini hal qilish uchun shunga o'xshash parametrlarga ega bo'lgan ixtisoslashtirilgan kamerani yaratish juda ko'p miqdordagi moliyaviy ko'makni talab qiladi, bu moliyaviy miqdorni esa qurilmani amaliy qo'llashdan kutilgan natijalari bilan taqqoslab bo'lmaydi. Shunday qilib, huquqni muhofaza qiluvchi va sud organlarining byudjet mablag'laridan foydalanish samaradorligi muammosida paydo bo'ladi.

Amaliyot shuni ko'rsatadiki, yuqoridagi muammo axborot texnologiyalarini joriy etishni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash darajasining pasayishiga sezilarli ta'sir ko'rsatadi, natijada matematik modellashtirish uslublaridan foydalangan holda zamonaviy dasturiy ta'minotni ishlab chiqish va amalda joriy etishning umumiy sur'ati pasayadi.

Shu bilan birga, davlat buyurtmasi tizimida ekspert eksperimentini o'tkazish uchun belgilangan maqsadga muvofiq yangi qurilmani yaratish uch yildan to'rt yilgacha davom etadi (g'oyani shakllantirishdan to'probasiya va amalga joriy qilishga qadar jarayon), ya'ni, matematik tadqiqot usullari asosida yaratilgan zamonaviy texnik va dasturiy vositalarni joriy qilish va takomillashtirishda vaqt ham o'ziga xos cheklovchi rol o'ynaydi.

Muayyan bir ekspertiza vazifasini ekspert eksperimentini o'tkazish doirasida hal qilish uchun, zarur sa'y-harakatlarning o'ziga xos safarbar qilgan holda ixtisoslashgan matematik modelni ishlab chiqish, bir tomondan, zarur sa'y-harakatlar safarbar qilinishi hisobiga, bu kabi vazifalarni yanada samarali hal qilishga imkon beradi, boshqa tomondan, ilmiy va texnik ta'minotni ma'muriy tartibga solish muammolarini shakllanishi esa, sud ekspertlik faoliyatini zamonaviy vositalar va uslublarni ishlab chiqish va amalga joriy qilish jarayonlarini o'z vaqtida, zamon bilan hamnafas tarzda kechishiga to'sqinlik qiluvchi omilni keltirib chiqaradi.

Matematik tadqiqot uslublarni sud ekspertiza amaliyotiga tatbiq etishda yuzaga keladigan muammolarga qaramay, axborot texnologiyalarini keng joriy etish har qanday turkum va turdagi sud ekspertiza vazifalarini hal qilish uchun matematik modellashtirish uslubini tatbiq etishning ijobiy imkoniyatlarini oldindan belgilab beradi.

Yuqoridagilarni inobatga olgan holda, matematik modellashtirish, shuningdek kuzatish (ko'zdan kechirish), taqqoslash, ta'riflash va o'lchashlarni barcha turdagi eksperimentlar uchun umumiy uslublarga kiritish taklif etiladi.

Ekspertiza tadqiqotlar uslublarini tashkil qilishning boshqa tizimlariga kelsak, fikrimizcha, R.S. Belkin va V.P. Kolmakovlar tomonidan ishlab chiqilgan ekspertiza uslublari tasniflanishi asosida Ukrainalik olim I.V. Postika tomonidan taklif qilingan eksperiza uslublarining tasniflash tizimi e'tiborga loyiq [2, B.52]:

- 1) kriminalistik ekspertizalarning umumiy uslubi – dialektik materializm;
- 2) umum ilmiy uslublar: kuzatish (ko'zdan kechirish), o'lchash va hisoblash, ta'riflash, taqqoslash;

- 3) quyidagilarni o'z ichiga olgan xususiy ilmiy kriminalistik uslublar: ekspert tasmollarini ishlab chiqish uslubi, ekspertlik ishini kriminalistik rejalashtirish, kriminalistik identifikatsiya (identifikatsiyalashning xususiy uslubiyotini shakllantiradigan umumiy va sohaviy usullar), guruhviy mansublikni aniqlash haqidagi ta'limot, kriminalistik ekspert eksperimenti; kriminologik modellashtirish, noidentifikatsiyaviy ekspertiza tadqiqotlari uslubiyotlari;

4) texnik-kriminalistik (ilmiy-texnik) uslublar: fotografik, fizikaviy, fizikaviy-kimyoviy va boshqalar.

Yuqoridagi tasnifga ko'ra, ekspert eksperimenti sud eksperti ishini tashkil etish uslublari va turli xil ta'limotlar (ta'limotlar: identifikatsiya haqidagi, guruhiy mansublikni aniqlash to'g'risidagi) bilan bir qatorda xususiy uslublar guruhiga kiritilgan, biroq bu tasniflash tizimi biroz mantiqsiz va nomuvofiq ko'rinadi. Ushbu tasniflash tizimi e'tiborsiz qoldirilmadi, ammo, yuqorida aytib o'tilgan sabablarga ko'ra, o'sha paytdagi kriminalistlar jamoatchiligi tomonidan qo'llab-quvvatlanilmadi. Jumladan, "Rejalashtirish, – deb yozgan T.V. Averyanova, – ekspertiza tadqiqotlarining uslubi sifatida tan olinishi mumkin emas (shu jumladan, turli xil ta'limotlar), ekspertizaning vazifalari rejalashtirish yo'li bilan hal qilinmaydi" [1].

Kriminologik modellashtirish bo'yicha ta'kidlash joizki, fikrimizcha, bu uslub, agar u ekspert uslublariga faqat sud-psixiatriya yoki sud-psixologik ekspertizasi doirasidagina bog'liq bo'lishi mumkin. Ammo bu erda ham bahstlab fikrlar mavjud. Bir tomondan, kriminologik modellardan foydalanish, albatta, turli xil hodisalar, ularning o'zaro bog'liqligi va o'zaro ta'siri va shaxsning psixologik mexanizmlari to'g'risida o'zaro ta'sir qilish haqida tasavvurga ega bo'lishga imkon beradi, ammo boshqa tomondan, kriminologlarning ta'kidlashicha, hatto eng sifatli kriminologik model to'liq bo'lmaydi va tez buziluvchan (o'zgaruvchan) bo'ladi, chunki bu holda modellashtirilishi kerak bo'lgan barcha omillarni aniqlashning imkoni yo'q, bu holda miqdoriy modellar haqida gapirmaslik ham mumkin.

Binobarin, "Bu uslubni qo'llash zarurati mavjudmi?" degan tabiiy savol tug'iladi?

Ushbu tasniflash tizimidagi noidentifikatsioviy ekspertiza tadqiqotlarining uslublari kabi bo'g'inga kelsak, ta'kidlash joizki, tadqiqot uslubidan farqli ravishda, ekspertiza uslubiyoti bu – o'ziga yuklangan vazifani hal qilishda sud eksperti harakatlarining algoritmi bo'lib, uning tarkibida ma'lum bir ketma-ketlikda, oldindan mavjud yoki kerak tarzda yaratiladigan sharoitlarda qo'llaniladigan uslublar va texnik vositalar to'plami bo'ladi. Bundan kelib chiqadiki, "uslub" va "uslubiyot" tushunchalari bir ma'noli (ekvivalent) emas va fikrimizcha, ekspertiza tadqiqotlari uslublarini tasniflash tizimiga ekspertiza uslubiyotini kiritish mumkin emas.

Yuqoridagilarni inobatga olgan holda matematik modellashtirish, boshqa matematik uslublar (hisoblash, o'lchash va geometrik qayta tiklash) bilan bir qatorda, barcha turdagi ekspert eksperimentlari uchun bir xil darajada qo'llaniladigan umumiy tadqiqot uslubi sifatida tasniflanishi tavsiya etiladi.

Ekspert eksperimenti turli asoslarga ko'ra tasniflanishi mumkin. Ekspert eksperimenti turlarini yagona (yagona asosda), universal tasniflash tizimini yaratish mumkin emas, chunki ularning soni cheksizdir va ular ko'pincha murakkab shakllarda namoyon bo'ladi. Eksperimentlarning asosiy turlariga o'zgartiruvchi, tasdiqlovchi, nazorat qiluvchi (boshqaruvchi), qidiruv (izlash), hal qiluvchi, natural (tabiiy) va modeli (shu jumladan, hisoblovchi eksperiment) eksperimentlar kiradi. Ushbu barcha turdagi eksperimentlar tabiiy va sun'iy ravishda yaratilgan sharoitlarda amalga oshirilishi mumkin.

Sudekspertizatadqiqotlari uslublarini tizimlashtirish va tasniflash masalasini ko'rib chiqishda turli xil olimlarning fikrlari, yondashuvlari va baholashlarida ayrim kelishmovchiliklarga qaramay, ekspert eksperimenti kuzatish, tavsiflash, taqqoslash va modellashtirish kabi uslublar bilan bilan bir qatorda umumiy (umumilmiy) uslublar sirasiga kirishi aniq va bu fikr (qoida) o'zgarmay qoladi. Chunki, ekspert eksperimenti, tadqiqot uslubi sifatida, qo'yilgan vazifaning qanday bo'lishidan qat'i nazar sud ekspertizasining barcha turlarida bir xil darajada qo'llaniladi.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Т.В. Аверьянова. Судебная экспертиза. Курс общей теории. – М., 2015. – С.288.
2. Д.А. Рыжиков. Эксперимент в судебной экспертной деятельности. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Специальность: 12.00.12 – криминалистика; судебно-экспертная деятельность; оперативно-розыскная деятельность. – М., 2019. – 128 с.
3. Sh.X. Xasanov va boshq. Ballistik ekspertiza: Darslik. – Т., 2013. – 544 b.

4. O‘zbek tilining izohli lug‘ati. T harfi. / Tahrir hay‘ati: E. Begmatov, A. Madvaliev, N. Mahkamov, T. Mirzaev (rahbar), N. To‘xliiev, E. Umarov, D. Xudoyberganova, A. Hojiev. A. Madvaliev tahr.ost. – T.: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti. 2013. – B.639.

5. Е.П. Ищенко. К вопросу об экспертно-криминалистическом обеспечении расследований киберпреступлений // Вестник Московского университета МВД России, 2013. – №3. – С.15-17;

6. Е.П. Ищенко, Н.Н. Егоров, О.В. Волохова: Криминалистика XXI века. Стратегия и тактика развития / Под ред. Е.П. Ищенко. – М., 2019. – 504 с.

7. Проблемы внедрения информационных технологий в современной России: // URL:https://studwood.ru/1114368/menedzhment/problemy_vnedreniya_informatsionnyh_tehnologiy_sovremennoy_Rossii.

8. В.В.Бушуев. Инновационные технологии в судебно-экспертной деятельности// Вестник Академии экономической безопасности МВД России / Материалы XVIII Всероссийского круглого стола «Инновационные технологии в судебно-экспертной деятельности», 2015. №2. – С.6-11.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

USMANOVA Surayyo Bultakovna


Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti dotsenti,
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD)

E-mail: s.b.usmanova@uwed.uz

orcid.org/0000-0002-6624-7685

XIZMATLAR SAVDOSI BO'YICHA BOSH KELISHUVIDA TURIZM: SHARTNOMAVIY-HUQUQIY TAHLIL

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): USMANOVA S.B.
Xizmatlar savdosi bo'yicha bosh kelishuvida turizm: shartnomaviy-huquqiy tahlil // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2023) В. 81-88.

 5 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-5-10>

ANNOTATSIYA

Maqolada Jahon savdo tashkilotining Xizmatlar savdosi bo'yicha bosh kelishuvini (GATS) xalqorohuquqningshartnomaviymanbaalaridanbirisifatidatahliletiladi. Muallifavvalo GATSning asosiy jihatlari tahlil etgan holda, uning tartibga solish sohalaridan biri hisoblanmish turizm xizmatlari tavsifiga e'tibor qaratadi. Ma'lumki, O'zbekiston Respublikasining mazkur tashkilotga a'zo bo'lishi istiqbolda unga a'zolik masalalarini har tomonlama tahlil qilish zaruriyatini keltirib chiqaradi, bu esa mamlakatning jahon hamjamiyatiga yanada integratsiyalashuvida muhim ahamiyat kasb etadi. Shu bois, maqolada JSTga a'zo mamlakatlarning tajribasiga to'xtalgan holda, turizm xizmatlarini tartibga solish, uning o'ziga xos jihatlari tahlili hamda tashkilotga a'zolik sharoitida amalga oshirilishi lozim bo'lgan tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Kalit so'zlar. GATS (Xizmatlar savdosiga oid bosh kelishuv), JST (Jahon Savdo Tashkiloti), shartnoma, turizm, xizmatlar, O'zbekiston.

УСМАНОВА Сурайё Бултаковна

Доцент Университета мировой экономики и дипломатии,
доктор философии по юридическим наукам (PhD)

E-mail: s.b.usmanova@uwed.uz

orcid.org/0000-0002-6624-7685

ТУРИЗМ В ГАТС: ДОГОВОРНО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется Генеральное соглашение по торговле услугами (ГАТС)

Всемирной торговой организации как один из договорных источников международного права. Анализируя основные аспекты ГАТС, автор акцентирует внимание на описании туристических услуг, которые являются одной из сфер его регулирования. Известно, что членство Республики Узбекистан в этой организации в будущем порождает необходимость всестороннего анализа вопросов ее членства, что имеет большое значение в дальнейшей интеграции страны в мировое сообщество. Поэтому в статье акцентируется внимание на опыте стран-членов ВТО, анализируется регулирование туристических услуг, его особенности, а также разрабатываются рекомендации, которые следует реализовать в условиях членства в организации.

Ключевые слова. ГАТС, ВТО, контракт, туризм, услуги, Узбекистан.

USMANOVA Surayyo

Associate Professor of the University of World Economy and Diplomacy,

Doctor of Philosophy (PhD) in Law

E-mail: s.b.usmanova@uwed.uz

orcid.org/0000-0002-6624-7685

TOURISM IN THE GENERAL AGREEMENT ON TRADE IN SERVICES: CONTRACTUAL-LEGAL ANALYSIS

ANNOTATION

The research paper analyzes the General Agreement on Trade in Services (GATS) of the World Trade Organization as one of the contractual sources of international law. Analyzing the main aspects of the GATS, the author focuses on the description of tourism services, which is one of its regulatory spheres. It is known that the membership of the Republic of Uzbekistan in this organization will create the responsibility for a comprehensive analysis of the issues of its membership in the future, which will play an important role in the further integration of the country into the world community. Therefore, the article emphasizes the experience of the WTO member countries, the regulation of tourism services, the analysis of its specific aspects. Moreover, the recommendations which should be implemented in the conditions of membership of the organization are proposed.

Keywords. GATS (General Agreement on Trade in Services), WTO (World Trade Organization), contract, tourism, services, Uzbekistan.

Jahon savdo tashkiloti nafaqat jahon iqtisodiyotida, balki xalqaro aloqalarni o'rnatish va rivojlantirishda ham markaziy o'rinni egallaydi. Jahon iqtisodiyotining kengayib borayotgan globallashuvi JSTni davlatlar o'rtasidagi iqtisodiy hamkorlikning barcha yangi yo'nalishlarini, shu jumladan turizm sohasidagi hamkorlikni jalb qilmoqda. Bugungi kunda dunyoning eng kam rivojlangan mamlakatlarning deyarli yarmida eksportning uchta eng muhim sohalaridan biri bo'lgan turizm ko'plab mamlakatlarda dolzarb muammolarni hal qilish uchun eng katta salohiyatga ega bo'lgan iqtisodiyot tarmoqlaridan biriga aylandi. Hozirgi vaqtda JST jahon hamjamiyatida xalqaro savdo yuridik atamalari, tamoyillari va normalarini ishlab chiqarishning yagona yirik markazi hisoblanadi.

Hozirgi vaqtda xizmatlar bozorining xalqaro savdo va butun jahon iqtisodiyoti uchun ahamiyatini e'tiborsiz qoldirib bo'lmaydi. Xizmat ko'rsatish sohasining rivojlanishi davlatlar iqtisodiy o'sishini tezlashtiradi. Biroq xalqaro miqyosda xizmatlar savdosi uchun hali ham ko'plab to'siqlar mavjud. Shuning uchun xalqaro xizmatlar savdosini liberallashtirish va davlatlar milliy bozorlarining iqtisodiy xavfsizligi xalqaro savdo muzokaralarining asosiy mavzusi hisoblanadi. Bugungi kunda xizmat ko'rsatish bozori jahon iqtisodiyotining eng tez rivojlanayotgan sohalaridan biri bo'lib xizmatlar o'z-o'zidan tobora ko'payib borayotgan bo'lsa-da, ular mahsulot ishlab chiqarishda hal qiluvchi manba bo'lib xizmat qiladi va shuning uchun

qo'shilgan qiymat nuqtai nazaridan baholanganda xizmatlar jahon savdosining taxminan 50 foizini tashkil qiladi [1]. Davlatlar mintaqaviy savdo shartnomalariga xizmatlar savdosi qoidalarini qo'shishni boshladilar. 2014-yil holatiga ko'ra, Jahon Savdo Tashkilotiga xizmatlar savdosi qoidalarini o'z ichiga olgan 123 ta bitimlar yuborilgan, bu o'sha paytda tuzilgan mintaqaviy savdo shartnomalarining 46% ni tashkil qiladi [2; 6].

Shu bois GATS – Xizmatlar Savdosi bo'yicha Bosh Kelishuv doirasida aynan turizm xizmatlarini tartibga solinishini tahlil etish O'zbekistonning JSTga a'zo bo'lishi jarayonida muhim ahamiyat kasb etadi.

Jahon Savdo Tashkilotining Xizmatlar savdosiga oid bosh kelishuvining qisqa tahlili.

JSTga kirish jarayoni rivojlanayotgan mamlakatlar va o'rta darajadagi iqtisodiyotga ega davlatlar uchun jiddiy ta'sirga ega bo'ldi, ular bugungi kunda tashkilotga a'zo bo'lish shartlarini kelishib olishib, Urugvay raundi davomida tuzilgan yangi bitimlarga moslashishlari lozim bo'ladi. Masalan, ular har ikkala: tovar va xizmatlar savdosi shartnomalari uchun "kirish to'lovi" ni hisobga olishlari, shuningdek, shu kungacha ixtiyoriy deb hisoblanadigan bitimlar (Tokio raundining qayta ko'rib chiqilgan kodekslarining aksariyati) va kuzatuv majmuasi ko'p tomonlama me'yorlar va qoidalar, xususan, qishloq xo'jaligi, subsidiyalar va intellektual mulk huquqlari sohalaridagi to'lovlarni inobatga olishlari darkor.

Jahon savdo tashkilotining qoidalari uning ajdodi (GATT) qoidalariga qaraganda ancha murakkab, chunki ular savdo siyosati va ilgari xizmatlar, intellektual mulk, qishloq xo'jaligi kabi ko'p qirrali yo'nalishlardan tashqarida bo'lgan iqtisodiyot tarmoqlari hisoblanmish, to'qimachilik, sarmoyalar, sanoat va qishloq xo'jaligi uchun subsidiyalarga nisbatan qo'llaniladi. "Xizmat" tushunchasini yetarlicha tushunish uchun iqtisodiy nazariyaga murojaat qilish kerak, chunki xizmatlar iqtisodiy xususiyatga ega. Hozirgacha xalqaro savdo huquqida "xizmat" tushunchasining aniq ta'rifi mavjud emas edi. Bir tomondan, fuqarolik fanida "xizmat" deganda fuqarolik muomalasi sub'ektlarining yoki ma'lum bir natija bilan tugamaydigan yoki nomoddiy shakldagi natija bilan tugaydigan harakatlari tushuniladi. "Xizmatlar" tushunchasini o'ziga xos xususiyatlar orqali aniqlashga urinishlar, masalan, xizmatlarning "nomoddiyligi" ni tovarlarning "moddiyligi" bilan solishtirish orqali axborot iqtisodiyoti rivojlanishida o'z ahamiyatini yo'qotdi. Ko'char va saqlanishi mumkin bo'lgan tovarlardan farqli o'laroq, xizmatlar ko'chmas mulkning xususiyatlarini, saqlashning mumkin emasligini ham o'z ichiga oladi. Xizmatlarning tovarlardan farqi shundaki, xizmatlar ko'rsatish ularni iste'mol qilishdan ajralmas, tovarlarni ishlab chiqarish va olish esa ikkita alohida jarayondir. Shunday asosda, xizmat ko'rsatish jarayoni natijani ham o'z ichiga oladi.

O'rganilayotgan tushuncha mohiyatan iqtisodiy bo'lishiga qaramay, xizmatlar savdosi bilan bog'liq holda vujudga keladigan munosabatlarning mazmuni, shu jumladan, tashkil etish tartibi va ushbu munosabatlar ishtirokchilarining huquqiy layoqati huquq normalari bilan tartibga solinadi. Bundan kelib chiqadiki, xizmatlar savdosini huquqiy o'rganishning o'ziga xos xususiyati aralash xarakterga ega bo'lib, iqtisodiyot va huquqning kesishmasida joylashgan [3; 16].

JST qonunchiligiga binoan Xizmatlar savdosi bo'yicha Bosh kelishuv (GATS) xizmatlarning xalqaro savdosini tartibga soluvchi ko'p tomonlama qonuniy majburiy qoidalarning birinchi to'plamidir. Unda barcha savdo sheriklarining iqtisodiy o'sishi va rivojlanayotgan mamlakatlarning yanada rivojlanishini qo'llab-quvvatlash maqsadida davlatlarning ichki bozorlarini liberallashtirishning asosiy tamoyillari va shartlari mavjud. GATS qoidalarini ikkita asosiy blokga bo'lish mumkin, ular asosli kelishuvni tashkil qiladi. Birinchi blokda a'zo davlatlarning xizmatlar savdosi sohasidagi umumiy tamoyillari va o'zaro majburiyatlari, shu jumladan II-modda bo'yicha majburiyatlardan ozod qilish to'g'risidagi Ilova, shuningdek xizmatlar savdosini tartibga solishning ayrim sohalariga oid ilovalar – xizmatlar savdosi bo'yicha qismlar ko'rsatilgan. Ikkinchi blok xizmatlar bozorlariga kirish bo'yicha dastlabki o'zaro imtiyozlar ro'yxatini o'z ichiga oladi [4].

GATS vakolatiga xizmatlarning barcha turlari va xizmatlar savdosining har qanday tarmoq sohalarini kirib, hukumatning boshqaruv funksiyalari bilan bog'liq xizmatlar bundan mustasno. Ushbu shartnoma turli xil xizmat ko'rsatish sohalarini uchun gorizontallik va o'ziga xos majburiyatlarni belgilaydi, ular bozorga ochiq yoki yaqin kirish imkoniyatini beradi va chet el

xizmatlarini yetkazib beruvchilarga uning barcha usullari uchun eng maqbul davlat tartibini taqdim etadi. Tarmoq majburiyatlari yoki sohaga oid majburiyatlar, atamada ko'rsatilgandek, xizmatlarning ma'lum sohalarini yoki kichik tarmoqlari bo'yicha qabul qilingan majburiyatlardir. Talablarni, qoidalarni amalga oshirish uchun JST a'zolari turizm va sayohat bilan bog'liq xizmatlar jumlasiga kiradigan o'n ikkita keng xizmat ko'rsatish sohalarini ajratib ko'rsatadilar. Ushbu o'n ikkita keng xizmat ko'rsatish sohalarini 150dan ortiq kichik tarmoqlarga bo'lingan. Urug'vay raundi muzokaralari doirasida savdo ob'ekti bo'lishi mumkin bo'lgan xizmat turlari uchun tasniflash sxemasi ishlab chiqilgan bo'lib, u o'z navbatida 161 turdagi xizmatlarni o'z ichiga oladi. Ushbu sxema aniq muzokaralar uchun asos bo'lgan va uning asosida xizmatlarning milliy ro'yxatlari tuzilgan.

GATS barcha hollarda a'zo davlatlarning xizmatlarni ko'rsatishni o'z siyosati va qonunlariga muvofiq tartibga solish huquqini tan oladi. Bundan tashqari, GATSni tuzuvchi bitim xizmatlar savdosi qoidalarida keraksiz to'siqlarni o'z ichiga olmasligini ta'minlashga qaratilgan qoidalar doirasidan iboratdir. GATSning asosiy g'oyasi xizmatlar savdosini liberallashtirishga qaratilgan ko'p tomonlama qoidalarni ishlab chiqish va qabul qilishdir. Biroq, amalda, aksariyat davlatlar milliy xizmat ko'rsatuvchi provayderlarning manfaatlarini himoya qilish uchun har xil turdagi cheklovlarni qo'llaydilar. GATS xizmatlar savdosida ruxsat etilgan cheklovlarni qo'llash qoidalari va tartiblarini belgilaydi. Shuning uchun GATSga qo'shilgan davlatlar ikki guruhga bo'linadigan majburiyatlarni o'z zimmalariga oladilar:

- davlatlar shartsiz o'z zimmalariga oladigan umumiy majburiyatlar (savdo-sotiqda eng maqbul davlat tartibi, nohaq raqobatga qarshi kurash, xizmat ko'rsatuvchi provayderlar malakasini o'zaro tan olish va boshqalar);

- ma'lum bir davlatning xizmatlari uchun bozorga kirishning muayyan shartlariga tegishli bo'lgan maxsus majburiyatlar (muzokaralarga bog'liq majburiyatlar).

Majburiyatlarda eng muhim o'rin eng maqbul millat (MFN – Most Favored Nation)ga tegishli. Ushbu rejim davlatdan JSTning har bir a'zosiga xizmat ko'rsatish bozoriga kirish huquqini har qanday uchinchi davlatga, shu jumladan JSTga a'zo bo'lmagan davlatlarga ko'rsatadigan rejimdan quyiroq taqdim etishni talab qiladi. GATSda MFNni ta'minlash JST tizimining boshqa hujjatlaridagi MFN qoidalaridan farqli o'laroq, JST a'zolarining qaroriga binoan har qanday imtiyozlarga yo'l qo'yiladi [5, B.259].

GATS 1-moddasi 2-bandida xalqaro xizmatlarni yetkazib berishning to'rtta usuli ajratib ko'rsatilgan:

1. Chegaradan yetkazib berish - bu xizmat chegara bo'ylab harakatlanayotganda yetkazib berish usuli.

2. Chet elda iste'mol qilish - xizmatni iste'molchi chegara bo'ylab harakatlanadigan ta'minot rejimi.

3. Tijorat mavjudligi - xizmat ko'rsatuvchi kompaniya chet elda o'z filialini ochadigan yetkazib berish rejimi.

4. Jismoniy shaxslarning harakati - yetkazib berish usuli bo'lib, bunda xizmat ko'rsatuvchi mutaxassis yetkazib berish xizmatlari uchun chegara bo'ylab harakat qiladi [6, B.486].

GATS ma'lumotlariga ko'ra cheklov choralari quyidagilarni o'z ichiga oladi:

- xizmat ko'rsatuvchi provayderlar sonini cheklash (kotirovkalar, eksklyuziv huquqlar berish);

- ushbu xizmat turidagi savdo hajmini cheklash;

- operatsiyalar sonini yoki ko'rsatiladigan xizmatlar sonini cheklash;

- tegishli xizmat ko'rsatish sohasida ish bilan ta'minlanishi mumkin bo'lgan shaxslar sonini cheklash;

- kompaniyaning muayyan tashkiliy-huquqiy shakli talabi;

- chet el kapitali ulushini kompaniyada ishtirok etishning maksimal foizi shaklida cheklash.

Odatda davlatlar bozorga kirish uchun cheklovlardan foydalanishni "iqtisodiy amaliy sinov uchun talab"ga murojaat qilish maqsadida oqlashadi. JST doirasida ko'plab davlatlar bu pozitsiyaga qarshi chiqmoqdalar, chunki "iqtisodiy maqsadga muvofiqlik" tushunchasini ularning manfaatlaridan kelib chiqib keng talqin qilish mumkin.

GATS majburiyatlarining asosiy qismi o'ziga xos xususiyatga ega. Ya'ni, JSTga a'zo davlatlar qaysi xizmat ko'rsatish sohasini yopiq qoldirishini va qaysi biri ochilishini o'zi belgilaydi. JST a'zosi, hech bo'lmaganda, chet el xizmatlari va ularning yetkazib beruvchilari uchun bozorga kirishni ta'minlash hamda ularga milliy modelni taqdim etish majburiyatini oladi. Davlatning u yoki bu sektorni ochish majburiyatlari va ushbu majburiyatlardan ozod qilish masalalari majburiyatlar va imtiyozlarning milliy ro'yxatida qayd etiladi. Yozilgan ro'yxat davlatni yangi cheklovlar o'rnatmaslikka majbur qiladi.

GATS (Xizmatlar savdosiga oid bosh kelishuvi) doirasida turizm xizmatlarini tartibga solinishi.

Ko'pgina hollarda, iste'molchi xizmat ko'rsatish ob'ekti bo'lib, uni taqdim etish jarayonida bevosita ishtirok etishi mumkin, xizmat, qoida tariqasida, ta'minlash va iste'mol qilishning individual xususiyatiga ega. Xizmat ko'rsatuvchi provayder, qoida tariqasida, ko'rsatilgan xizmat natijasining egasi sifatida ishlamaydi. Shuni ta'kidlash kerakki, yuqoridagi xususiyatlar, garchi ular ko'pgina xizmatlar turlariga taalluqli bo'lsa-da, har doim ham bitta aniq xizmatda mavjud emas. Misol sifatida ko'rinadigan turizm xizmatlari bo'lishi mumkin, sayyohlik kompaniyasi iste'molchi ko'rsatilgan xizmat natijalaridan foydalanishidan oldin iste'molchi uchun tur tashkil qiladi va hokazo.

Masalan, Rossiya Federatsiyasining JSTga kirishda GATSga oid talablarini tahlil qilsak. Rossiyaning o'ziga xos majburiyatlari ro'yxatida turizm bo'yicha quyidagi xizmat turlarini (JSTning tasnifi bo'yicha) belgilab qo'ygan:

- mehmonxonalar va restoran xizmatlari (shu jumladan ovqatlanish);
- turoperatorlar va sayyohlik agentliklari xizmatlari;
- ekskursiya xizmatlari.

Birinchi ikkita yetkazib berish usuli bo'yicha Rossiya Federatsiyasi xorijiy yetkazib beruvchilar uchun sayohat xizmatlari bozorini to'liq ochib beradi.

Uchinchi yetkazib berish rejimida - Rossiyaning tijorat mavjudligida cheklovlar qo'yadi, ya'ni mehmonxonalar va restoranlarning faoliyatiga faqat Rossiya Federatsiyasi yuridik shaxs shaklida ruxsat beriladi.

Turoperatorlar va sayyohlik agentliklariga xizmat ko'rsatuvchi, shuningdek ekskursiya xizmatlarini ko'rsatadigan kompaniyalar uchun tijorat ishtirokiga faqat tijorat tashkiloti bo'lgan Rossiya Federatsiyasining yuridik shaxs shaklida yo'l qo'yiladi. Chet el ishtirokidagi tijorat tashkilotining chet ellik a'zosi, u joylashgan mamlakatda turoperator xizmatlarini 5 yildan kam bo'lmagan muddatda taqdim etish tajribasiga ega bo'lgan yuridik shaxs bo'lishi kerak. Chiqish va kirish turizmi sohasida turoperatorlarga xizmatlar ko'rsatish maqsadida ustav kapitalidagi umumiy xorijiy ishtirok (ovoz berish aksiyalari) 49% bilan cheklanishi mumkin. Rossiyaning JSTga a'zo bo'lish sanasidan 7 yil o'tgach, cheklovlar bekor qilinadi. 49 foizdan ortiq bo'lgan ustav kapitalidagi xorijiy ishtirokning ulushi Rossiya Federatsiyasining yuridik shaxslari faoliyatini to'xtatish va / yoki investitsiyalarni bekor qilish uchun asos sifatida ko'rib chiqilishi mumkin emas. Yo'l boshchiga xizmat ko'rsatuvchi shaxslar (gid-tarjimonlar) Rossiya Federatsiyasi fuqarolari bo'lishi kerak [7; 2].

Shuningdek, Xitoyning JSTga (GATS)ga qo'shilish jarayonida xizmat ko'rsatish sohasini tartibga solinishiga kelsak, ushbu tashkilotga a'zo bo'lishdan oldin u yerda xorijda transchegaraviy yetkazib berish va iste'mol qilish bo'yicha xorijiy tijorat agentliklari allaqachon paydo bo'lganligi kuzatilgan. Tadqiqotchilar JSTga a'zo bo'lishning salbiy tomoni emas, balki ijobiy ta'sirini bashorat qilishdi [8; 105]. Natijada Xitoy JSTga a'zo bo'lgan davlatlar orasida g'oliblar qatoriga kirdi, chunki u ushbu tashkilot doirasida davlat manfaatlarini oqilona himoya qila oldi.

Zenkin GATSning o'ziga xos xususiyatini ta'kidlagan holda, JST a'zosining o'zi qaysi xizmat ko'rsatish sohasini yopiq qoldirishini va qaysi birini ochishini belgilashini ta'kidlaydi. JST a'zosi, hech bo'lmaganda, xorijiy xizmatlar va ularning yetkazib beruvchilarini bozorga kirishni ta'minlash, shuningdek, ularni milliy rejimini tartibga solish majburiyatini oladi. Davlatning u yoki bu sohani ochish majburiyatlari va ushbu majburiyatlardan ozod qilish majburiyat va imtiyozlarning milliy ro'yxatida qayd etilgan [9, B.11].

GATSni imzolash jarayonida davlatlar milliy rejim tayinlanguniga qadar barcha sohalarda xizmatlar ko'rsatish uchun ichki bozorni zudlik bilan erkinlashtirish majburiyatini olmaydi. Shuningdek, muzokaralar chog'ida milliy iqtisodiy siyosat ustuvorligi va rivojlanish darajasiga ega bo'lgan ba'zi xizmat ko'rsatish sohalari uchun o'tish davrining muayyan davomiyligini ta'minlash kerak.

O'zbekistonning Jahon Savdo Tashkilotiga kirish istiqbollari.

Xalqaro huquqning vakolatli sub'ekti sifatida O'zbekistonning JSTda ishtirok etishining amaliyligi jahon hamjamiyatining e'tiborini jalb qilishning bir jihati bo'lib xizmat qiladi. O'zbekiston Respublikasiga kelsak, taraqqiyot uchun bugungi kunda O'zbekistonni Jahon savdo tashkilotiga qo'shilishi bo'yicha muzokaralar dolzarbdir. JSTga 164 davlat a'zo hisoblanadi. O'zbekiston ushbu tashkilotga qo'shilish uchun 1994 yilda ariza topshirgan. Prezident Shavkat Mirziyoyev Xizmatlar sohasini rivojlantirish bo'yicha uning yalpi ichki mahsulotdagi ulushini ko'paytirish, yangi turdagi talabga ega xizmat turlarini rivojlantirish, xizmatlar sohasidagi faoliyat ko'rsatadigan tadbirkorlik sub'ektlarini qo'llab quvvatlash tizimi samarasini oshirish choralarini ko'rish bilan bog'liq munosabatlar o'z yechimini kutayotgan masalalardan biri ekanligini ta'kidlaganlar [10, B.134].

Mamlakatimiz uchun JSTning turli jabhalarida olib borilayotgan mulohazalar va tadqiqotlar O'zbekiston Respublikasiga ushbu tashkilotga a'zo bo'lishga tayyorgarlik ko'rishda faol ishtirok etmoqda. JSTga a'zo bo'lish - bu O'zbekistonning xalqaro iqtisodiy munosabatlarni huquqiy va ma'muriy tartibga solishda rivojlanib kelayotgan amaliyotga joriy etishi demakdir. Ushbu qadam mamlakatimizning jahon bozorida tovar va xizmatlar harakatining amaldagi qoidalariga qo'shilishini anglatadi.

Jahon savdo tashkilotiga a'zo bo'lish doirasida O'zbekiston Respublikasi bir nechta shartnomalarni, shu jumladan Xizmatlar savdosi to'g'risida Bosh Kelishuvni ratifikatsiya qilishi kerak. Shu munosabat bilan O'zbekiston Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2018 yil 28 fevraldagi "O'zbekiston Respublikasining tashqi iqtisodiy faoliyatini yanada tartibga solish bo'yicha tashkiliy chora-tadbirlar to'g'risida"gi Farmonining qabul qilinishi juda dolzarbdir. tashqi savdo faoliyati davomida bojxona va ta'riflarni tartibga solish tizimini takomillashtirish va bojxona to'lovlarini optimallashtirish bo'yicha ishchi guruh faoliyat olib bormoqda [11]. Shuningdek, samarali tizimli ishlarga erishish va O'zbekistonning JSTga a'zo bo'lish jarayonini doimiy ravishda kuzatib borish uchun hukumat tomonidan milliy qonunchilikka kirish va unga moslashish jarayonini qayta boshlash uchun hujjatlarni tayyorlashga qaratilgan "Yo'l xaritasi" tasdiqlangan.

Mamlakatning bu yo'nalishdagi yana bir qadami - Tashqi savdo va investitsiyalar vazirligi boshchiligidagi JST bilan ishlash bo'yicha tuzilgan idoralararo komissiya hisoblanadi. Ushbu Komissiya tarkibiga mamlakatning turli vazirlik va idoralari rahbarlari kiritilgan. Shu bilan birga, Jenevadagi JSTdagi O'zbekiston vakili faoliyatini faollashtirish bo'yicha chora-tadbirlar ishlab chiqilmoqda, uning ishi to'g'ridan-to'g'ri O'zbekiston Tashqi savdo va investitsiyalar vazirligi tomonidan muvofiqlashtiriladi.

Demak, O'zbekiston Respublikasining xizmat ko'rsatish sohasida, xususan, turizm sohasida muzokaralar olib borish jaryoni ham oddiy bo'lmaydi. To'g'ri tovarlar savdosiga nisbatan xizmatlar savdosini tartibga solish bo'yicha shartnomalarda qo'shilayotgan rivojlanayotgan davlatlarga ko'proq yengilliklar kiritilgan. Ammo, har bir xizmat sohasida milliy qonunchilikni shartnomaga moslashtirish lozmdir. Turizm sohasida xorijda transchegaraviy yetkazib berish va iste'mol qilish bilan shug'ullanadigan xorijiy tijorat agentliklari hozircha mavjud emas. Binobarin, ularning milliy turizm bozorida ishtirokini rag'batlantirishda bir qancha muammolar va tushunmovchiliklar yuzaga keladi. Albatta, Prezidentning "O'zbekiston Respublikasining turizm salohiyatini rivojlantirish uchun qulayliklar yaratish bo'yicha qo'shimcha tashkiliy chora-tadbirlar to'g'risida"gi Farmoni O'zbekistonda turizm biznesining rivojlanishiga zamin yaratdi [12]. Ularga bir qancha imtiyoz va imtiyozlar berildi. Ushbu hujjatda turizm sohasida xorijiy taklif ishtirokida imtiyozlar nazarda tutilmagan. Shu bois, O'zbekistonning JST-GATSGa qo'shilishi nuqtai nazaridan ushbu yo'nalishdagi huquqiy bazani yanada rivojlantirish uchun

O'zbekiston Respublikasining turizm sohasida xorijga yetkazib berish va iste'mol qilishning chet elga ishtiroki bo'yicha huquqiy bazani ishlab chiqish maqsadga muvofiqdir.

Xulosa va takliflar.

Xulosa qilib shuni ta'kidlashni istardikki, har qanday davlatning JSTga kirishiga faqat ijobiy yoki salbiy nuqta'i nazardan qaramaslik kerak. Ko'pgina ishlab chiqarish sohalari uchun bunday o'tish oson bo'lmasligi mumkin, GATSda xizmat ko'rsatish sohalaridan biri turizm ham bundan mustasno emas. Demak, bugungi kunda JSTga a'zo bo'lish muammosining ijobiy hal etilishi O'zbekiston oldiga bir qator murakkab iqtisodiy, siyosiy va huquqiy masalalarni qo'yadi. Uning JSTga a'zo bo'lish jarayonining uzoq davom etishi uning iqtisodiy manfaatlari va ustuvor yo'nalishlarini har tomonlama belgilab olish, O'zbekiston milliy iqtisodiy xavfsizligini kafolatlovchi imtiyozlar va shart-sharoitlarning maqbul chegaralarini belgilash hamda ularni qiyin muzokaralar vaqtida himoya qilish imkoniyati bilan bog'liq.

Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda quyidagi tavsiyalar ishlab chiqildi:

- Turizm xizmatlari savdosini liberallashtirish bilan bog'liq muammolarni hal qilish uchun JST qoshidagi GATSning turizmni tartibga solish bo'yicha Ilovasini qabul qilish taklif etiladi. Ushbu Ilova ushbu masalani xalqaro va davlatlarning milliy qonunchiligi doirasida tartibga solishga muhim ta'sir ko'rsatadi.

- Agar O'zbekiston JSTga a'zo bo'lsa, mamlakatning turizm sohasidagi milliy qonunchiligi to'liq hisobga olinishi kerak, shuning uchun nafaqat turizm xizmatlarini tartibga soluvchi JST hujjatlari qoidalari, balki JSTning turizm sohasidagi huquqni qo'llash amaliyoti ham hisobga olinadi.

- JSTga potentsial qo'shilish maqomida O'zbekiston Respublikasi o'ziga tashqaridan yuklangan majburiyatlarni emas, balki haqiqatda bajarishi mumkin bo'lgan majburiyatlarni o'z zimmasiga olishi kerak. Turizm xizmatlari sohasida asossiz liberallashtirish JSTga qo'shilgandan keyin nizolarni hal qilish organida davom etayotgan nizolarga olib kelishi mumkin.

- JSTga (GATS) a'zo bo'lgan va muallif tomonidan tahlil qilingan xorijiy davlatlarning muvaffaqiyatli amaliyotini hisobga olgan holda Tashkilotning Xizmatlar savdosi bo'yicha (xususan, turizm xizmatlari sohasida) Bosh Kelishuviga kirishning milliy jarayonini takomillashtirish maqsadga muvofiq bo'ladi.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. The official site of WTO: // URL: https://www.wto.org/english/tratop_e/serv_e/gatsqa_e.htm.

2. Черняга А. Подходы к регулированию торговли услугами и инвестиций в региональных торговых соглашениях // Информационно-аналитический бюллетень «Мосты». 2014. Вып. 6.

3. Железнов Р.В. Принцип либерализации международной торговли услугами в международном торговом праве: Дис. канд. юрид. наук. Казань. 2017. С. 16.

4. The General Agreement on Trade in Services (GATS): objectives, coverage and disciplines// URL: https://www.wto.org/english/tratop_e/serv_e/gatsqa_e.htm.

5. Lanoszka A. The World Trade Organization (WTO) and the accession process: testing the implementation of the multilateral trade agreements. Submitted in partial fulfillment of the requirements for the degree of Doctor of Philosophy. Dalhousie University Halifax, Nova Scotia. 2001. P.259.

6. Peter Van den Bossche, The Law and Policy of the World Trade Organization: Text, Cases and Materials. Published in the United States of America by Cambridge University Press, New York. – 2005.P. 488 (528 / 777).

7. Азар В. Тур отрасли – самостоятельный орган управления. //Российская туристская газета. 1999. 26 сент.–3 окт. № 24. – С. 2.

8. Hong Zhang. The Impact on China's Economy of Its Accession to the WTO: A Computable General Equilibrium (CGE) Analysis: Dissertation for Ph.D. in Economics. Northern Illinois University. USA, 2002. – P.105.

9. Зенкин И.И. Международно-правовое регулирование телекоммуникационных услуг в рамках ВТО. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Москва-2010. С. 11.

10. Mirziyoyev Sh.M. Yangi O‘zbekiston Taraqqiyot Strategiyasi. To‘ldirilgan ikkinchi nashri. – Toshkent: “O‘zbekiston” nashriyoti, 2022. 416 b.

11. Узбекистан на пути к ВТО: что делает страна для вступления в организацию. 14.03.2018. // URL: <https://ru.sputniknews-uz.com/analytics/20180314/7709364/wto-uzbekistan-torgovlya.html>

12. “O‘zbekiston Respublikasi turizm salohiyatini rivojlantirish uchun qulay sharoitlar yaratish bo‘yicha qo‘shimcha tashkiliy chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni 06/02/2018. // URL: <http://uzlidep.uz/uznews-of-uzbekistan/921>.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

АЛМОСОВА Шаҳноза Собировна
Тошкент давлат юридик университети
Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари кафедраси ўқитувчиси
E-mail: alshakhnoza18@gmail.com

ЖСТНИНГ “МИЛЛИЙ РЕЖИМ” ТАМОЙИЛИ ВА УНИ ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИГА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): АЛМОСОВА Ш.С. ЖСТнинг “Миллий режим” тамойили ва уни Ўзбекистон қонунчилигига имплементация қилиш муаммолари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2023) Б. 89-95.

 5 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-5-11>

АННОТАЦИЯ

Халқаро савдони тартибга солувчи ҳукуматлараро ташкилот ҳисобланувчи Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) тамойилларининг асосийси саналувчи камситмаслик принципи ўз навбатида, энг кўп қулайлик берувчи режим ва миллий режимни ўз ичига олади. Ушбу мақола орқали муаллиф ЖСТ доирасида миллий режимнинг тарихи, давлатлар амалиётида қўлланилиши (ривожланаётган давлатларга алоҳида аҳамият берилади) ва унга истисно ҳолатлар билан бирга, ЖСТга аъзо бўлишга тобора яқинлашиб бораётган Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ушбу режим билан боғлиқ муаммоларни ўрганган ҳолда уларни ҳуқуқий тартибга солиш бўйича ўз таклифларини беради.

Калит сўзлар: ЖСТ, миллий режим, халқаро ҳуқуқда миллий режим, камситмаслик тамойили, ўхшаш маҳсулот, қонунчиликни уйғунлаштириш.

АЛМОСОВА Шаҳноза Собировна
Преподаватель кафедры Международного права и прав человека
Ташкентского государственного юридического университета
E-mail: alshakhnoza18@gmail.com

ПРИНЦИП НАЦИОНАЛЬНОГО РЕЖИМА ВТО И ПРОБЛЕМЫ ИМПЛЕМЕНТАЦИИ В ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

АННОТАЦИЯ

Всемирная торговая организация (ВТО) является межправительственной организацией, регулирующей международную торговлю. Принцип недискриминации, который считается основным принципом этой организации, включает в себя режим наибольшего благоприятствования и национальный режим. В данной статье автор описывает историю национального режима в рамках ВТО, его использование на практике государств (особенно в развивающихся странах) и исключения этого принципа, а также, связанный с ним режим, установленный в законодательстве Республики Узбекистан,

который на пороге вступления в ВТО. Изучив проблемы, автор выдвинул свои предложения по их правовому регулированию.

Ключевые слова: ВТО, национальный режим, принцип недискриминации, аналогичный продукт, гармонизация законодательства.

ALMOSOVA Shahnoza

Lecturer at Tashkent State University of Law

E-mail: alshakhnoza18@gmail.com

THE PRINCIPLE OF “NATIONAL TREATMENT” IN WTO AND THE PROBLEMS OF ITS IMPLEMENTATION IN THE LEGISLATION OF UZBEKISTAN

ANNOTATION

The World Trade Organization (WTO) is an intergovernmental organization that regulates international trade. The principle of non-discrimination, which is considered the basic principle of this organization, includes the most favored nation treatment and national treatment. Through this article, the author describes the history of the national regime within the WTO, its use in the practice of states (especially in developing countries) and exceptions to this principle, as well as the associated regime in the legislation of the Republic of Uzbekistan, a country increasingly approaching WTO membership. Having studied the problems, the author makes his proposals for their legal regulation.

Keywords: WTO, national treatment, national treatment in international law, the principle of non-discrimination, like product, harmonization of legislation.

Жаҳон Савдо Ташкилоти битимлари кенг кўламли фаолиятни қамраб олувчи ҳуқуқий ҳужжатлар бўлиб улар қишлоқ хўжалигидан тортиб хизматлар савдоси, тўқимачилик, телекоммуникация, давлат харидлари, саноат стандартлари ва маҳсулот хавфсизлиги, озиқ-овқат санитарияси қоидалари, интеллектуал мулк ва бошқа соҳаларни ўз ичига олади. Аммо бу ҳужжатларнинг барчаси бир қатор тамойиллар асосида қўлланилади. Ушбу тамойиллар, шунингдек, кўп томонлама савдо тизимининг асоси ҳамдир.

Шаффофлик, ўзаролик, самарадорлик билан бир қаторда камситмаслик принципи ҳам ЖСТнинг асосий тамойилларидан бўлиб, у энг кўп қулайлик берувчи режим ва миллий режимга бўлинади. ЖСТ ҳуқуқи халқаро оммавий ҳуқуқ асосига қурилган экан, миллий режим ҳам ЖСТ доирасида халқаро ҳуқуқдаги мазмундан узоқ бўлмаган тарзда қўлланилади. Миллий режим – бу халқаро ҳуқуқнинг концепцияси бўлиб, бошқа давлат фуқароларига ўз фуқаролари билан бир хил муносабатда бўлиш тамойили, агар давлат ўз фуқароларига маълум ҳуқуқ ва имтиёзлар берса, у айни пайтда мамлакатда бўлган чет элликларга ҳам тенг ҳуқуқ ва имтиёзларни тақдим этиши кераклигини билдиради.

Анъанага кўра, чет элликлар фойдасига ҳар қандай дифференциал муносабатни чеклаш ҳамда асосан, чет эл юридик шахслари мулкларини экспроприациядан ҳимоя қилиш учун мезбон давлатларнинг муниципал қонунлари чет элликларга нисбатан миллий режимни ўрнатган. Бошқа томондан, чет элликлар учун имтиёзларни назарда тутувчи миллий режим қафолатлари, одатда, ўзаро келишув асосида қабул қилинган шартнома мажбуриятлари орқали ишлаб чиқилган.

Халқаро ҳуқуқда миллий режим стандарти икки хил контекстда қўлланилади. Бир томондан, стандарт “*Calvo doctrine*” [1] деб номланувчи чет эл фуқароларининг шахси ва мулкига нисбатан қўлланиладиган халқаро ҳуқуқ доктриналаридан бирини ифодалайди. Лотин Америкаси давлатлари томонидан қўллаб-қувватланган ушбу доктринага кўра, чет элликлар ва уларнинг мол-мулки қабул қилувчи давлат фуқароларига унинг миллий қонунчилигига мувофиқ кўрсатилган режимдан кам бўлмаган режимдан фойдаланиш

ҳуқуқига эга. Ушбу доктринадан фарқли ўлароқ, тарихан ривожланган мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватланган чет элликлар ва уларнинг мол-мулкига етказилган зарар учун давлат жавобгарлиги тўғрисидаги доктрина эса халқаро одат ҳуқуқи чет элликларга нисбатан режимнинг минимал халқаро стандартини белгилашини, уларга ўз фуқаролариданда қулайроқ режим тақдим этишга рухсат беришини илгари суради.

Ушбу режимнинг келиб чиқиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, шартнома амалиётида миллий режим савдо шартномаларидан келиб чиқади. Чет эл ва маҳаллий савдогарлар ўртасида камситмаслик концепциясини қўллаш бўйича биринчи шартномалар XII ва XIII асрлардаги Ганза Лигаси амалиётига бориб тақалади. Америка Қўшма Штатларининг “Дўстлик, савдо ва навигация тўғрисида”ги шартномалари миллий режимни тақлиф қилувчи бандни ўз ичига олган [2]. Худди шундай, миллий режим патент ва муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги конвенцияларда узоқ вақтдан бери мавжуд стандарт бўлиб келган. “Саноат мулкани ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Париж конвенциясининг (1883) 2-моддасида аъзо мамлакатлар фуқаролари интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш сўралган қабул қилувчи аъзо давлат фуқаролари каби “бир хил ҳимояга эга бўлишлари” белгиланган.

XX аср давомида алоҳида халқаро савдо ва инвестицион битимлар бўйича музокаралар олиб бориш одатий ҳолга айланди, бунинг натижасида турли хил ҳуқуқий стандартлар, низоларни ҳал қилиш тартиблари ва маъмурий институтлар пайдо бўлди. Аммо бошида миллий режим билан боғлиқ ҳолат халқаро савдо ва халқаро инвестиция ҳуқуқи ўртасидаги муносабат сифатида иккитомонлама инвестиция шартномаларда (BIT) кўпроқ акс эттирилган. Халқаро савдода миллий режимнинг тарихи муваффақиятсизликка учраган Халқаро Савдо Ташкилотини таъсис этиш учун тузилган Гавана Хартиясининг [3] 18-моддасида биринчи марта расман мустақамланиши билан бошланган бўлса, бу принцип 1947 йилда ГАТТда қайта қабул қилинди.

1995 йилдан фаолиятини бошлаган Жаҳон Савдо Ташкилоти Низоларни ҳал этиш органи ва Апелляция органи ташкил этилиши билан халқаро оммавий ҳуқуқда миллий режим билан боғлиқ масалалар марказлашувига эришилди. Савдо масалаларида импорт қилинадиган маҳсулотларга ички чора-тадбирларни қўллаш бўйича миллий режим “Тарифлар ва товарлар савдоси бўйича” Бош келишув (ГАТТ) томонидан яратилган кўп томонлама савдо тизимининг асосий тамойилларидан биридир. ГАТТнинг асосий эътибори халқаро товарлар савдосини чекловчи божхона чораларини назорат қилиш ва либераллаштиришга қаратилганлигидан келиб чиқадиган бўлсак, бу борадаги асосий тамойил шундан иборатки, одатда, маҳаллий маҳсулотларга рақобатда устунлик бериш учун мўлжалланган ҳар қандай божхона чоралари чегарада ўрнатиладиган божхона тарифлари кўринишида бўлиши ва бундай божхона тарифлари миқдори музокаралар давомида ҳал қилинган ва мажбурий тарзда “мажбуриятлар жадвали”да (GATT Art. 2 Schedule of Concessions) акс эттирилган бўлиши шарт.

ЖСТ ҳуқуқида миллий режим субъекти фақат хорижий давлатлар юридик шахслари ҳисобланадиган энг кўп қулайлик берувчи режимдан фарқли равишда, чет элликлар ва маҳаллий аҳолига тенг муносабатда бўлиш – импорт қилинган ва маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларга тенг муносабатда бўлиши кераклигини англатади. Худди шу тартиб хорижий ва маҳаллий хизматларга, хорижий ва маҳаллий товар белгиларига, муаллифлик ҳуқуқи ва патентларга нисбатан қўлланилиши керак. Ушбу “миллий режим” тамойили (бошқаларга ҳам ўз фуқаролари ва/ёки резидентлари билан бир хил муносабатда бўлиш) ЖСТнинг учта асосий келишувида ҳам ўз аксини топган (ГАТТ 3-моддаси, ГАТСнинг 17-моддаси ва ТРИПСнинг 3-моддаси), гарчи бу тамойил уларнинг ҳар бирида бошқача тарзда талқин қилинган бўлса-да.

ЖСТ ҳуқуқи доирасида, мазмунан миллий режим – аъзо давлатлар импорт ва ўхшаш маҳсулотлар (like product) ўртасида камситувчи режимни қўлласликлари кераклигини англатади (божхона тарифлари ўрнатилиши бундан мустасно). Ушбу тамойил орқали мамлакатларга импортганисбатан камситувчи чораларни қўллаш ва тарифлар таъсирини

нотариф чоралар орқали қоплашга йўл қўймайди. Бунга қўйидаги ҳолатни мисол қилиб олса бўлади, А давлат Х маҳсулотига бўлган божхона импорт тарифини ўн фоиздан беш фоизга пасайтиради, лекин фақат ушбу импорт қилинадиган Х маҳсулотига нисбатан беш фоизли ички истеъмол солиғини жорий қилди, бу ички солиқ эса тарифнинг беш фоизлик пасайишининг ўрнини самарали қоплайди. Бу ўринда “божхона божи” тариф чора сифатида қаралса, “ички солиқ” эса нотариф чора сифатида қаралиши мумкин. Шу сабабли ҳам, миллий режим ЖСТ аъзоларидан импорт қилинадиган маҳсулотларга миллий ишлаб чиқариш маҳсулотларига нисбатан қўлланилганидан кам бўлмаган қулай режим яратишни талаб қилиш орқали савдодаги “яширин” ички тўсиқларни бартараф этишни ҳам мақсад қилади [4].

Миллий режим тамойили “яширин протекционизм”ни тақиқлаш ва тариф тўсиқларига эквивалент чораларни тақиқлаш учун ишлаб чиқилган бўлиб, ЖСТ аъзо давлатларининг тариф ва бошқа савдо тўсиқларини камайтириш ва рақобат шароитлари тенглигини таъминлаш бўйича ўз зиммаларига олган мажбуриятларини виждонан бажаришга қаратилган. Аммо яширин протекционизмни ёки тўсиқларсиз савдо қоидаларни четлаб ўтадиган чораларни аниқлаш жуда қийин.

ЖСТ апелляция органининг “Япония - Спиртли ичимликларга нисбатан солиқлар” иши бўйича ҳисоботида [5], Панел “ГАТТ-1994 III моддасининг мақсади маҳаллий ишлаб чиқаришни ҳимоя қилиш учун импорт қилинадиган ёки маҳаллий маҳсулотларга нисбатан ички чоралар қўлланилмаслигини таъминлашдир» – дейилса, “Филиппин - дистилланган спиртли ичимликлар” иши бўйича Апелляция органи ўз якуний қарорида ГАТТ-1994 III моддасининг объекти ва мақсади “рақобат муносабатларининг тенглигини талаб қилиш ва тенг рақобат муносабатларига бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш” деб белгиланади [6].

ГАТТ қоидалари, биринчи навбатда, бозорлардаги рақобат шароитларини уйғунлаштиришга эмас, балки бозорлар ўртасидаги тўсиқларни камайтиришга қаратилган. Шунинг учун ГАТТ қоидалари принципаал равишда савдо сиёсати талабларни белгилайди, лекин шартнома тузувчи томонларни ўз ички сиёсатини юритишда эркин қолдиради. Миллий режим фақат маҳсулот, хизмат ёки интеллектуал мулк объекти бозорга киргандан кейингина қўлланилади. Шу сабабли, импорт учун божхона тўловини ундириш миллий режимни бузиш ҳисобланмайди, ҳатто маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотларга нисбатан эквивалент солиқ ундирилмаган тақдирда ҳам [7].

Миллий режим тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар соҳасидаги ривожланишнинг энг муҳим муаммоларини кўтаради. Унда хорижий ва миллий инвесторлар ўртасида расмий тенглик таъминланади. Бироқ, амалда миллий инвесторлар, айниқса, “янги саноат” ёки “янги тадбиркорлар” деб таърифланиши мумкин бўлганлар, иқтисодий жиҳатдан кучли трансмиллий корпорациялар (ТМК) каби хорижий инвесторлар билан солиштирганда иқтисодий жиҳатдан ноқулай аҳволда бўлиши мумкин. Бундай “иқтисодий носимметриклик” миллий инвесторларга нисбатан, айниқса ривожланаётган мамлакатларда миллий режимдан истиснолар бериш орқали маълум даражада мослашувчанликни талаб қилиши мумкин.

Кўпгина мамлакатлар учун миллий режим стандарти рақобатдаги бузилишларни бартараф этишга хизмат қиладивашу тариқа жалб қилинган инвестицияларнинг самарали ишлашини кучайтиради. Ушбу тамойилни ўрганиш Ўзбекистон Республикасининг ЖСТга аъзо бўлиш мақсадида олиб бораётган саъй-ҳаракатлари фониди, шубҳасиз, долзарб. ЖСТга аъзо бўлишдаги вазифалардан бири миллий қонунчиликни ЖСТнинг ҳуқуқий нормаларига мувофиқлаштиришдир. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигини таҳлил қилиш, шунингдек, унда миллий режим тамойилининг ўрни ва роли, уни икки томонлама, кўп томонлама шартномаларда ва бир томонлама тартибда мустақкамлаш долзарб масала сифатида кун тартибиди турибди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ГАТТ (миллий ишлаб чиқаришни ҳимоя қилишга қаратилган ички солиққа тортиш ва бошқа чоралар бўйича импорт ва

маҳаллий ишлаб чиқарилган товарлар ўртасидаги камситишга йўл қўймаслик), ГАТС (ҳар бир аъзо давлат бошқа ҳар қандай аъзо давлатнинг хизматлари ва хизматларни етказиб берувчиларига хизматлар кўрсатишга таъсир қилувчи барча чораларга нисбатан миллий “ўхшаш хизматлар ва хизматлар етказиб берувчи”ларга тақдим этганидан кам бўлмаган қулай режимни тақдим этиш), ТРИПС (ҳар бир аъзо давлат бошқа аъзо давлатлар фуқароларига интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш бўйича ўз фуқароларига тақдим этганидан кам бўлмаган қулай режимни тақдим этиш, яъни интеллектуал мулк объектларининг ножиқсий хусусиятларини инобатга олиб айнан интеллектуал мулк ҳуқуқ эгалари – аъзо давлатлар фуқаролари миллий режим объекти қилиб олинади) ва ЖСТнинг бошқа шартномаларидаги миллий режим билан боғлиқ нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масаласи бугунги кунда кун тартибидаги асосий масалалардандир.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини ташкилотнинг ушбу принципи талабларига мувофиқлигини таҳлил қилиш давомида бир неча қонун ҳужжатлари нормалари бу борада такомиллаштирилиши мақсадга мувофиқ. Қуйида мазкур норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг баъзилари устида қилинган таҳлиллар ҳавола этилади:

– Ўзбекистон Республикаси “Солиқ кодекси”нинг солиқ резидентлари ва норезидентлари учун бир-биридан фарқланувчи солиқ ставкалари, аниқроқ айтадиган бўлсак, тўғридан-тўғри хусусий чет эл инвестициялари иштирокидаги юридик шахсларга солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари(67-боб), махсус иқтисодий зоналарнинг иштирокчиларига солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари (68-боб), Ўзбекистон Республикасининг айрим ҳудудларида солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари (71¹-боб), алоҳида шароитларда солиқ мажбуриятларини бажариш (72-боб) борасидаги айрим тоифали солиқ резидентларига бериладиган солиқ имтиёзлари камситмаслик принципи, жумладан, миллий режим тамойили мувофиқлиги (national treatment compliance) нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилиши лозим (бу ўринда, ГАТТ ва ГАТСнинг миллий режим бўйича қоидалари бевосита жисмоний ё юридик шахсга қаратилмаганлиги, балки товар (ГАТТ) ва хизматлар (ГАТС) бу тамойилнинг объекти ҳисобланиши ҳам инобатга олиниши лозим). Аммо, ГАТТ-1994нинг XX, XXI моддалари ҳамда ГАТСнинг XIV, XIV bis моддалари давлатлар томонидан баъзи ўринларда истиснолар берилиши мумкинлигини инобатга олган ҳолда, давлат ўз солиқ тизимидаги имтиёзли ҳолатларни ЖСТ шартномаларига мувофиқлигини кўриб чиқиши лозим

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, миллий режим принципи фақат маҳсулотни олиб кириш ва реализация қилиш учун қўлланиладиган солиқлар, тўловлар ва йиғимларга нисбатан қўлланилади. Масалан, даромад солиғи миллий режим принципи доирасига кирмайди, чунки даромад солиғи маҳсулотга нисбатан жорий қилинмайди. Билвосита солиққа мисол сифатида эса маҳсулотни ишлаб чиқаришда фойдаланадиган хом ашёга нисбатан жорий қилинган солиқларни келтирса бўлади [8].

– Ўзбекистон Республикаси “Божхона кодекси”да назарда тутилган божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёзлар ва тариф преференциялари (43-боб) Ўзбекистон Республикасига кириб келувчи товарларга нисбатан камситувчи қоидалар ўрнатишини олдини олиш учун экспертизадан ўтказилиши лозим.

– Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунига давлат божи ставкаларининг миқдорлари бўйича илованинг 10-15 пунктларига Интеллектуал мулк объектларига ҳуқуқий муҳофаза бериш билан боғлиқ юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик учун давлат божлари миқдорлари резидент ва норезидентларга фарқланувчи божмиқдорлари белгиланган бўлиб, улартенглаштирилиб ТРИПС 3-моддаси билан мувофиқлаштирилиши лозим. Аслини олганда, резидент ёки норезидентлик ТРИПС 3-моддаси мазмунидаги фуқаролик талабига тўла зид деб бўлмайди, чунки Ўзбекистон Республикаси резидентлари ичида хорижий фуқаролар ҳам борлиги ҳаммамизга маълум, ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўла туриб Ўзбекистон Республикаси учун норезидент ҳисобланувси шахслар ҳам йўқ эмас. Бироқ, уларга давлат хизматлари билан боғлиқ ҳаракатларни амалга оширганлик учун

тўланадиган божларни фарқланувчи қийматда белгилаш камситмаслик принципининг миллий режим тамойилига зид ҳисобланади.

Баъзи бир қонун ҳужжатлари эса, миллий режим тамойили компонентларини аниқлаштириш ва бу борада қонунчиликдаги бўшлиқларга ўрин қолдирмаслик нуқтаи назаридан қўшимчалар киритилиши мақсадга мувофиқ, хусусан, муаллиф миллий режим қоидалари бузилиши айнан “ўхшаш маҳсулот” ёки “ўхшаш хизмат” устида содир этилар экан, Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни айнан ушбу тушунчаларнинг аниқ таърифларини ўз ичига олиши, тадбиркорлар ва масъул идоралар тенг рақобат шароитларини яратишда мазкур тушунчаларнинг моҳиятини тўлиқ тушуниб етмоғи лозим деб ҳисоблайди. Чунончи, ушбу қонуннинг 4-моддаси “Асосий тушунчалар”га тааллуқли бўлиб, ушбу моддага “ўхшаш маҳсулот” ва “ўхшаш хизмат” тушунчаларини киритиш ва моддадаги “бир-бирининг ўрнини босадиган товарлар” тушунчаси билан ўзаро фарқлаш таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 45-моддаси 10-хатбошисида “бир хил хусусиятли асосий белгиларга эга бўлган товарлар (хизматлар) солиқ солиш мақсадида айнан ўхшаш товарлар (хизматлар) деб эътироф этилади” – деган норма мавжуд, аммо бу ЖСТ доирасидаги Низоларни ҳал қилиш органи ва Апелляция органи қарорларида келтирилган “ўхшаш маҳсулот” ва “ўхшаш хизматлар” тушунчаларининг мазмунини тўлиқ бера олмайди.

“Ўхшаш маҳсулот” концепцияси тенглик ва камситмаслик принципларини қўллашда жуда катта аҳамиятга эга. ГАТТ-1994нинг ўзида, “ўхшаш маҳсулот” тушунчасининг таърифи берилмаган. “ўхшаш маҳсулот” тушунчаси асосан ЖСТнинг панеллари ва апелляция органи томонидан шарҳланиб келинган. Унга кўра, “ўхшаш маҳсулот” нинг мазмуни қайси ҳолатда ва қаерда ишлатилишига қараб ўзгариб туруши мумкинлиги таъкидланган ва case-by case шаклида кўриб чиқилиши айтилган[9].

Ўзбекистон қонунчилиги бўйича таҳлилларни давом эттирган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида бир-бирининг ўрнини босадиган товарлар тушунчасига таъриф берилганлиги, унда “ўзининг белгиланган вазифаси, қўлланилиши, сифат ва техник хусусиятлари, нархи ҳамда бошқа параметрлари бўйича таққосланиши мумкин бўлган шундай товарларки, уларни олувчи истеъмол қилиш чоғида бир товарни бошқасига ҳақиқатан ҳам алмаштиради ёки алмаштиришга тайёр бўлади” – дейилади, бу эса кўп жиҳатдан “ўхшаш маҳсулот” тушунчасининг мазмунига мувофиқ келади (тариф квалификацияси билан боғлиқ қоида мавжуд эмаслигини инобатга олмаганда). Бу икки тушунча “Корея-Алкогол ичимликлари” кейсидаги мазмундан ва Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги Қонуннинг мақсадларидан, ва аввало, Ўзбекистоннинг ЖСТга кириш мақсадларидан келиб чиқиб унификация қилиниши мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, миллий режим принципи халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг махсус тамойиллари (иқтисодий камситмаслик, ўзаро манфаатдорлик, энг кўп қулайлик берувчи режим, миллий режим, имтиёзли режим) орасида муҳим ўринни эгаллайди, ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумий принциплари ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа тармоқ принциплари билан бир қаторда халқаро ҳуқуқ тизимига киритилган. Миллий режим принципи халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг махсус принципи сифатида анъанавий хусусиятга эга бўлган принцип сифатида белгиланади, унга кўра давлат, қоида тариқасида, ўз худудида (одатда маъмурий-худудий бирликларида) ташқи ва ички савдо, солиққа тортиш, миллий қонунчиликни қўллаш, суд ҳимояси, молиявий, маъмурий, транспорт ва бошқа соҳаларда хорижий шахсларга миллий шахсларга нисбатан қўлланиладиган режимни тақдим этади. Шу сабабли, миллий режим принципига риоя қилиш ҳуқуқ ва мажбуриятлар мувозанатини сақлаш учун муҳим бўлиб, кўп томонлама савдо тизимини сақлаб қолиш учун муҳимдир.

Ўзбекистон Республикасининг ЖСТга аъзо бўлишида миллий қонунчиликка миллий режимни имплементация қилиш истиқболларини таҳлил қилиш натижасида, Ўзбекистон учун ЖСТнинг амалдаги миллий режимни қўллаш товарлар ва хизматлар

учун рақобатнинг кучайишига, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қўшимча инвестицияларни жалб қилинишига ва ЖСТга аъзо мамлакатлар бозорларида миллий режимни қўллаш кўп ҳолларда Ўзбекистон товарлари ва хизматлари импортига нисбатан камситишни олдини олади, деган хулосага келишимиз мумкин.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. To quote Patrick Juillard, at a lecture on “Measures relating to the entry and establishment of investments”, UNCTAD/WTO, Third Seminar on Investment, Trade and Economic Development, Evian-les-Bains, 21-22 April 1999.

2. JACKSON, John H. *The World Trading System : Law and Policy of International Economic Relations*. Cambridge (MA), The MIT Press, 1989, 432p.

3. Havana Charter for an International Trade Organization, Final Act and Related Documents, United Nations Conference on Trade and Employment, United Nations Document E/Conf. 2/78 (Nov. 21, 1947- Mar. 24, 1948).

4. Michael J. Trebilcock and Shiva K. Giri. THE NATIONAL TREATMENT PRINCIPLE IN INTERNATIONAL TRADE LAW., The Berkeley Electronic Press, Paper 8, 2004. <https://core.ac.uk/download/pdf/7158748.pdf>

5. Appellate Body Report, Japan - Taxes on Alcoholic Beverages, WT/DS8/AB/R, WT/DS10/AB/R, WT/DS11/AB/R, page 16 (1 November 1996) [“Japan - Alcoholic Beverages”].

6. Philippines — Distilled Spirits, pages. 221–222 (WT/DS396/AB/R, WT/DS403/AB/R)

7. The World Trade Organization (3rd Edition): Law, Practice, and Policy. Mitsuo Matsushita, Thomas Schoenbaum, Petros C. Mavroidis, Michael Hahn. Oxford International Law Library. 2015. DOI: 10.1093/law/9780199571857.001.0001

8. Korea—Alcoholic Beverages, para. 118 (WT/DS75/AB/R, WT/DS84/AB/R).

9. Van den Bossche, P., & Prévost, D. (2021). *Essentials of WTO law* (2nd ed.). Cambridge: Cambridge University Press. doi:10.1017/9781108878845

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ШАРАПОВ Шухрат Шокирович

Бухоро давлат университети Юридик бўлим бошлиғи

E-mail: mr.sharapov@gmail.com

ТАЪЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИНИНГ АСОСИЙ ТАЪРИФЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): ШАРАПОВ Ш.Ш. Таълим олиш ҳуқуқининг асосий таърифлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2023) Б. 96-102.

 5 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-5-12>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистонда таълим олиш ҳуқуқини таъминлашнинг ўзига хос жиҳатлари қисқача очиб берилган. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига кўра, таълим ҳар бир инсоннинг ҳаётий ҳуқуқидир. Ушбу мақола халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш орқали инсоннинг таълим олиш ҳуқуқини батафсил ва изчил тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: Инсон ҳуқуқлари, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, иқтисодий-ижтимоий, маданий ҳуқуқлар, таълим, таълим олиш ҳуқуқи, таълим олиш ҳуқуқига таҳдидлар.

ШАРАПОВ Шухрат Шокирович

Начальник юридического отдела

Бухарского государственного университета

E-mail: mr.sharapov@gmail.com

ОСНОВНЫЕ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ПРАВА НА ОБРАЗОВАНИЕ

АННОТАЦИЯ

В статье кратко раскрыты конкретные аспекты обеспечения права на образование в Узбекистане. Согласно Всеобщей декларации прав человека, образование является жизненно важным правом человека для каждого. В этой статье попытались дать подробное и последовательное объяснение правам человека на образование, рассмотрев широкий спектр международных документов.

Ключевые слова: права человека, Всеобщая декларация прав человека, экономические, социальные, культурные права, образование, право на образование.

SHARAPOV Shukhrat

Head of the Legal department of Bukhara State University

E-mail: mr.sharapov@gmail.com

KEY DEFINITIONS OF THE RIGHT TO EDUCATION

ANNOTATION

The article briefly reveals specific aspects of ensuring the right to education in the Uzbekistan. According to the Universal Declaration of Human Rights, education is a vital human right for everyone. This article has attempted to provide a detailed and coherent explanation of the human rights to education by reviewing a wide range of international documents and literature.

Keywords: human rights, Universal Declaration of Human Rights economic, social, cultural rights, education, right to education.

*Таълим - бу дунёни ўзгартириш учун
ишлатишингиз мумкин бўлган энг кучли қурол.
Нелсон Мандела*

Қайд этиш лозимки, халқаро майдонда инсон ҳуқуқлари ХХ асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ривожлана бошлади ва кейинчалик бошқа соҳаларга қараганда тезлик билан ривожланди. Фикримизча, бундай ривожланиш, авваламбор, БМТ Низоми, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилиниши билан инсон ҳуқуқлари халқаро ҳамжамиятнинг долзарб аҳамият касб этувчи масаласига айланиши давлатларнинг конституцияларида инсон ҳуқуқларининг конституциявий мақом олиши билан боғлиқдир [1]. Шу билан бирга таълим соҳасидаги халқаро ҳуқуқий тартибга солиш ҳажми ҳам умумжаҳон, ҳам маҳаллий даражада доимий равишда ўсиб бормоқда. Ҳозирги замонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими одатда уч даражага, яъни халқаро, минтақавий ва миллий даражаларга бўлинади [2]. Таълим олиш ҳуқуқи инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари йиғиндиси бўлганлиги учун давлатлар таълим тизимини уйғунлаштиришга, даражаларни солиштиришни таъминлашга, талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг алмашинувини оширишга интиломоқда. Бироқ 2016 йилги Глобал Таълим мониторинги ҳисоботида кўра, дунёда 61 миллион бола асосий таълим олиш имконига эга эмас ва 758 миллион катталар саводсиздир, чунки улар ҳеч қачон таълим олмаган [3]. Ушбу рақамлардан кўриниб турибдики жаҳон миқёсида таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш бўйича қилинадиган ишларнинг кўлами анча кенг.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқида таъқидлаганидек, инсон капиталини ривожлантириш ва креатив ёш авлодни тарбиялаш – Ўзбекистон ўз олдида кўйган стратегик вазифалардан биридир [4].

Биз ҳамма учун очиқ ва сифатли таълимни камбағалликка барҳам бериш, халқ фаровонлигини ошириш ва барқарор иқтисодий ўсишга эришишнинг энг самарали омили, деб биламиз.

Янгиланган Конституциямизда таълим тизимига оид 9 та энг муҳим янгилик белгиланган хусусан:

1. Ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эга.
2. Давлат узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлайди.
3. Давлат мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратади.
4. Давлат бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олишни кафолатлайди.
5. Мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта таълим давлат назоратидадир.
6. Алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминланади.
7. Фуқаролар давлат таълим ташкилотларида танлов асосида давлат ҳисобидан олий маълумот олишга ҳақли.

8. Олий таълим ташкилотлари академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқига эга.

9. Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилади.

Таълим олиш ҳуқуқининг меъёрий мазмуни келсак менимча тушунчалар анчайин ноаниқ ва турли туман деб ҳисоблайман. Глобаллашган бугунги дунёда таълим соҳасидаги муносабатлар ва фаол ҳамкорлик соҳасини самарали тартибга солиш учун давлатлар тушунчаларни аниқлаб олишлари керак. Ҳозирги вақтда амалдаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиб, шуни таъкидлаш мумкинки, уларнинг ҳеч бирида таълим олиш ҳуқуқининг тўлиқ таърифи мавжуд эмас. Концепция нуқтаи назаридан ҳам халқаро ҳуқуқ билан шуғулланувчи олимлар ҳам, конституциячилар ҳам одатда таълим олиш ҳуқуқини батафсил кўриб чиқмайдилар, фақат унинг мавжудлигини эслатиб ўтадилар. Сузанна Шеррининг таъкидлашича, ҳуқуқий шарҳловчилар таълим олиш ҳуқуқининг мазмунини ҳали ўрганмаганлар” [5, Б.131].

Кэйт Ҳалворсеннинг фикрича таълимнинг инсон қобилиятларини ошириш ва ривожлантиришдаги ўрни ва вазифасини етарлича таъкидлаб бўлмайди, онг, ўзлик, яхлитлик, салоҳият ва ҳатто куч, ҳеч бир адабиёт ёки восита таълимнинг таърифини ҳар томонлама ва изчил тақдим этмайди [6, Б.341-343].

Инсон ҳуқуқлари бўйича ҳужжатлар фақат таълимнинг функционал ва тор таърифларини беради ва турли талқинлар учун жой қолдиради. Инсоннинг таълим олиш ҳуқуқига бундай номувофиқ ёндашувни қўллаш ва амалга ошириш нуқтаи назаридан фойдалидан кўра зарарлироқдир.

Масалан, К.Д.Бейтер Таълим олиш ҳуқуқини ҳимоя қилишга бағишланган асарида таълим олиш ҳуқуқи бир вақтнинг ўзида иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга тегишли эканлигини таъкидлайди. Шунингдек бошқа ҳуқуқлар қатори, таълим олиш ҳуқуқи ҳам давлатлардан барча даражадаги бошланғич, ўрта ва олий таълим олиш имкониятини таъминлаш учун саъй-ҳаракатларни талаб қилишини билдиради [7, Б.47].

Ушбу баёнотни таълим олиш ҳуқуқининг таърифи деб аташ қийин, чунки у фақат ҳуқуқнинг характерини ва уни амалга ошириш масалаларидан бирини кўрсатади. Б.А.Страшун таълим олиш ҳуқуқини “ҳам шахснинг, ҳам бутун жамиятнинг ривожланиши учун зарур шарт-шароит яратувчи энг муҳим ижтимоий ҳуқуқларидан бири” деб таърифлайди [8, Б.211].

Атоқли олимимиз академик А.Х.Саидов таъриф беришларича “таълим олиш ҳуқуқининг мазмуни шундаки, Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқаросига таълим ва тарбиянинг барча кўринишларидан тенг фойдаланиш имкониятларни кафолатлайди. Таълим олиш ҳуқуқини амалга оширишга мавжуд кучли моддий техника базаси имкон яратади” [9, Б.245]. Ушбу тарифдан кўриниб турибдики, бутун дунё ҳуқуқ тизимидан фарқли равишда Ўзбекистонда таълим билан бир қаторда тарбия олиш ҳуқуқи ҳам давлат томонидан бир хилда таъминланади.

О.Т. Ҳасанов билим олиш атамасини ишлатиб, “билим инсонни юксак даражага кўтарибгина қўймасдан, у яшаётган мамлакатни ҳам юксалтиришини айтиб ўтади. Ўзбекистонда ҳар бир шахснинг билим олиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида мукамал таълим тизимини шакллантирилди ва такомиллаштирилмоқда”-деб такидлайди [10, Б.178].

Профессор А.А. Азизхўжаев “таълим олиш ҳуқуқи муносабати билан ушбу конституциявий институтнинг анча мукамал тартибга солиниш тенденциясини кузатар эканмиз, унинг конституциявий тартибга солинишини демократик ва тоталитар жамиятлар мисолида ҳам кўриш мумкин”-дейдилар ва демократик ва тоталитар давлатлар қонунчиликларидаги фарқларни келтирадилар [11, Б.98].

Туркиялик Т.Сойдан. ва Й.Караманлар таълим олиш ҳуқуқини муҳокама қилиш асоси (таълим олиш ҳуқуқининг ўлчовлари)ни фалсафий ва ҳуқуқий ўлчовларга бўлган.

1. Фалсафий ўлчов: Таълим олиш ҳуқуқини асослашга фалсафий ёндашувнинг

моҳияти маърифатпарварлар томонидан кун тартибига олиб келинган инсонпарварлик тушунчасидир. Шу нуқтаи назардан қараганда, инсонпарварлик бир томондан инсонга бўлган муҳаббатни, ҳаракат қилувчи (ҳокимият), яъни ўз инсоний қобилиятларини эркин ривожлантириш ҳуқуқига эга бўлган ва ўз ҳаётини бошқариш қобилиятига эга бўлган фуқаро-шахсни тасвирлайди. Таълим инсонпарварликни тушунишнинг асосий қисмидир.

2. Ҳуқуқий ўлчов: Таълим олиш ҳуқуқи турли миллий ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда тартибга солинади. Ижтимоий ҳаётдан манба олган ҳуқуқнинг ҳам органик табиатини, ҳам ижтимоий ҳаётни йўналтирувчи ва тартибга солувчи ролини ҳисобга олган ҳолда унинг таълим олиш ҳуқуқи нуқтаи назаридан аҳамияти юзага чиқади. Шу билан бирга, шуни ҳисобга олиш керакки, ҳуқуқий меъёрлар ҳуқуқни амалга ошириш учун мос асос яратиши ва ҳуқуқни амалга ошириш учун чекловчи бўлиши мумкин [12].

А.И.Казанникнинг фикрича, таълим олиш ҳуқуқи деб-“шахснинг жисмоний ёки ақлий меҳнат билан шуғулланиш мақсадида бўлажак касбни ўзлаштириш, ихтисосликни эгаллаш учун зарур бўлган тизимлаштирилган билим ва кўникмаларни эгаллашининг қонуний кафолатланган имконияти”ни тушуниш керак [13, Б.18]. У таълим олиш ҳуқуқини маданий ҳуқуқларга киритади. Э.И.Козлова таълим олиш ҳуқуқининг хусусияти сифатида унинг ижтимоий-иқтисодий табиати ва “жамоат бурчининг характери”ни белгилайди [14, Б.184].

М.В.Баглай ҳам таълим олиш ҳуқуқини ижтимоий ҳуқуқлар қаторига қўшади ва бу ҳуқуқнинг амалга оширилиши бевосита жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий тараққиётини таъминлаши билан бирга шахснинг ривожланиши, унинг маданияти, фаровонлиги учун зарур шарт-шароит яратишини таъкидлайди [15, Б.289].

А.Н.Козирин таълим олиш ҳуқуқини давлат ва халқаро ҳуқуқ билан кафолатланган субъектив ҳуқуқ сифатида тушуниладиган таълим олиш ҳуқуқи, шахснинг билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиш ҳамда ўз таълим ва маданий даражасини ошириш мақсадида улардан фойдаланишнинг ҳақиқий қобилияти дейди [16].

Америка Қўшма Штатлари Олий суди узоқ вақтдан буён: таълимни демократик республикада фуқаролик олиш учун жуда муҳимдир деб тан олишига ҳеч биримиз шубҳа қила олмаймиз-дейди Сузанна Шерри [5, Б.131]. Ушбу баёнотдан кўриниб турибтику энг демократик ва ривожланган давлатлардан бири деб тан олинган АҚШ да фуқароликни бериш ёки бермаслик масаласида олий суд таълим олаганлик фактига қараб қарор қабул қиларкан.

Шундай қилиб, таълим олиш ҳуқуқини белгилашга уринишлар, асосан, унинг моҳиятини ҳисобга олиш ва уни ижтимоий, иқтисодий, маданий ёки аралаш ҳуқуқларга боғлаш билан боғлиқ. Ҳуқуқни тартибга солиш ва амалга ошириш назарий жиҳатдан ҳуқуқ жамият ҳаётининг қайси соҳасига тааллуқли эканлигига кўп боғлиқ эмаслиги сабабли бундай ёндашув мақсадга мувофиқ эмасдир.

Таълим олиш ҳуқуқи Э.В.Мартиненконинг дарслигида бироз батафсилроқ кўриб чиқилади. Таълим олиш ҳуқуқи инсоннинг энг муҳим конституциявий ижтимоий ҳуқуқларидан бири сифатида тушунилади ҳам унинг шахси, ҳам бутун жамият ривожланишининг зарурий шарт, шунингдек таълим олиш ҳуқуқи инсоннинг табиий ҳуқуқи бўлиб, муаллиф уни яшаш ва ривожланиш ҳуқуқининг элементи сифатида кўриб чиқишни таклиф қилади [17, Б.52-53].

“Theirworld” глобал таълим инқирозига барҳам бериш ва келажак авлоднинг салоҳиятини юзага чиқаришга қаратилган глобал болалар хайрия ташкилотининг веб-саҳифада “Таълим ҳамма учун асосий инсон ҳуқуқидир ва ҳар бир киши ўз ҳаётидан максимал даражада фойдаланиши учун муҳимдир” дейилган.

Шундай қилиб, таъриф ижтимоий соҳага ҳавола асосида ҳам олинган ва у тўлиқ эмас деб ҳисоблайман.

А.Н.Козириннинг таърифи юқоридагилардан фарқ қилиб, таълим олиш ҳуқуқини объектив ва субъектив маънода ажратиб кўрсатади. Таълим олиш ҳуқуқи объектив маънода “таълим билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар

йиғиндиси” дир Субектив маънода таълим олиш ҳуқуқи - “Давлат ва халқаро ҳуқуқ билан кафолатланган шахснинг билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиш ҳамда ўз таълим ва маданий даражасини ошириш мақсадида фойдаланишнинг реал қобилятидир” [18, Б.42-53]. Ушбу таърифлар кўриб чиқилганларнинг энг кенг қамровли ва ишончли таърифи бўлиб кўринади, аммо мен халқаро ҳуқуқни тартибга солиш предмети бўлган таълим олишнинг субъектив ҳуқуқига аниқроқ ва батафсилроқ таъриф беришни ва шу билан бирга вақт ўтиши билан унинг тушунчасидаги ўзгаришларни кузатишни истардим.

Таълим олиш ҳуқуқи фундаментал ҳуқуқ ҳисобланади, чунки у жамият тараққиётини ҳам, ҳар бир шахснинг индивидуал ривожланишини ҳам белгилайди.

Таълим олиш ҳуқуқи бошқа инсон ҳуқуқлари билан узвий боғлиқ бўлиб, ушбу ҳолат таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлардан ҳам, ҳуқуқни қўллаш амалиётидан ҳам келиб чиқади. Амалда таълим олиш ҳуқуқи бузилганлиги тўғрисидаги барча шикоятларда бошқа ҳуқуқларнинг бузилиши ҳам биргаликда кўриб чиқилади. Энг аввало, таълим олиш ҳуқуқи маданий ҳаётда иштирок этиш, шунингдек, фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқи билан узвий боғлиқдир. Бундан ташқари, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 13-моддасида таълим олиш ҳуқуқи, шу жумладан ота-оналарнинг мактаб танлаш ҳуқуқи, шунингдек, болаларнинг яъни уларнинг фарзандларининг диний ва ахлоқий тарбиясини таъминлаш ҳуқуқи мустаҳкамлангани бежиз эмас. Таълим олиш ҳуқуқининг субъекти бола бўлган тақдирда, унинг таълим олиш ҳуқуқи ота-онасининг фикрлаш, виждон ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи билан узвий боғлиқдир. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди амалиётида таълим олиш ҳуқуқи билан фикрлаш, виждон ва эътиқод эркинлиги, шу жумладан ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик эркинлиги ўртасидаги боғлиқлик масаласи бир неча бор кўтарилган [19].

Таълим олиш ҳуқуқи меҳнат қилиш ҳуқуқи билан ҳам чамбарчас боғлиқ бўлган ҳуқуқдир. Биринчидан, меҳнат қилиш ҳуқуқини тўлиқ амалга ошириш имконияти кўпинча таълим малакаси билан чекланади. Шунинг учун таълим олиш ҳуқуқи тўғридан-тўғри тегишли турмуш даражасига боғлиқ бўлган ҳуқуқдир. Иккинчидан, ХМТнинг 182-сонли “Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тақиқлаш ва бартараф этиш бўйича зудлик билан чора-тадбирлар тўғрисида”ги Конвенциясида болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларига қарши курашишга айнан таълим орқали эришилиши айтилади. Шунинг учун таълим олиш ҳуқуқи нафақат меҳнат қилиш ҳуқуқини тўлиқ амалга ошириш учун асос, балки унинг бузилишига тўсиқ бўлиши мумкин. Шунингдек, ХМТнинг 140-сонли “Тўланадиган ўқиш таътиллари тўғрисида”ги Конвенцияси ҳам эътиборга молик, унинг муқаддимасида таълим олиш ва меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш бевосита боғлиқлиги белгиланган.

Таълим олиш ҳуқуқи муайян сиёсий ҳуқуқларни амалга оширишнинг зарурий шартидир, масалан, маълум бир давлат хизмати лавозимларини эгаллаш учун таълим малакаси белгиланади [20].

Таълим олиш ҳуқуқининг сиёсий ва ижтимоий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқларини амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқлигини Инсон ҳуқуқлари кенгаши ҳам таъкидлайди.

Шундай қилиб, Иккинчи жаҳон урушидан кейин инсоннинг таълим олиш ҳуқуқига оид кўплаб халқаро ҳужжатлар, мақолалар, трактатлар ва миллий қонунлар ишлаб чиқилган ва нашр этилган. Халқаро ҳуқуқ давлат суверенитетини чеклаш ва давлат томонидан фуқароларини давлат ваколатларини суиистеъмол қилишдан ҳимоя қилиш учун ишлатилган. Шунга кўра, инсоннинг таълим олиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича ушбу соҳадаги тадқиқотлар турли хил, мураккаб ва фанлараро тус олди. Тадқиқотлар таълимнинг натижалари ёки контекстларига қаратилган бўлиб, инсон капитали назариялари, онгни ошириш назариялари, нео-вебер ва номарксистик назарияларни ўз ичига олган турли хил назарияларни қўллаган.

Хулоса сифатида шуни айтиш керакки, таълимнинг таърифи мураккаб таркибли

бўлганлиги сабабли, инсоннинг таълим олиш ҳуқуқини тадқиқ қилиш қийин ишдир. Натижада, инсоннинг таълим олиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича ушбу соҳадаги тадқиқотлар кўп қиррали, мураккаб ва фанлараро тус олди. Тадқиқот мақсадига қараб, тадқиқотчилар эътиборга олишлари керак бўлган кўплаб кичик тармоқлари мавжуд. Масалан, таълимнинг таърифи унинг биринчи ёки иккинчи авлод ҳуқуқи сифатида қаралишига қараб ўзгаради. Таълимнинг вазифаси, миқдори, сифати, фойдаланиш имконияти, субъектлари ва мазмунини ҳисобга олиш муҳимдир.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Сафарова Ш. Инсон ҳуқуқлари бўйича таълимни амалга оширишнинг шартномавий-ҳуқуқий манбалари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald №. 4 (2023) – Б. 89-95.

2. Сафарова Ш. Инсон ҳуқуқларига оид таълимни шакллантириш ва ривожлантиришда халқаро универсал ташкилотларнинг иштироки // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald №. 4 (2021) – Б. 132-142.

3. The right to education // URL: <https://www.norad.no/en/front/thematic-areas/education/right-to-education/>;

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқи. 20.09.2023 // URL: <https://president.uz/uz/lists/view/6677>.

5. Suzanna Sherry, Responsible Republicanism: Educating for Citizenship, 62 U.CHIC. L. REV. p 131 (1995). // URL: <https://chicagounbound.uchicago.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=4853&context=uclev>;

6. Kate Halvorsen, Notes on the Realization of the Human Right to Education, 12 HUM. RTS. Q. 341, 343 (1990). // URL: https://docs.escri-net.org/usr_doc/Notes_on_Realization.pdf;

7. Beiter K.D. The protection of the right to education by international law: including a systematic analysis of Article 13 of the International Covenant on Economic, Social, and Cultural Rights / by Klaus Dieter Beiter. P.47.

8. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Общая част.: Учеб. для вузов/ Рук. авт. колл. и отв. ред. Б.А. Страшун. 4-э изд., обновл. М.: НОРМА: ИНФРА-М. 2010. С.211.

9. Ўзбекистон Республикаси Конституцион ҳуқуқи. Дарслик. Масъул муҳаррир: ЮФД., проф., А.Х.Саидов-Т.; ТДЮИ нашриёти, 2005. 245-бет

10. Ҳасанов О.Т. Конституциявий ҳуқуқ. Дарслик.-Тошкент, Адолат, 2013. 178-бет

11. Хорижий мамлакатлар конституциявий ҳуқуқи: дарслик / масъул муҳаррир: проф.А.А.Азизхўжаев:-Т.:ТДЮИ нашриёти, 2010, 98-бет.

12. Soydan, T.; Karaman, Y. (va boshq.) (2008) “Ta’lim olish huquqi”, Turkiya Respublikasida ta’lim fanlari nuqtai nazaridan zamonaviy qadriyatlar bilan ta’limni o’rganish, 2008 yil 1-3 mart, Anqara. // URL: <https://acikders.ankara.edu.tr/mod/resource/view.php?id=95073>;

13. Конституционное право: университетский курс: учебник: в 2 т./под ред. А.И. Казанника, А.Н. Костюкова. М.: Проспект. 2015. Т. 2. С.18.

14. Козлова Э.И., Кутафин О.Э. Конституционное право России: Учебник. 5-э изд., перераб. и доп.- М.: Проспект. 2014. С.184.

15. Конституционное право Российской Федерации: учеб. для вузов / М. В. Баглай. 6-э изд., изм. и доп. М.: Норма. 2007. С.289 // URL <http://krasinskiy.ru/Baglai1.pdf>;

16. Козырин А.Н. Право на образование в конституциях и законодательстве зарубежных стран // URL <https://wiselawyer.ru/poleznoe/87076-pravo-obrazovanie-konstituciyakh-zakonodatelstve-zarubezhnykh-stran>;

17. Мартыненко Э.В. Международное образовательное право: Учеб. пособие. М.: РУДН. 2008. С.52-53.

18. Козырин А.Н. Образование и право на образование // Реформы и право. 2015. № 2. С. 42 - 53.

19. Grang Chamber case of Lautsi and others v Italy, case of Folgero and other v

Norway, case of Leyla Şahin v Turkey // URL: <https://hudoc.echr.coe.int/app/conversion/pdf/?library=ECHR&id=001-104040&filename=001-104040.pdf>;

20.Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуни. 08.08.2022 йилдаги ЎРҚ-788-сон // URL: <https://lex.uz/ru/docs/-6145972>

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ЮРИДИК ХИЗМАТ, АДВОКАТУРА, НОТАРИАТ

ФАЙЗИЕВ Хайриддин Сирожиддинович

Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази
кафедра мудир, юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ЮРИДИК ХИЗМАТ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ФАЙЗИЕВ Х.С. Юридик
хизмат тушунчаси ва унинг давлат бошқаруви органлари тизимида тутган ўрни //
Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2023) Б. 103-110.

 5 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-5-13>

АННОТАЦИЯ

Мамлакатимизда муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш механизмларининг жадаллашуви давлат бошқаруви тизимида фаолият юритадиган юридик хизматлар фаолияти янада кучайишига туртки бўлди. Ушбу жараёнлар муҳимлигини англаб етган ҳолда, давлат норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш ишларига, хусусан, юридик хизмат фаолиятига алоҳида эътибор беришда давом этмоқда, зотан ушбу хизмат бўлмаса, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар, ҳеч бир ташкилот самарали иш юрита олмайди. Юридик хизматнинг тўғри ташкил этилиши ва унинг томонидан ўз вазифаларини самарали бажарилиши кўп жиҳатдан давлат органи ва ташкилоти муваффақиятли фаолият юритиши учун муҳимлиги хусусида тушунча шаклланмоқда. Мақолада қонунчиликка риоя этишда давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги, шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини амалга оширадиган юридик хизматлар тушунчасини назарий-ҳуқуқий жиҳатдан очишга ҳаракат қилинган ҳамда мавзу доирасида юрисконсультлар ишининг муҳим жиҳатлари хусусида фикр мулоҳазалар юритилган.

Калит сўзлар: адлия органлари, юридик хизмат, юрисконсульт, давлат бошқаруви органлари, қонунийлик, қонун устуворлиги, норма ижодкорлиги, форпост, ҳуқуқий қонунийлик.

ФАЙЗИЕВ Хайриддин Сирожиддинович

Заведующий кафедрой Центра повышения квалификации юристов
при Министерстве юстиции Республики Узбекистан,
доктор философии по юридическим наукам (PhD)

ПОНЯТИЕ ЮРИДИЧЕСКОЙ СЛУЖБЫ И ЕЕ РОЛЬ В СИСТЕМЕ ОРГАНОВ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ

АННОТАЦИЯ

Ускорения механизмов правового регулирования общественных отношений в стране явилось дальнейшим стимулом усиления юридических служб, функционирующих в системе государственного управления. Понимая важность этих процессов государство продолжает уделять особое внимание нормотворческой деятельности и правоприменению, в частности деятельности юридической службы, поскольку без этого подразделения ни одна организация, независимо от ее организационно-правовой формы, не может вести деятельность эффективно. В последнее время формируется понимание о том, что от правильной организации деятельности юридической службы и обеспечения эффективного выполнения ею своих обязательств, зависят успехи в деятельности государственного органа и организации. В статье предпринята попытка с теоретико-правовой точки зрения раскрыть понятия юридической службы, нормотворческой, договорно-правовой и претензионно-исковой работы государственных органов и организаций, осуществляемой юридической службой, а также в рамках темы высказано мнение о важных аспектах работы консультантов.

Ключевые слова: органы юстиции, юридическая служба, юрисконсульт, органы государственного управления, законность, верховенство закона, нормотворчество, форпост, правовая законность.

FAYZIEV Khayriddin

Head of the Department of the Lawyers' Training Center under the
Ministry of Justice, Doctor of Philosophy (PhD) in Law

CONCEPT OF LEGAL SERVICE AND ITS STATE MANAGEMENT ROLE IN THE SYSTEM OF ORGANS

ANNOTATION

Acceleration of mechanisms of legal regulation of relations in our country has motivated the activity of legal services operating in the state administration system. Realizing the importance of these processes, the state continues to pay special attention to the creation of norms and law enforcement, in particular, to the activities of the legal service, without which no organization, regardless of its organizational and legal form, can work effectively.

In the conditions of modern political-legal and socio-economic development of Uzbekistan, the legal service is given one of the main places in the organizational structure of all state bodies and organizations, which is a separate legal subject combining the elements of private law and public law status. An understanding is being formed about the importance of the proper organization of the legal service and its effective performance of its duties for the successful functioning of the state body and organization. Moreover, from the point of view of the changes being implemented within the framework of historically significant administrative reforms in the state administration system, the legal service appears as the most important link in the processes of their legal provision. In the article, an attempt was made to open up the concept of legal services that implement legal services, which implement the law enforcement, legal services of state bodies and organizations in compliance with the law, and the important aspects of the work of jurisconsults were discussed within the topic.

Key words: justice bodies, legal service, jurisconsult, state administration bodies, legality, rule of law, norm creation, outpost, legal legitimacy.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеясининг “Миллий ва халқаро миқёсда ҳуқуқ устуворлиги” номли резолюциясида давлатлар миллий миқёсда ҳуқуқ устуворлигини таъминлайдиган ва фаол равишда тарғиб этадиган муассасалар фаолиятини қўллаб-қувватлаши зарурати қайд этилган [1]. Шу билан бирга, БМТнинг “Юристар ролига доир асосий принциплар” да ҳам ҳуқуқ устуворлигини таъминлашда юристарнинг муҳим ўрни ва аҳамияти алоҳида эътироф этилган [2].

Ўзбекистонда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатнинг барпо этилиши қонун устуворлиги ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар самарали ижро этилишига асосланади. Миллий ҳуқуқий тизим негизини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ташкил этади. Хусусан, Конституциянинг 14-моддасига кўра, давлат ўз фаолиятини инсон фаровонлигини ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қонунийлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари асосида амалга оширади. Конституциянинг 15-моддасига мувофиқ Ўзбекистонда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади... Давлат ва унинг органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш юритадилар [3].

Мамлакатимизда қонунийлик принципнинг амалга оширилишини кафолатлайдиган давлат ҳокимияти органлари тизимини Ўзбекистон Республикаси Президенти¹, суд органлари, прокуратура ва адлия органлари ташкил қилади. Бунда адлия органлари ягона давлат ҳуқуқий сиёсатини юритиш, давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ҳуқуқни қўллаш амалиётини изчил ва бир хилда таъминлаш бўйича чораларни амалга оширишга масъулдир [4].

Мамлакатимиздасўнгги йилларда амалга оширилаётган сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнида давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни самарали таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бироқ, яхши қонунларни қабул қилишнинг ўзи етарли эмас, уларни қатъий ва сўзсиз ижро этилишини таъминлаш лозим. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллашни такомиллаштиришнинг замонавий устувор йўналишларини белгилар экан “...Асосий масала – қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга ва масъул ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун талабларига қатъий амал қилишни таъминлашдан иборатдир”, деб қатъий таъкидлаган эди [5].

Шунингдек, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги нутқида, “...Ҳукумат қонун, фармон ва қарорлар ижросини тўғри ташкил этиб, амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳар бир туман ва қишлоққа, ҳатто олис ва чекка ҳудудларгача етиб боришини таъминлаши зарур” [6], деб алоҳида қайд этди.

Мазкур долзарб вазифаларни самарали амалга ошириш, давлат органлари ва ташкилотлари, авваламбор, ижро ҳокимиятига тегишли бўлган давлат бошқаруви органлари тизимида ҳуқуқий иш сифати ва самарасини ошириш заруриятини талаб қилади. Бу эса, ўз навбатида давлат бошқаруви тизимида ҳуқуқий ишларнинг асосий ижрочиси бўлган юристар – юрисконсультлар, умуман, юридик хизматнинг, давлат органи ва ташкилоти таркибий тузилмаси сифатида фаолиятининг самарали ташкил этилишига ва уларга нисбатан талабларни кучайтирилишига олиб келди.

Юрист – бу юридик маълумотга эга бўлган, юридик билимли, қонунчиликни билувчи, уларни амалий фаолиятида қўллаш кўникмасига эга бўлган шахс [7, Б.10]. Инсоният

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 109-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига рия этилишининг кафили ҳисобланади.

тарихидаги энг қадимги касблардан бири бўлган ҳуқуқшунос (юрисст) касби ҳуқуқ билан бирга пайдо бўлган ҳамда унинг аҳамияти ҳуқуқ аҳамияти ва унга нисбатан жамият ва давлатнинг муносабатидан келиб чиқиб ошиб борди. Бунда миллий ва халқаро ҳуқуқ нормалари ҳар доим мазкур жараёнга алоҳида таъсир кўрсатган [8, Б.7-10].

Бугунги кунда, жамиятда юристларнинг лавозими ва ихтисослигидан қатъи назар, ижтимоий мавқеи анча юқори [9, Б.42-43]. Юристинг ижтимоий роли айниқса, юридик нормаларга риоя қилиш ва бажаришга катта аҳамият бериладиган ҳуқуқий давлатларда кучайиб боради [10, Б.11]. Ҳозирда юристинг касбий фаолияти билан боғлиқ масалалар нафақат ҳуқуқий ҳамжамиятда, балки бошқа соҳаларда ҳам анча кенг муҳокама қилинмоқда. "... бугунги кунда юрист касбини танлаш, кундалик ҳуқуқий ишнинг мазмуни ва моҳияти, профессионал сифатида унга бўлган талаблар, унинг жамиятдаги роли ва ўрни, юристларнинг ўзлари, умуман олганда, жамият томонидан кам ўрганилган ва англаб етилмаган" [11, Б.11]. Бунда, тадқиқотчилар ҳаққоний равишда кўрсатиб ўтганидек "...юристинг касбий фаолиятида ушбу соҳа мутахассиси томонидан бажариладиган ишларнинг турига боғлиқ бўлмаган қуйидаги сифатлар ҳам устувор бўлиши керак: инсонпарварлик ва адолат, муаммоларни ҳал этишга давлат (глобал) нуқтаи назаридан ёндашув, қатъий фуқаролик позициясига эга бўлиш, юқори малака, айни вақтда ушбу сифатлар ҳуқуқ ва ҳуқуқни қўллаш масалалари бўйича мустақил ва эркин қарор қабул қилишга кўмаклашиши шарт" [11, Б.8].

Давлат мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этишни мақсад қилиб қўйди. Айнан ушбу тарихий даврдан бошлаб мамлакатда муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш механизмлари такомиллаштирила бошланди, бу эса юристларнинг иш ҳажми кескин ортишига ҳамда давлат бошқаруви тизимида юридик хизматлар мавқеининг кучайишига сабаб бўлди.

"Юрисконсулт" атамаси немис илдизларига эга ва немисча "*Juriskonsultus*" сўзидан олинган бўлиб, у эса, ўз навбатида лотинча "*Jurisconsultus*" – "қонунларни билувчи" маъносини англатади¹. Юридик адабиётда "юрисст" ва "юрисконсулт" терминларига тенглик аломатини қўйган ҳолда улар бир хил маънода қўлланиб келинади [12, Б.7].

Юрисконсулт муваффақиятли фаолият юритиши учун анча кенг ҳуқуқий билимларга эга бўлиши лозим, қонунчиликнинг турли соҳалари – фуқаролик, арбитраж, маъмурий, меҳнат, ижтимоий, уй-жой ва бошқа ҳуқуқ соҳаларига оид нормаларни нафақат билиши, балки уларни юксак маҳорат билан қўллай олиши даркор [13, Б.57].

Шунингдек, ташкилот юрисконсултларининг қонунийлик, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ва давлат бошқаруви тизимида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ҳуқуқий ишни амалга ошириш соҳасидаги кенг мажбуриятлар доираси, уларни юридик фаолият билан шуғулланадиган барча субъектлар ичидан ажратиб туради. Жумладан, давлат бошқаруви органлари юридик хизматининг асосий мақсади – ҳуқуқий ишда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, ҳуқуқ-тартиботни мустақкамлаш ва ушбу субъектлар ходимлари томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишини олдини олиш ("форпост") бўйича бевосита иш ҳисобланади. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан прокуратура органларидан фарқли ўлароқ, юридик хизмат бевосита давлат органи ва ташкилоти раҳбариятининг ҳуқуқий фаолияти жараёнида қонунийликни таъминлашга қаратилган. Бу эса, давлат органлари фаолиятида ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид ташкилий-услубий ишларда юридик хизматдан, аввало, профилактик йўналишда ишлашни талаб қилади. Юрисконсултларнинг малакали иштироки давлат органи раҳбарияти фаолиятининг ҳуқуқий мазмуни ва юридик ишончлилигини таъминлашга, шу жумладан тизим ичидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга муҳим ҳисса қўшади.

¹ Замонавий немис юридик луғатида юрисконсулт тушунчаси ("Justitiar" ёки "Justiziar") "ҳуқуқий маслаҳатлар берувчи профессионал давлат хизматчиси ёки хизматчи (ходим)" деб таърифланади

Шу билан бирга, юридик хизматнинг назария ва амалиётда бир хилда номланиши ҳамда тушунилишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон юридик энциклопедиясида юрисконсулт тушунчасига: “*Юрисконсулт* – давлат органлари, тижорат ва нотижорат ташкилотлар таркибида ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳат бериш вазифаси юклатилган шахс, лавозим”, дея таъриф берилган” [14, Б.566]. Таъкидлаш керакки, ушбу таъриф, юрисконсултнинг амалдаги қонунчиликда белгиланган ҳуқуқий мақоми ва функциялари моҳиятини тўлақонли акс эттирмайди ва шунинг учун қайта кўриб чиқилиши лозим. Ушбу таърифни шакллантиришда ташкилот фаолиятининг қонунийликни таъминлаш соҳасида юрисконсултнинг муҳим бўлган ролини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Юридик адабиётда *юрисконсулт* – давлат ҳокимияти органлари, корхоналар (концерн, бирлашмалар), ижтимоий-маданий муассасалар, ташкилотлар, ҳуқуқий хизматнинг юридик бўлим (бюроси) бошлиғи, бош (катта) юрисконсулти, юрисконсулти лавозимида бўлган ходим [10, Б.72], деб таъриф берилган. Ф.Х. Отахоновнинг фикрича, юрисконсулт юридик мутахассислардан бири бўлиб, у давлат органлари, хўжалик бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар (корхона, муассасалар ва ташкилотлар)да ҳуқуқий ишларни амалга оширади [9, Б.44]. Таниқли ўзбек ҳуқуқшунос олими Ғ.Абдумажидов эса корхона, муассаса, ташкилот ўзининг доимий ҳуқуқшуносига эга бўлгани унинг қонуний нуқтаи назардан фаолият юритишда нечоғлик аҳамиятли эканлигини таъкидлайди [15].

Ҳуқуқшунос олимлар томонидан *юридик хизматга* турлича таърифлар берилган. Жумладан, И.С. Шиткина *юридик хизмат* – “...бу ташкилот фаолиятини ҳуқуқий таъминлашни амалга оширувчи ва унинг ташкилий жиҳатдан мустақил таркибий тузилмасидир” [16, Б.83], деб таърифлайди. А.Н. Титиевский *юридик хизмат* – корхонада амалдаги қонунчиликка риоя қилиниши устидан назорат функциясини бажарувчи ва корхона раҳбари, маъмурияти ҳамда таркибий тузилмаларига қонунчиликни қўллаш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда ҳуқуқий ёрдам кўрсатувчи корхонанинг мустақил функционал хизматидир [17], деб таъриф беради. А.Н. Чашин фикрича эса, *юридик хизмат* – бу корхонанинг хўжалик фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашни амалга оширувчи, ўз фаолиятини амалдаги қонунчилик, халқаро ҳуқуқ нормалари, юридик бўлим (юридик хизмат) тўғрисидаги низом, таъсис ҳужжатлари ва бошқа локал норматив ҳужжатларга мувофиқ юритувчи алоҳида бўлинмадир [18, Б.8]. Юридик хизмат тушунчасига шунга ўхшаш таърифлар Л.Б. Щербачёва, В.П. Иванов ва А.Л. Мироновлар томонидан ҳам берилган [19].

Бироқ, Ф.Х. Отахоновнинг фикрича, юридик хизматга берилган юқоридаги таърифларда унинг тушунчаси тўлиқ очиб берилмаган [9, Б.47]. Ўзбек ҳуқуқшунос олими ушбу хулосасини қуйидагича асослайди: “...биринчидан, юридик хизмат нафақат ташкилот ёки корхонада, балки у давлат ҳокимияти ва бошқаруви, хўжалик бошқарув органлари, муассасаларида ҳам мавжуд; иккинчидан, юридик хизмат ҳар доим ҳам бўлим, департамент ёки бошқа номдаги таркибий тузилма сифатида фаолият юритмайди, штатдаги юрисконсулт ҳам унинг функцияларини бажариши мумкин; учинчидан, юридик хизматнинг фақат иккита йўналишдаги вазифаларини унинг тушунчасига киритилиши, унинг бошқа вазифаларини эътибордан четда қолишига олиб келади [9]”. Шу билан бирга, Ф.Х. Отахонов ўз хулосаларини қўшимча равишда тасдиқлаш учун, 2017 йилда қабул қилинган Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисидаги Низомда акс эттирилган юридик хизмат тушунчасини келтиради [20].

Ф.Х. Отахоновнинг мазкур хулосаларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, юқорида олимлар томонидан юридик хизмат тушунчасини таърифлашда фойдаланилган айрим терминларни таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Жумладан, И.С. Шиткина томонидан юридик хизматга берилган таърифдаги “*ташкилот*” терминини анча кенгроқ, яъни “фаолияти умумий мақсадларга эришиш учун онгли равишда мувофиқлаштирилган инсонлар гуруҳи” сифатида тушуниш керак

[14, Б.444-445]¹. Таъкидлаш керакки, адабиётларда ташкилотларнинг типологиясини қуришда кўплаб ёндашувлар мавжуд, бироқ уларнинг барчаси ушбу категориянинг кенг тушунчасига (яъни, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат ташкилотлари, хўжалик бошқаруви органлари, муассасалар) асосланади².

Бошқа бир ҳуқуқшунос олим А.Н. Титиевский *корхона* юридик хизмати тушунчасини ўзининг тадқиқот мавзусидан келиб чиқиб шакллантирган. *Корхона* тушунчасини бу ерда товарларни ишлаб чиқарадиган ва сотадиган, ишларни бажарадиган, хизмат кўрсатадиган юридик шахснинг ҳуқуқлари билан мустақил, ташкилий нуқтаи назардан алоҳида хўжалик юритувчи субъект сифатида кўриш мумкин³ [21].

Шу билан бирга, бизнинг назаримизда, юридик хизмат тушунчасининг қайд қилинган таърифлари россиялик муаллифлар томонидан ташкилотнинг таркибий бўлинмаси ҳисобланган “хизмат” тушунчаси бўлган тадқиқот мақсадлари асосида шакллантирилган. Шунинг учун кўриб чиқилган юридик хизмат тушунчасининг таърифларида ҳуқуқий иш субъекти бўлган юрисконсулт тилга олинмаган.

Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тушунчаси Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисидаги Низомда берилган [20]. Хусусан, Низомнинг 4-бандида “юридик хизмат – давлат органи ва ташкилоти фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш мақсадида қонунчиликда белгиланган меъёр ва мезонларга мувофиқ мажбурий тартибда ташкил этиладиган ёки жорий қилинадиган мустақил таркибий тузилма ёхуд лавозим” деб таъриф берилган ҳамда юридик хизмат бевосита давлат органи ва ташкилотининг раҳбарига бўйсунishi қатъий белгилаб қўйилган.

Таъкидлаш лозимки, мазкур Низомга кўра, давлат органлари ва ташкилотлари деганда, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари тушунилади, шунингдек бошқа ташкилотлар (*яъни тадбиркорлик субъектлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва маъмурий ҳуқуқнинг субъекти бўлган бошқа хусусий шахслар*) учун Низомнинг талаблари тавсиявий хусусиятга эга [9, Б.48].

Юридик хизмат институтининг таҳлил қилинган хусусиятларини инобатга олган ҳолда давлат бошқаруви органлари юридик хизмати тушунчасига қуйидаги таърифни бериш мумкин, деб ҳисоблаймиз. *Давлат бошқаруви органлари юридик хизматлари* деганда, ўз фаолиятини қонунчиликка мувофиқ равишда, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳуқуқий қонунийликни таъминлаш орқали, ходимларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини ошириш, ҳуқуқий воситалар орқали давлат органининг мулкӣ ва бошқа манфаатлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган ижро ҳокимиятининг таркибий тузилмаси тушунилади.

Давлат бошқаруви органлари юридик хизмати тушунчаси хусусида сўз юритар эканмиз, аввало, мазкур тузилмаларда юридик хизмат алоҳида субъект эмас, балки давлат бошқаруви тузилмаси, унинг таркибий қисми сифатида намоён бўлишини назардан қочирмаслик зарур.

¹ Ташкилот сўзи юнон сўзидаги “*ὄργανον*” “асбоб-усукуна” деган маънони билдиради. Ўзбекистон юридик энциклопедиясига мувофиқ, ташкилот – 1) кенг маънода, инсонлар, гуруҳларнинг меҳнат ва мажбуриятлар тақсимоти ҳамда бошқарув тузилмаси мавжудлиги асосида, у ёки бу вазифаларни ҳал қилиш учун бирлашиши; 2) фуқаролик қонунларига биноан, юридик шахслар (ЎЗР Фуқаролик кодексининг 39-моддаси). Ташкилотларнинг тижорат ва нотижорат шакллари мавжуд (ЎЗР Фуқаролик кодексининг 40-моддаси); 3) у ёки бу соҳада ички тартиб-интизомга асосланган мувофиқлаштирилган фаолиятни таъминлаш (масалан, йўл ҳаракатини ташкил этиш).

² Хусусан, миллий адабиётда тармоқ асосида фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар типологияси кенг кўрсатилмоқда: саноат-хўжалик, молиявий, мамурий, илмий-тадқиқот, таълим, тиббий, ижтимоий-маданий ва бошқалар.

³ Корхона” терминининг қисман синоними сифатида “фирма”, “компания”, “корпорация” каби сўзлар ишлатилади. Корхонанинг кенг тарқалган кўринишлари сифатида завод, фабрика, фермер хўжалиги, ишлаб чиқариш фирмаси ва бошқалар ишлатилади.

Бинобарин, давлат бошқаруви юридик хизмати асосий белгиларидан бири – бу алоҳида ташкилий бирлик эканлиги ҳисобланади. Қайд этилишича, ташкилий бирлик – бу юридик шахсининг муайян ташкилий қисмларидан иборат бўлиб, улар яхлит ҳолда, бир бутунликда ягона субъект сифатида мавжудлигини англатади [22, Б.183-184], [23], [24]. Давлат органи юридик хизмати тузилмаси алоҳида мустақил ҳолда мавжуд бўлмайди. Айни чоғда, давлат бошқаруви органи юридик хизматида бошқа таркибий тузилмаларига хос бўлмаган хусусиятлари мавжуд – бу унинг нисбатан мустақил фаолият юритиши ҳисобланади.

Мустақил фаолияти асосан давлат бошқаруви органи раҳбарияти ва юқори лавозимдаги мансабдор шахслари билан бўлган муносабатларда намоён бўлади. Юридик хизматнинг мустақиллиги ва бошқа таркибий тузилмалар учун татбиқ этилмайдиган ўзига хос жиҳатлари, шунингдек, қўйидагиларда ҳам намоён бўлади:

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, республика даражасидаги давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати ходимлари лавозимга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, шунингдек ҳудудий даражадаги давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати ходимлари эса лавозимига Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари билан келишилган ҳолда тайинланадилар ва озод қилинадилар;

юридик хизмат штат бирликларини қисқартиришга ва уларни давлат органи ва ташкилотининг бошқа таркибий тузилмаларига қайта тақсимлашга йўл қўйилмайди;

юридик хизмат ходими ёхуд юрисконсулт лавозимида олий юридик маълумотга эга бўлган шахсгина ишлаши мумкин (яъни, давлат ташкилоти раҳбари истаган ходимни ишга олишига йўл қўйилмайди);

юридик хизмат ходими лавозимига биринчи марта тайинланган шахслар белгиланган тартибда адлия органларида стажировкадан ўтадилар;

давлат органи ва ташкилотининг юридик хизмати ходимларига мартаба даражалари берилади ҳамда кўп йиллик хизмат учун қўшимча тўлов ва устамалар қонунчиликда белгиланган тартибда тўланади.

Умуман олганда, давлат бошқаруви органи юридик хизмати ўз мақсади ва унга юкланган вазифалари, функцияларидан келиб чиққан ҳолда, таркибий қисми бўлган давлат органи бошқарув жараёнида фаол иштирок этиши лозим, бунда ҳуқуқнинг норматив (позитив) бошқариш функциясидан кенг ва самарали (таъсирчан) фойдаланиши шарт, зеро ушбу хизматнинг моҳияти кутилаётган (кўзланган) натижага қонунда белгиланган ҳуқуқий тартибот ва қоидаларга риоя этган ҳолда эришишни таъминлашда ифодаланади.

Демак, қонун ҳимоясида турар экан, юридик хизмат нафақат давлат органи манфаатларини, балки амалда бутун давлат ва жамият манфаатларини (замонавий юридик тил билан айтганда – оммавий манфаатларини) ҳимоя қилиб, мамлакатнинг айрим соҳалари (ижро ҳокимияти тармоқлари)да белгиланган мўлжал ва мақсадларига қонун доирасида эришиш устидан ҳуқуқий назоратни амалга оширади. Бундан ташқари, юридик хизматнинг давлат бошқаруви органи бошқа таркибий тузилмаларидан (бухгалтерия, молия, маркетинг, хўжалик ва бошқ.) ажралиб турадиган ўзига хос хусусияти шундаки, унинг фаолияти бир соҳа билан чекланиб қолмасдан, умумий тус касб этади, унинг зиммасига бошқарув органининг барча тармоқлари (бўлимлари, тузилмалари)да қонунийликни таъминлаш вазифаси юкланади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, юридик хизмат фаолиятини ҳар томонлама илмий-назарий ўрганиш ва таҳлил қилиш, давлат бошқаруви органларида ҳуқуқий ишлар сифати ва самарадорлигини янада такомиллаштиришга қаратилган илмий тавсиялар ҳамда таклифларнинг ишлаб чиқилиши учун қўшимча имкониятлар яратиб беради.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. БМТнинг “Миллий ва халқаро миқёсда ҳуқуқ устуворлиги” номли А/RES/72/119-сонли резолюцияси // URL: <https://undocs.org/ru/A/RES/72/119>.
2. Восьмой Конгресс Организации Объединенных Наций по предупреждению преступности и обращению с правонарушителями, Гавана, 27 авг. – 7 сент. 1990 г. // URL: http://www.un.org/ru/documents/declconv/conventions/role_lawyers.shtml.
3. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган) // URL: <https://lex.uz/uz/docs/-6445145>.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3666-сонли қарори // URL: <https://lex.uz/docs/3681790>.
5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // URL: <https://president.uz/oz/lists/view/2>;
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи, 22.01.2020 // URL: <https://president.uz/uz/lists/view/3310>.
7. Введение в юридическую специальность / Под редакцией А.П. Корнеева, В.К. Боброва. М.: Щит-М, 2003.
8. Тарасов М.Е., Баттахов П.П., Тарасова-Сивцева О.М. Роль и место профессии юриста в современном обществе // Вопросы экономики и права. 2014. – № 3.
9. Отахонов Ф.Х. Ўзбекистон Республикасида юридик хизматнинг назарий-ҳуқуқий муаммолари: юрид. фан. доктори (DSc) дисс. автореф. – Тошкент, 2019.
10. Тарасов М.Е., Баттахов П.П., Тарасова-Сивцева О.М. Роль и место профессии юриста в современном обществе // Вопросы экономики и права. 2014. – № 3.
11. Creifelds Rechtswörterbuch, München 2002. S. 737, Rn. 3.
12. Лебедев К.К. Правовое обслуживание бизнеса (корпоративный юрист): Учебно-практическое пособие. – М.: Юрист, 2001.
13. Юридическая служба в системе МВД России: на страже закона и безопасности граждан // Национальные интересы: приоритеты и безопасность. – № 37(130). 2011.
14. Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А. Муҳитдинов ва бошқ.; масъул муҳаррир Н.Тойчиев. – Т.: Адолат, 2009.
15. Абдумажидов Ф. Адвокатура ва ҳимоя ҳуқуқи. // Инсон ва қонун. – 2004. – 29 июль.
16. Предпринимательское право Российской Федерации / Е.П.Губин, П.Г.Лахно и др. – М.: Юристъ, 2003.
17. Титиевский А.Н. Организация правовой работы на предприятии // Электрон манба: <http://www.distanse.ru>.
18. Чащин А.Н. Юридическая служба в Российской Федерации: Учебное пособие. – М.: ЗАО ИКЦ «ДИС», 2005..
19. Щербачева Л.В., Иванов В.П., Миронов А.Л. Юридическая служба в государственных органах и на предприятиях. – М.: ЮНИТИ, 2006. – 192 с.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2733-сонли қарори // URL: <http://lex.uz/ru/docs/3189360>.
21. Большая российская энциклопедия // <https://bigenc.ru/economics/text/3175331>.
22. Гражданское право: В 2 т. Том I: Учебник / Отв. ред. проф. Е.А.Суханов.-2-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство БЕК, 2000. С.
23. Хозяйственное право: Учебник / Под ред. В.В.Лаптева.-М.: Юрид.лит.: 1983.– 45 с.;
24. Зокиров И. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. –Т.: Адолат, 1996. – 52 б.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
5 СОН, 3 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА
НОМЕР 5, ВЫПУСК 3

LAWYER HERALD
VOLUME 5, ISSUE 3

TOSHKENT-2023